



БИР МАЖЛИС БАҲОНА...

Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган 14-сессиясида Президент И.Каримовнинг маърузаси юзасидан жойларда, маҳаллаларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди. Албатта, бу ҳокимиятлар томонидан уюштирилган дастурий тадбирлар эди. Қизиқ бир ҳолат: мазкур тадбирларда нуқул қариялар иштирок этишади. Пойтахтдаги учрашувларда ҳам шу манзара. Хотин-қизлар жуда кам, ёшлар эса умуман йўқ. Ахир ҳали ақли-хаёли, дунёқарashi шаклланиб улгурмаган ёшлар учун кўпроқ эътибор қаратилиши лозим-ку. Ҳолбуки, Президент террорчиликнинг асл моҳияти, унинг олдини олиш чора-тадбирлари, бу жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшлар онгига эзгу ғояларни сингдира боришимиз зарурлиги хусусида батафсил тўхталган эди.

Шундай учрашувлардан бирига ҳокимият вакили кечикиб келди. Қартайиб қолган бир киши, афтидан маҳалла оқсоқоли бўлса керак, масъул ходим келгунча зериккан одамларни залдан чиқиб кетмасликка ундаб ойдон овора бўлди. Бир пайт масъул ходим ҳам келди. Биз эшикдан киратуриб бир-биримизнинг исм-шарифимизни айтиб йўл-йўлакай танишдик. Залдаги ажратилган минбарга кўтарилгач, ҳокимият вакили дабдурустдан каминанага «Сиз шоирлар гапга уста бўласиз, профессия. Шунинг учун асосий докладчи сизсиз», деб топшириқ бериб додиратиб қўйди. Майли, буни эплаш мумкин, лекин сал аввалроқ буни келишиб олган маъқулмиди. Боз устига тўй-маросим ўтказишга мўлжалланган чойхонасифат жойга 20-25 чоғли чоллар тўпланган, холос. Ахир, бу кексаларга қайси гапни уқтириш мумкин? Уларга ақл ўргатиб бўладими? Совет даврида суяги қотган, ақли пишган, эҳтимол, сидқидилдан шўроларга хизмат қилган, ҳозирги кунда вақти кўп бўлгани учун бундай мажлисларда қатнашишни эрмак биладиган, топганини топиб, йўқотганини йўқотиб бўлган оқсоқоллар. Мен минбардаги оқсоқолдан ёшлар, хотин-қизлар кўринмайдими, деб сўрадим. Оқсоқол ёшлар ишдан кеч қайтишларини, келганларидан сўнг нонушта қилар-қилмас чарчаганлари учун ухлаб қолишларини, аёллар эса эрларига, болаларига овқат тайёрлашгаётганини, ҳали-ҳамон улар ҳам келиб қолишларини айтди. Тўғри айтган экан, мажлис яримлаганда тўрт-беш хотин, бири бола кўтарган, бири писта чаққан ҳолатда кириб келишди. Бу орада каминана қурбим етганича диний ақидапарастлик, террорнинг мудҳиш оқибатлари, мамлакатимизга ҳам бу балонинг хуруж қилаётганидан огоҳ бўлишимиз зарурлиги ҳақида мулоҳазалар билдирдим. Расмийроқ йўсинда сўзлаган бўлсам керак, чоллар эснай бошлашди. Мендан сўнг худди шу мавзуда ҳокимият вакили гапирди. У кишининг ҳокимият вакили эканини билгач, қариялар жонланиб қолишди. Бир одам ўрнидан туриб даставвал пенсионер эканини, ўзи ҳам, ўғли ҳам олий маълумотлигини, бироқ ўғли иш тополмай аллақандай майдароқ ишда ишлаб бор-йўғи 25 минг сўм маош олаётгани, ўзининг пенсия ва бу маош коммунал хизматлар тўловидан ортмаётганидан ўзбекча сўзлаб ёзғира кетди. Ҳокимият вакили унга жўяли жавоб қилмади. Яна террорни қоралаб сўзида давом этди. Бир маҳал ўша кекса тагин ўрнидан туриб, бу гал ўрсица тулақиб бақира кетди. Хўп, тушунарли, деди у. Бу гапларни ҳар кунни эшитяпмиз, бизнинг орамиздан террорчи чиқмайди. Лекин мен яхши кун кўриш учун, фарзандларимга тўй қилишим учун етарли миқдорда пул тўлайдиган одамга ёлланиб ишлашим мумкин. Лекин тўсадан у давлат душмани бўлиб чиқса, аёнки,

мен ҳам ўз-ўзимдан душман бўлиб қоламан. Аввал бу ёғини қойиллатиб, етарли маош бериб иш билан тامينлаб қўйингда, кейин гапиринг, талаб қилинг.

Ҳокимият ходими ҳамма ривожланган мамлакатларда ҳам ишсизлик муаммоси борлиги, ҳали бора-бора бу нарсалар изга тушиб кетишини икки оғиз айтиб яна гапни асл мавзуга бурди.

Бу гал бошқа бир нафақахўр бундан-да зардаси қайнаб ўрнидан турди. Шу билан мавзу ўзанидан чиқиб кетди. Вакил вазиятдан усталик билан чиқиб кетиш учун сўзни маҳалла жамғармаси ходимига бериб юборди. Бу вакил ҳам бош мавзуда оғиз жуфтлаб нималардир деган эди, бояги икки қария қўл силтаб залдан чиқиб кетди. Энди навбат бояги писта чақиб ўтирган аёлларга тегди. Уларнинг гап-сўзлари ҳам коммунал хизмат тўловлари ой сайин оширилаётганидан ёзғиришдан иборат эди. Ҳокимият вакили ўрнидан турди-ю, бироқ уларга жўяли бир жавоб беролмади. Ҳафсаласи пир бўлганлар биринкетин зални тарк эта бошладилар. Оқсоқол ҳай-ҳайлаганча уларни ортага қайтишга даъват этганча қолиб кетди.

Туман маънавийат марказининг ходимаси мажлис баённомасини ёзиб ўтирарди. Албатта, баённомага бу нохуш вазият ёзилмаган чиқар. Аммо у расмийчилик, ҳисобот учунгина тузилгани тайин. Шу туманининг фалон маҳалласида халққа пистон мавзуда тушунтириш ишлари олиб борилди, пистон-писмадонлар сўзга чиқиб аҳолининг тушунмаган нарсаларини тушунтириб қўйишди деган жумлалар ҳам тузилган, албатта.

Аммо бу гаплар мажлиснинг ҳақиқий аҳволига қай тариқа мос келишини бир ўйлаб кўринг. Ёлғон-ку. Аммо улар ўзларининг бошлари гаранг бўлмасликлари учун шу ёлғонни маъқул кўришади.

Расмийчилик ва хўжақўрсинга қилинаётган ишларимизнинг хунук бир кўриниши бу. Мажлистан чиққаннимиздан сўнг бир оқсоқол киши келиб ҳокимият ходимига «кечирасиз-у, сиз мажлис давомида нуқул кулиб ўтирдингиз, бу бизга ҳақорат бўлиб туюлди», дея дашном берди. Негадир ходим бу гапга эътибор бермади. Сўнг мен ходимдан коммунал ва йўл ҳақларининг қарийб ярмини давлат дотация сифатида қоплайди. Буям бозор муносабатларига ўтиш жараёнидаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари ҳокимият масъул ходими сифатида давлатчилигимиз ҳали шаклланиш жараёнида, баъзи тўсиқлар, бюрократик говлар борлиги, давлат бора-бора ўз ҳуқуқларини жамиятга узата бориб, соф демократик жамият сари боришимиз зарурлигини гапирсангиз бўларди, дедим.

— Ничего, пережить вы сможете сиз ҳам, муҳими, эсон-омон ўтказиб олдик, - деди у.

Демак, у кишининг бугунги ишлардан кўнгли тўқ...

Талай кунлар ўтди. Президентимизнинг Андижон ва Сурхондарё вилоятларидаги навбатдан ташқари сессияларда сўзлаган маърузаларини қунт билан тингладим. Зеро, ирод этилган сўзлар инсофни, виждонни уйғотиши керак. Эътироф этилаётган камчиликлар, хўжақўрсинга қилинаётган уқувсиз, эътиборсиз ишлар ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда бор.

Жумладан, каминана изҳор этган пойтахтдаги маҳаллаларда ҳам...

Уйғоқ бўлайлик ва ҳаётга тик кўз билан қарайлик!

Муҳаммад АЛИ

ЯҲТИ ШЕЪРЛАР

АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИ ҶОШИДА

Жаҳонгир кўз ташлар олис ёқларга,
 Хаёл уммонида жамулжам жаҳон...
 Бир пас ором олинг энди боғларда,
 От бошини буринг, эй соҳибқирон!

Гижинлаган тулпор майдонларга зеб,
 Хиёбонга сизмас шиддат ва суръат...
 Эҳ, отимни боғлаб қўйдингиз-да деб,
 Хўрсиниб қўяди мисли йўқ қудрат!

ШОИРТА

“Шоир! Халқнинг меҳрига
 ҳеч тиқиб юрма кўз...”
 Пушкин

Заҳматкаш шоирсан, эл шуни сўзлар...
 Меҳнат қилмоқ сенга шоҳона ишдир.
 Кимгадир ҳақорат туюлган сўзлар
 Сен учун шубҳасиз буюк олқишдир.

Кимдир сени мутлоқ назарга илмас,
 Дурдона байтларинг унга бир тийин.
 Шеър нима – билмоққа ҳатто интилмас,
 Шеърсиз ҳам яшамоқ эмасдир қийин.

Келар сарҳисобга фурсатлар ҳали,
 Туз тотдинг гоҳ нопок бандалар билан.
 Душман саломига гоҳ олдинг алиқ
 Чехрага ярашмас хандалар билан...

Номинг машҳур эрур эл аро асил,
 Тирикчилик оғир, гоҳ у йўқ, бу йўқ...
 Ҳатто фарзандларинг қилишар ҳазил:
 “Шоир номи улуғ, супраси қуруқ!..”

Озодлик деб шеърлар битдинг яширин,
 Маънолар беркитиб сатрлар аро:
 Шояд билиб олса уларнинг сирин,
 “Ватан!” деб ўртанган бирор фуқаро!

Ҳа, ҳа, шоирликдан умид нимадир,
 Қалам тутмоқ, билмам, нечоғлик хизмат.
 Шоир фароғатдан кўзин юмадир,
 Шоирлик – пешона, қисматдир, қисмат.



Шоир ўзи учун яшамас асло,
 Қалам тутдинг – керак бўлса жондан кеч,
 Дема: “Бўлардим, бўлмади аммо...”
 Қадр тилаб халқдан ўпка қилма ҳеч!..

ТЕРАК. АЁЛ ВА ОЙ

Манзара

Кимсасиз тун кечада мунгсирайди тераклар,
 Юксақларда ой сўйлар шуълаафшон эртақлар.

Ошноқ ҳарир кўйлақда бир аёл нозик-ниҳол,
 Теракка суянмишдир бамисли шамол беҳол.

Ким кимга суянмишдир, аёлми теракка, воҳ,
 Теракми аёлдан ё тилар ўзига паноҳ?

Шамолдан теракнинг ҳам тик қадди эгилмишдир,
 Ғуссадан аёлнинг ҳам гул қадди букилмишдир.

Иккиси ҳам тебранар маломат ҳаволарда,
 Булутлар узра ой ҳам сирғанар самоларда...

Терак учига қўниб-тўхтаб қолар ой, ҳайҳот,
 Бағри тутаниб бирдан куя бошлар шу заҳот!

Аёл ғуссасиданми ой куяр, куяр эди,
 Дунёдай кенг самонинг бағрини ўяр эди...

Нозик-ниҳол аёл лол, тепасида куяр ой,
 Ўзин қайга қўймоқни билмас терак ҳойнаҳой...

* * *

Баъзан дейсан: “Ёрмайдими қор,
Бўлмайдими ер остин-устин.
Баридан ҳам хўброқ нима бор
Кулбанг ичра бўлмоқдан, дўстим?..”

Йўқ, йўқ. Замин тинч бўлсин фақат,
Осмон тиниқ, тоғлар пойдор...
Мен ўзингдан тилайман шафқат,
Сигинаман ўзгинангга, ёр...

* * *

*“Кеча келгумдир, дебон ул
Сарви гулрў келмади...”
Навоий*

Кўндан шеър ёзмадим, қани ёниқ ҳис?
Кўлга қалам олсам, сўзлар келмади.
Сўзларнинг изидан излаб кетдим из,
Келди-ю, мен кутган ҳислар келмади.

Йўлига кўз тикдим, қошлар қорайди,
Тонг оқарди, қаро кўзлар келмади.
Тангри суяр эмиш йиғлоқиларни,
Бироқ дил-дилидан бўзлар келмади.

Ўзгалар келди-ю, ўзлар келмади,
Тонг оқарди, қаро кўзлар келмади...

ЭСКИ ҚОЛСАҚОА

Биз ёндик, биз куйдик, раъйимизга қараб
Кечар баҳорлару қорлар, қировлар.
Неки юмуш қилсак қилдик, во ажаб,
Баҳони беради энди бировлар.

Боболар кўрган кун - ғурбатли аср,
Бошда синди калтак, қистов, сўровлар...
Умр — уларники, не учун ахир
Баҳони беради энди бировлар?

Кимдир лойлар қорди, йўл очди кимдир,
Ким эса жонини қўйди гаровлар.
Ҳеч ким эсламайди уларни энди,
Роҳатин кўради энди бировлар...

«АМРИҚО ДАФТАРИ» ДАН

1. Амриқоча чизгилар

Гўзал диёр Амриқо!
Сўзлай десанг тил лолдир.
Ҳайрат боқар ҳар ёндан,
Ажиб тийра мақолдир.

Бировининг устида
Шорти деган бир кийим.
Бошқасининг либосин
Кийим деб аташ қийин.

Бир йигит қулоғига
Сирга тақиб олибди.
Ўзга йигит орқаси
Сочи билан тўлибди.

Ярим очиқ аёллар
Эмин-эркин юрар, денг...
Бунда қонун пурқудрат,
Шоҳу гадо тепа-тенг.

Бизлар қўлэзма титиб,
Ўқир эдик байтларни.
Улар Интернет тутиб,
Очар хил-хил сайтларни.

Уйга келган заҳоти
Компьютерга шўнғийди.
Дунёнинг бор хабарин
Бир лаҳзада ўқийди...

Бунда киши эркиндир,
Табассуми юзида.
Ҳар ким қилар билганин,
Ихтиёри ўзида.

Бир йигит (бу - мода!)
Соч-соқоли оқарган...
Бу ҳаёт эркин ҳаёт,
Чидаганга чиқарган...

2. Колумбнинг тухуми

Колумб дўстларига дейди пурмаъно:
“Тухумни ким тикка турғиза олар?”
Ҳамма уринару, ҳамма ҳам аммо
Қўлидан келмайин ҳайратда қолар.
Колумб-чи, тухумни пойнак-ла урар,
Ерга бир урару турғизиб қўяр...
“Эҳ-ҳа... Бундоғини биз ҳам билардик!
Неча тухум бўлса тикка қилардик...”
“Билардингиз, аммо...— Колумб дер қулиб, —
Аммо мен турғиздим биринчи бўлиб!”

Нақлни ҳар одам тушунар ҳар хил,
Маъносин билганча ҳар ён буради.
Алқисса, қаловин топсанг, беҳазил,
Турмаган нарса ҳам тикка туради!..

3. Амриқолик эроний сўзи

Паҳлавий замони шундоқ эди ҳол:
Бозорда май ичиб қилардик роҳат.
Бу тугум бировга келмасди малол,
Уйда айлар эдик сўнгра ибодат...

Паҳлавийдан кейин аҳвол ўзгарди:
Энди бозорларда ибодат кечар.
Майни бўлса, қаранг, номоздан қайтиб,
Ҳар ким ўз уйида, панада ичар...

ҚОЛҚОДАҲ КЕЧИҲ

Бошин эгиб борар от,
Йигит кўзида ёш, ёш:
— Соврунсиз қолиб, ҳайҳот,
Кўзингдами ёш, йўлдош?

— Мен соврунга ўлмаيمان!
Ҳолимга ёв кулмайми?..
Мен йиғлайман оримга!
Ҳув нарида турар ёр...
Қандай боқай ёримга?
Энди менга олам тор!..

Бошин эгиб борар от...

* * *

Дунёнинг тескари ишига қара:
Ҳали мўйлабинг йўқ, соқол қўйибсан.
Ҳой, яланг йигитча, соқолинг тараб,
Ўзинг доногами, ажаб, йўйибсан?..

Ўз вақтида бўлса соқол ярашар,
Соқол ҳам обрўдир лозим фурсатда.
Соқол билан киши доно бўлса гар,
Эчкилар юрарди доим иззатда...



Умарали НОРМАТОВ

КИТОБХОНЛИК ДАВРИ ЎТДИМИ?

Сир эмас, XX асрнинг 60-80-йиллари бизда китобхонликнинг энг авж палласи бўлди. Ўша йилларга нисбатан ҳозирда китобхонлик кескин камайди. Оддий статистик маълумотлар қиёси ҳам ушбу ҳолатни аниқ кўрсатиши мумкин. Чунотчи, адабий-бадий нашрлардан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси адади 80-йилларда чоракам бир миллион нусхага етган бўлса, бугун беш минг атрофида чоп этилаётган; “Шарқ юлдузи” ойда бир бор 240 минг нусхага чикқан бўлса, ҳозир уч ойда бир бор бор-йўғи икки минг нусхада босилляпти. Бунинг сабаби нимада?

Биз яхши деб атаган асарлар китобхонни қаноатлантирмайтими, адабиёт дидли китобхондан ортда қоляптими? Ёки, аксинча, китобхон юксак савияли асарларни тушуниш, англаш, ўқиш, ундан завқланиш даражасида эмасми? У бугунги адабиётдан нимани кутяпти?...

Хуллас, бу борада саволлар кўп, жавоблар эса ақсар ҳолларда очик қоляпти. Жавоб изланмаяпти эмас, изланяпти, лекин ҳодисанинг моҳияти, илдизи чуқур очиб берилмаяпти.

Бир тизимдан иккинчи бир тизимга, бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш жараёнидаги руҳий эврилишлар, иқтисодий танглик, замонавий коммуникация — ахборот воситаларининг (видео, кўмпютер, интернет) ҳаётга дадил кириб келиши — булар ҳозирда китобхонликнинг сусайишига олиб келаятган асосий омиллар деб қаралмоқда. Бу хил даъволарда озми-кўпми ҳақиқат бор. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам бу борада ҳал қилувчи омил бўлмайди. Яқин ўтмиш тарихимиздан маълумки, иқтисодий жиҳатдан танг йилларда ҳам китобхонлик асло сусайган эмас. Спёсий-мафқуравий тазийқ шароитларида ҳам ман этилган юксак савияли китоблар пинҳона ўқилаверган. Қолаверса, фан-техника, замонавий коммуникация гоят ривож топган мамлакатлар, жумладан Олмонида китобхонлик юксак даражада экани маълум.

Оммавий китобхонлик авжига чикқан ўтган асрнинг 60-80-йиллари — жамият маънавияти тарихининг айни ўша палласи жиддий ўрганилишга арзийдиган мавзу. Ўша кезлари китобхон хийла содда, романтик бўлганмикан, деган ўйга борасан киши. Китобхон ҳаётда тополмаган ҳақиқатни, орзу-ўйларини бадий адабиётдан қидирган, ҳақгўй адибларни, уларнинг ҳақ сўзларини ниҳоятда қадрлаган. Ҳақ гап айтилган, ифодаланган асарлар дарҳол оғизга тушган, қўлма-қўл ўқилган. Бундан руҳланган адиблар йўлини топиб асарларида жиддий муаммоларни ўртага қўйишган, Қодирий айтмоқчи, “жамиятнинг қитиғига тегадиган” гапларни айтишга интилган. Бадий савия — даражасидан қатъий назар шундай асарлар шов-шувларга сабаб бўлган. Шу тариқа ижодкор билан китобхон орасида гаройиб бир алоқа — ҳамкорлик вужудга келган. Бу хил асарларнинг кўпчилиги бугун ўз қиммати — аҳамиятини йўқотди. Ҳаёт, турмуш муаммосига қурилган асар, табиийки, ўша муаммоларнинг турмушдаги ечим билан бирга ўз умрини ҳам якунлайди. Китобхоннинг янги авлодигина эмас, катта авлод вакиллари ҳам ўз вақтида ҳаялган билан ўқиган ўша асарларни бугун қўлга олса, аввалги ҳолат — ҳаяжонга тушмайди.


Бугунги кунда аҳвол бошқачароқ. қўлга тушганини суриштирмай ўқийверадиган ёки асардан жиддий муам-

мо, “жамиятнинг қитиғига тегадиган” гап кутадиган романтик, серҳаяжон “китоб жинилари” бугун кам топилади. Ҳозирги китобхон, назаримда, тобора прагматик — китобдан амалий наф, соф манфаат қидирадиган бўлиб боряпти. Ҳатто “Дайди қизининг дафтари”ни ҳам шунчаки қизиқиш, кўнгил хуши, ҳавас ёки ижтимоий маъно қидириш эмас, қандайдир манфаат, ундан “ниманидир ўрганиш” мақсадида ўқийди. Айни ўша прагматизм адабиётга нисбатан “бефарқлик”ни туедирмаяптимикин? Ҳозир матбуотда пайдо бўлаётган ўта бўш, жўн, ибтидоий, ҳаттоки мувоҳизларча битилган сон-саноксиз битиклар қатори муҳим воқеа, жиддий бадий кашфиёт дейишга арзийлик асарлар ҳам ўқилмай этибордан четда қоляпти.

Мени бир нарса айниқса таажжубга солади: Республикамизда ўн мингга яқин умумий таълим мактаблари бор. Ҳар бир мактабда ўрта ҳисоб билан 3-4 дан тил ва адабиёт ўқитувчиси ишлайди, демак уларнинг умумий сони 30-40 мингга тага етади. Бунинг устига академик лицейлар, коллежларда, нофилологик олий таълим тизимида қанчадан-қанча филологлар талабаларга дарс беради; илмий муассасаларда, редакцияларда ишлайдиган талай филолог мутахассисларни, журналистларни, ёзувчилар уюшмасига аъзо мингдан ортиқ қалам аҳлини қўшиб ҳисобланса мамлакатимизда 70-75 минг чамаси бевосита “адабиётнинг нонини ейдиган”лар бор. Оддий китобхонни қўяверинг, янги асарни ўқиш-ўқимаслик улар учун ихтиёрий, бироқ, “адабиётнинг нонини ейдиган” филолог учун бу нарса мажбурий-ку! Бошқа адабий нашрларни қўятуринг, лоақал “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти” янгиликларидан беҳабар, бебахра ҳолда дарсга кириш, ўқувчи-талабалар олдида ваъз айтиш уят, балким маънавий жиноят-ку! Бунинг назорат қилида?! Йиллаб бирорта адабиёт янгиликларидан беҳабар дарс бериб юрган адабиёт муаллимидан сабоқ олган ўқувчи қандай қилиб китоб шайдоси бўлиб этишиши мумкин, ахир!

Яна фактларга мурожаат қилайлик. Республикада бир эмас, тўртта махсус хорижий филология олий ўқув юртлари, ўнлаб академик лицей, коллежлар, ҳар бир университетда эса хорижий филология факультетлари бор. Мактаб адабиёт дастурларида хорижий адабиёт намоёндалари ижоди муносиб ўрин олган. Ана шундай маърифатли мамлакатда наҳотки “Жаҳон адабиёти” атиги 2000 атрофида чоп этилса.. Республикамиздаги 20 мингга яқин кутубхоналарни қўйиб туринг, лоақал барча ўқув даргоҳларида бир дондан этиб борганида эди “Жаҳон адабиёти”нинг адади 10-12 минг нусхадан ошарди! Ҳар бир ўқув даргоҳида лоақал 10 тадан ўқувчи “Жаҳон адабиёти”да эълон қилган “Алхимик” ёки “Мувозана” каби жиддий асарлар ўқиганда, республикамизда 100 мингдан ортиқ маёқ порлаган, улар яна неча ўнлаб қалбларга нур уланган бўларди...

Жаҳон ва миллий адабиётда пайдо бўлган чинакам бадий кашфиётларни тарғиб ва ташвиқ этиш, уларда илғари





сурилган эзгу туйғулар, олижаноб ғояларни китобхонга етказиш ғоят хайрли ва савоб иш. Ҳозир ҳаётнинг ҳамма соҳасида урф бўлиб бораётган рекламачилик бу борада ҳам қўл келиши мумкин. Афсуски яхши китобнинг, яхши асарнинг тарғиб-ташвиқоти кўнгилдагидек эмас. Ғарбда бу нарса яхши йўлга қўйилганини биламиз. Бугунги ғарб китобхони интернетда янги яхши асар ҳақидаги мухтасар маълумот билан танишгач, ўша асарни топиб ўқийди. Бизда эндигина ҳаётга кириб келаётган интернетдаги ўзбек адабиёти сайти бу борада кўп хайрли ишларни адо этиши мумкин.

Шўро даври китобхони, менимча, инсонни анъанавий, бир хил йўналишдаги тасвир этган асарлар руҳида тарбияланган эди. Ҳатто замонавий хорижий адабиётдан қилинган аксар таржималар ҳам улар дидига мос — анъанавий асарлар бўлган. 80-йиллари “Иностранная литература”да Жойснинг “Улисс”и таржимаси пайдо бўлганида нисбатан илғор рус китобхони ҳам бунақа янги талқинни қабул қилишга тайёр эмаслиги маълум бўлди. 70-йиллари шу нарса узил-кесил аён бўлдики, XX аср жаҳон адабиёти аллақачон бундай янги йўллarga ўтиб олган — инсонни тушуниш, инсон табияти ва руҳий олами ни кашф этиш бобида ниҳоятда илгарилаб кетган экан.

Берлин деворлари қулаб, коммунистик мафкура темир пардалари орадан қўтарилгач, жаҳондаги янги жараёнлар билан, адабий тафаккурнинг тамомла янги бир олами билан яқинроқ танишиш имкони туғилди. Шўро даврида ғарб модерн адабиётининг асосан инкор руҳидаги танқидий таҳлили бизларни кўп жиҳатдан чалитган эди. Эндиликда бизда

бу адабиётнинг янгича талқинлари пайдо бўла бошлади. Шунда ғалати бир ҳолат юз берди: шўро даврининг энг яхши, қўлдан қўймай ўқиладиган асарлари ёки ғарб адабиётининг шўро даврида энг кўп нашр этилган, тарғиб-ташвиқ қилинган асарлари ўша кезлари менсимайроқ, танқидийроқ қаралган Жойс, Кафка, Камо, Сартрлар бисоти қаршида бирмунча жўроқ нарсалар экан. Шахсан менинг ўзим Камо ижодий мероси, “Бегона”, “Вабо” сингари асарлари билан яқиндан танишгач, авваллари ниҳоятда севиб мутолаа қилган, ардоқлаб келган “Оқ кема”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат” каби асарлар инсон жумбоғи, унинг чигал руҳий бисоти таҳлили бобида бир мунча анъанавийроқ эканига амин бўла бошладим. Модернизм жамики кам-кўстларига, зиддиятли жиҳатларига, реализм каби кенг ўқувчилар омасини топа олмаётганига қарамай инсон табияти, руҳиятининг реализм қўли, нигоҳи етмаган жабҳаларига дадил кириб бора олганини кўриб ҳайратга тушдим.

Очиги, ҳозирги ўзбек китобхони аросатга тушиб қолди: шўро давридан қолган, нисбатан яхши, бутун эса анъанавий йўлда битилётган асарлар уни маънан қановатлангирмайпти, айни пайтда, у янгича йўналишдаги асарларни қабул қилишга ҳали тайёр эмас. Қолаверса бизда ҳозирча янгича йўналишдаги асарлар мукамалликка даъво қилишдан йироқроқ. Мана сизга китобхонлик инқирозининг янги бир сабаби.

Дарҳақиқат, муаммолар жуда кўп. Бироқ бугунги кунда муаммо санаб, қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Кишиларни китобларнинг сеҳрли оламига шайдо этиш, уларда мутолаа иштиёқ уйғотиш биз ижодкорларнинг бурчимиздир.

САНЪАТ

Ҳосила РАҲИМОВА:

“ҚЎШИҚ КЎНГИЛНИ ЗАБТ ЭТИШИ КЕРАК!”

Ҳосила 1975 йили Денов туманида туғилган. Тошкент Маданият институтининг халқ музикаси факультетини тамомлаган. Аввал Деновдаги “Навниҳол” ансамблида яккаҳон хонанда сифатида фаолият юритган бўлса, икки йилдан буён Тошкентда мустақил ижод қилиб, ўз мухлислари сафини кенгайтириб борапти. Оилали. Икки фарзанднинг онаси.

— *Ҳосилахон, айтинг—чи, биринчи марта қўшиқ айтаганингизни эслай оласизми?*

— Дабдурустан фалон вақтда пистон қўшиқни айтганман, дея олмайман. Лекин боғча ёшимдаям қўшиқ айтаётганларим эсимда. Умуман, эсимни таниганимдан бери куйлашга чинакамага қизиқаман.

— *Маълумки, мухлисларингиз сизни турли йўналишларда баравар қўшиқ куйловчи ҳофиз деб билишади. Яъни эстрада, мақом, фольклор, лирик йўналишда ҳам айтаверасиз. Бора—бора бирорта жанрнинг бошини тутиш ниятингиз борми ёки...*

— Саволингизни тўғри тушунган бўлсам, яхши ижодкор бир йўналишни мустаҳкам эгаллаши кераклигига ишора қиялмасиз шекилли. Қайдам. Ўзимга қолса, мумтоз қўшиқлар йўлида да—стлабки жиддий чиқишларимни бошлаганман. Ихтисослигим ҳам аслида шу. Бироқ биласизми, тўғриси айтганда эстрадасиз кўп сонли мухлисларни жалб этиш анча оғир. Биринчи эстрада қўшиғим “Келгин ёр”ни айтганимда кўпчиликка ёққанини ҳис қилдим. Кейин иккинчиси, учинчиси... пайдо бўлди.

— *Баъзи қўшиқчиларнинг репертуари жуда саёз, пичоққа олинадиган, эса қоладиган қўшиғи нари борса бешта ё иккитадан ошмайди. Сиз қўшиқларингизнинг жами сонини биласизми?*

— Билмадим. Санамаган эканман. Юзтадан ошса керак. Лекин, айтадими—ку “вақт—олий ҳакам” деб. Вақти келиб баъзилари ё ўзингга, ё одамларга ёқмай қолади. Шу туйғулар доим янги ва яна янгисига талинаверасан одам.

— *Биласизми, ижодкорларнинг сарагидан кўра пучаги кўп бўлади. Бу—табиий ҳол. Аммо тўрт сапир шеърни ҳам қойиллатиб, тушунарли ифода этиб беролмайдиган баъзи ёшлар қаёқлардангиз йўл топиб телевизор ёки радио эфирларига лоп этиб чиқаришади. Сизнингча улар кимлар ва нима учун йўлини тўсиб бўлмайди?*

— Баъзилари ўзимга тенгқур, таниш ва ҳоказо. Шу боис бир гапни дангал айтсам, улар ақл ўргатадиган бўлиб қолибсанми, деб ёвқараш қилишлари мумкин. Бироқ бир—

гина ҳодисани тан олмай илож йўқ: қоши, кўзи чиройли баъзи санъатга алоқаси йўқ қизлар ҳам дабдурустан бо—яги сиз айтган аҳволда санъаткорлик даъвоси билан кириб келади. Нарёғи билан, яхшиси қизиқмаганингиз маъқул. Чунки... ҳомийлари тошни кесадиған одамлар...

Қай аҳволда, ким орқали экранга чиққанининг ҳам аҳа—мияти йўқ. Ҳар қалай санъатнинг ўз қонун—қоидалари бор. Айтаётган қўшиғинг кўнгилини забт этиши керак.

— *Шомурод бахшининг бир айтганини қўшиқ қилибсиз. Таъсирли.*

Яшамагур Маккам чол,

Литтбадгни сундирдин.

Қулоқ қилиб отамди

Душманлигинг билдирдинг

Бийгул, Бийгул, Равзангул, Равзангул.

Пўнақларинг қирқтангул. Ҳай—ҳайа, Раббимов!

Отажон! Норимов! Бегимов!

Соғиндик!

— Чиндан ҳам таъсирчан. Ўзи Шомурод бахши бошқа бахшилардан оҳанг йўналиши билан ҳам фарқ қилади. Тер—манинг мазмунидан билиниб турибдики, Шомурод бобо—нинг отаси бир вақтлар қулоқ сифатида Сибирга сургун қилинган. Маҳкам деган муғомбир чол “бу одам бахши, халқнинг пулини олиб бойиб кетди” деб сотган. Шомурод бахшининг қалбида айтим сифатида ушбу қўшиқ дунёга келган. Мен уни эстрадага солишга уриндим.

— *Шу кунларда “Халқлар дўстлиги” саройида сизнинг илк катта концертингиз ўтказилмоқда...*

— Жуда ҳаяжондаман. Чунки мен шу пайтгача бундай улкан кошонада кўпчилик мухлисларга бир ўзим концерт бермаганман. Ўзим учун ҳам аввало бир синов, сўнгра шинавандаларга ўзига хос ҳисоботим бўлади. Шуларни ўйлаб чўчиётган ва ҳаяжонланасан одам.

— *Сизга омад тилаймиз.*

*Сўхбатдошлар: Абдувоҳид Ўнаров,
Замон Саидов*

Луқмон БЎРИХОН



ЧОРБОҒ ҚЎРИҚЧИСИ

Қисса

*Қонуни тақиқлай олмаган нарсаларни
гоҳи номус тақиқлай олади (агар у бор бўлса)
Сенека (ва Аллаким)*

Кечагина эшагига қийшиқ минган қишлоқи эдим, бугун эса ажабтовур машина ўриндиғида ястаниб ўтирибман-а?! Наҳотки, Хизр кўрганам чин?!

* * *

Уч-тўрт тўй-томошада уч-тўрт донгдор курашчининг курагини ер исқатиб полвон номини олдим, Қоржов полвон бўлдим. Эл-улус Чоршанби чўпоннинг кенжаси Хизр кўрган, энди иқболи баланд бўлади деган гап-сўз тарқатибди. Мен кулибгина қўяр эдим. Туемолдан билман, бу миш-мишларни бўйинсам Хусан—Улаш агрономнинг ўғли тўқиб-бичиб тарқатган. Ўзи қўй қумолоғидек кина бўлса ҳам ҳовлиқмалиги оламни бузади, устига-устак, отасининг шоирлигидан оз-моз юққан — гапчинос, дарров тўқиб-бичади, қўлирттиради.

Аслида ҳаммаси кеч кузнинг изгирили кечаларидан бирида жўнгина бўлган эди.

Ўшанда Хусан икковимиз қўшни совхоз фермасидан товۇқ ўғирлаб келгани кетаётган эдик. Бизникида синфдошлар йиғилишиб, бир зиёфат уюштирмоқчи бўлганмиз-да. Гўшт топиш Хусан икковимизнинг бўйнимизга илтинган. Шу сабаб шом шафағи қизарган маҳал эшакларимизни қичаб-қичаб йўлга тушдик. Кенгсой дашти бошланганда ғира-шира қоронғулик нииб қолди. У ёқ-бу ёқдан гангир-гунгур гурунглашиб бораемиз. Хусан нуқул мақтангани-мақтанган. Келгуси йил мактабни битиргач катта шаҳарга кетар экан. Институтга кирар эмши. Тўғриси, мақтанганича бор қўруғнинг — мактабда тузуккина ўқийди-да! Муаллимлар ҳам бири қўйиб-

бири олиб уни алқашади, “Хусандан умидимиз катта, қишлоғимизнинг фахри бўлади”, деб бапоратлар қилинади. Менга эса ўқрайиб қарашгани-қарашган, ҳаммасига баланд бўйни, қорувли қоматим айбдордай бош чайқашади: “Эсиз жасад... эсиз куч-қувват...”. Баъзан орим қўзиб, астойдил ўқишга бел боғлаб китобларга қўмилиб ўтирган пайтларим ҳам бўлган. Бироқ ўз-ўзимга бош оғриқдан бошқа нарса орттирмаганман. Китоб-дафтарга термулиб ўтириш алланечук энсамни қотиради, назаримда, мен бошқа бир ишлар учун яралгандек эдим. Хаёл сурсам, хаёлларим Кенгсойнинг қир-адирларидан нарига олиб ўтолмайди, қўй-қўзилар сурувига аралашиб ялангликларда ўтлаб қолади. Шу сабаб ўша изгирили кечда уч-тўрт товۇқ дардида борар эканмиз, Хусандек мақтана олмадим.

Кенгсойнинг қоқ белига етганимизда қоронғулик хийла қуюқлашиб қолган эди. Бир пайт қанғишимиздаги қирда ошпоқ шарпа пайдо бўлди. Ҳатто эшакларимиз ҳам таққа тўхтаб ўша ёққа тикилиб қолишди. Хусаннинг аллақачон ранг-қутти ўчган.

— Арвоҳ! Ўлай агар, оқ арвоҳ бу! — ваҳимали пичирлади у аранг. — Илгари Кенгсойга шахидлар қўмилиганини эшитганман, шуларнинг арвоҳи!

— Ҳовлиқма-е, — дедим қир томон тикилиб.

Мен дўстим айтган “арвоҳ”, “шаҳид” деган сўзларнинг маъносини англаб етмаганимданми, ҳарнечук қўрқмаётган эдим.

Оқ шарпа аста-секин биз томонга эниб келар эди.

— Қочдик!— дея қичқириб юборди Хусан, эшагини ортга буриб.

Хуркибгина турган жонивор жонҳолатда қистовдан йўртиб кетди.

Мен саросимада қолдим. Бироқ ҳануз қизиқишим қитиқлаб қўймас эди. Хурка-хурка орқага қайтишга



уринаётган эшагимни бир амаллаб тинчлантириб оқ шарпага тикилиб туравердим.

Нихоят, дўстим таърифлаган “арвоҳ” яқин келди. Шундагина мен унинг оқ иштон, оқ ятакдаги қария эканини тусмолладим. Эшагим ҳам одам нуқсини сезди-ёв, тинчланиб, хас-пас илинжида ер искаб қолди.

Оқ шарпа мулла Мирза экан! Қўй-қўзиларини невалараларига ишонмай ўзи боқиб юрадиган, саксон ёшни қоралаб қолган ўзимизнинг қадрдон қария!

— Ассалому алайкум, мулла бова! — деб салом бердим эшагимдан иргиб тушар эканман.

Мулла Мирза саломимга аранг алик олди. Изгиринда тиришибгина қолган эди у. Тинмай қалтирайди. Мен устимдаги эски бўлса-да, қалингина чопонимни дарров ечиб чолнинг елкасига ёндим. Қўл-оёқларини уқалаб иситган бўлдим.

— Барака топ, болам, — дея алқади мулла Мирзо, ниҳоят, тили калимага айланиб. — Илоё, никоҳингни ўзим қийайин, илоё, суйганингни бағринга босиб юр.

— Мулла бова, нега шундай сарсон бўб юрибсиз?

— Э, сўрама болам...

Қария тутила-тутила арзи-ҳол қилди. Мулла Мирза одатдагидай қўй-эчкиларини боқиб юрган экан. Шом намозининг вақти бўлиб қолибди. Қария эшагидан тушиб ибодатга уннаган эмиш. Бундай ўйлаб қараса, устидagi қалингина чакмони бетаҳорат туюлибди. Чол чакмонини ечиб эшаги устига ташлаб қўйибди-да, оқ ятагини тўшаб намозга киришибди. Шу пайт нимадандир ҳуркан сурув тўзғиб кетган эмиш, эшак ҳам шатаюқ отиб қочиб қолибди. Намозни бузмай хотиржам яқунлаган қария қарасаки, на қўй-эчкилардан, на эшакдан дарак бор! Устига-устак, қаричилик курсин, мулла Мирзанинг кўзи қоронғуликда беш-олти қадамдан нарини илғаёлмас экан. Қария тусмоллаб-тусмоллаб у ён-бу ён югургилаб, қирма-қир ошибди, охир-оқибат менга йўлиқибди.

Мен чолни эшагимга миндириб:

— Мулла бова, сиз қишлоққа кетаверинг. Мен молларингизни тошиб изингиздан ҳайдаб бораман, — дедим.

Анча-мунча исиб бийронгина бўлиб қолган мулла Мирза дуо устига дуолар қила кетди.

— Илоё, Художоним Ўзи сенга паноҳ бўлсин, илоё суйганингни етишиб қўша қаринглар, илоё, менимас, ҳазрати Хизрни кўрган бўл...

Мен қария билан бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтмадим... Тўғрироғи, хокисор мўйсафидни у ер-бу ерда ҳазил-мазах қилишларини истамадим. Бироқ унинг дуоилтижолари юрак-юрақларимга сингиб кетган эди. Шунинг учун ҳам ўша кеч Хусанини қишлоқда қайта учратганимда мақтаниб қўйдим: “Бекор қочиб кетдинг-да, мен ҳазрати Хизрга дуч бўлдим...”

Хусан гап-сўзларимга лаққа ишонган экан. Кейинчалик ўзидан қўшиб-бичиб кимларгадир етказибдию шу-шу одамлар орасида Хизр кўрганга чиқиб қолдим. Энг ғалатиси, ўша воқеадан сўнг кетма-кет омадим чопавергач одамлар оғзидаги чўпчакка ўзим ҳам чипша-чин ишона бошладим: “Балки Хизр... мулла Мирза бўлиб кўринган...”

Мен курашга кўнгил берган эдим. Аввалига у-бу тўй-томошаларда хашаки полвонлар билан беллашиб кўрдим. Қарасам, оп-осон ғолиб бўлишман. Сўнг сал давранин исини олганларининг белбоғидан тутдим. Улар ҳам полвонлик сиёғимга тан бериб, мағлубларча майдонни тарк эта бошлашди. Кейинчалик уч-тўрт номдор курашчиларнинг курагини ер исқатдим у эл-улус мени олқишлай берибди.

Ўрта мактабни битириб гангиб юрган пайтларим эди. Дўст-жўраларининг кўпи катта-катта ўқишларни кўзлаб, катта-катта шаҳарларга катта-катта орзулару катта-катта тугунлар билан кетишган эди. Мен отамга кўмакчилик қилиб юрибман. Отам эса мени ўқитишга қўли калталиқ қилаётганидан хижолатланади, иш-юмушларни ҳам ботинмайгина буюради. Биладан, у менинг ўқимишли бў-

либ, бирор бир амалдорлик курсисини эгаллашимни жуда-жуда хоҳлайди. Ҳатто бир гал бу ҳақида ўзимга кўнгил ёзган.

Ўшанда баҳорнинг адоқлари эди. Отам қишлоғимиздан ўн чақиримча наридаги отарга чиқиб кетган. Мен мактабдан бўшадим дегунча ўша ёққа отланаман. Тўллаш мавсуми тугаб чўпоннинг ташвиши андак ариган бўлса ҳам, менга ўхшаган полвонлардан беш-олтитасини тинкасини қуритадиган юмуш ҳамisha топилар эди.

Қуёш кўнглимдай чарақлаб турган кунлардан биринда одатдагидай отарга жўнадим. Ҳаво иссиқ эди. Ўт-ўланлар аллақачон қовжираб сарғайган. Теварақдаги қиртепаликлар беҳол сулайган туяларга ўхшайди. Бир бўзтўрғай баланд учиб, қуёш тигларига тўш урган қўйи бўзлаб ётибди. Аҳён-аҳён менинг ҳам лаб-лунжимдан ажаб-товур хиргойилар чиқиб кетмоқда.

Вақт пешиндан оққан бир маҳал ҳарсиллаб-лорсиллаб отарга чиқиб бордим. Нақ тантананинг устидан чиқиб қолибман. Ўтовимиз ёнида илгари ҳам бир-икки кўрганим — туман амалдорларига тегишли “Волга” автоуловни савлат тўкиб турар эди. Отамнинг чўлиқларидан бири таги ўчоққа ўт ёқиб, қора қозонни тўлдириб гўшт қайнатмоқда. Менинг эса ич-ичимда алланечук ғазаб, алланечук алам қайнаб тошяпти: ахир, анови автоулов не сабабдан келганини, ичкарида кимлар ўтирганини ҳўб билардим-да. Улар ҳар йилнинг шу фаслида албатта бир бор пайдо бўлишади. “Қаҳратонда қирилади... йиртқичлар еб кетди... тўллашда нобуд бўлди...” деган баҳоналар билан сурув-сурув қўй-қўзиларга акт-ҳужжат тузишади. Аслида ўша “қирилиб кетган” жониворлар қир-адирларни тўлдириб ўтлаб юрган бўлади. Фақатгина давлатнинг мулк дафтаридан ўчирилиб, ўша акт-ҳужжат ижодкорларининг хусусий мулкига айланган. Шу сабаб ҳам отам боқадиган сурувнинг хийлагинаси аллақандай амалдорларга тегишли чорва эди. Эсимни таниб бундай “фокус-мокус”ларни англаб-билганим сайин ўзимни қўярга жой тополмай қолаётган эдим, гоҳ жаҳлим чиқар, гоҳ ҳўрлигим келар эди. Шу сабаб ҳам ўша куни қайнаётган қора қозон ёнидаги чўлиқ билан ҳам саломлашмасдан ўтов ичига қараб юрдим.

Ичкарида, тузуккина тузалган дастурхон теграсида тўрт-беш амалдор нуسخа ёнбошлаб ётишар эди. Мол-ҳоли семиргани сайин ўзи озиб-қуриб бораётган ферма мудиридан бошқасини танимадим.

Ҳазаб ва аламни аранг босган қўйи эшитилар-эшитилмас салом берган бўлиб бўсағада қаққайганча турибман.

— Ҳа-а, сенми, кел, Қоржов, — деди ферма мудиригимиз, сўнг ёнидаги бетлари тобатощдай, қабоқлари салқи кишига юзланди. — Бу чўпон бованинг кенжаси, полвон йигит. Ҳувв, раиснинг тўйида нуроталик полвонни бир силтовда босган.

Ўтирганлар пинак ҳам бузишмади. Ҳатто ўтов тўрида тутмаларини бўшатиб рўмолчаси билан елиниб ётган тўра қош учуриб, кинояли тиржайиб қўйди. Мен ҳам ўтов керагаси ёнида сурбетларча туравердим, улар билан қўл бериб кўришиш дардида ялтоқилик қилмаётганимдан ҳузурланар эдим. Отам пойгакда, шундоққина оёқ кийимлар ечилган жойда чўк тушиб, хотиржам бир қиёфада ўтирган экан. (Уни дарров пайқаманимдан ўзим ҳам ҳайрон). У киши менга сал таажжубланиб кўз ташлаб қўйди. Мен эса унга алам-изтироб билан тикилдим. Тикила-тикила унинг пешонасидаги қат-қат ажинлар йиртқич панжасидан қолган изларга ўхшашини ногоҳ пайқадим. Сийрак соқол, қорамтир ориқ юзи эски бир кигиз парчасини эслатади. Гўё, аллакимлар уни тоштаб, нимта-лаб ташлагандек эди. Нимадир бўғзимга аччиқ данакдек тикилиб келди.

— Ота, мен сурувга кетяман, — дедим аранг култ-култ югиниб.

Отам ҳайрон. Казо-казолар қовурдоқ чайнаб, чой хўп-

лаб ўз гурунларига қайта шўйнишган.

Мен шитоб билан ташқари отилдим. Бутун ғазабу нафратимни тўшлаб, ўтовдан сал нарида мудраб ётган қари кўпнакни беаёв тегиб юбордим. Ит чий-чийлаб қочди. Мен эса қайнаб ётган қора қозон қошидаги чўлиқни ҳангу манг қолдириб дашт томон чошиб кетдим.

Ўша куни кечкурун яйловдан қайтганимда арзанда амалдорлар жўнаб кетишган экан. Отам мени бамайлихотир кутиб олди. Бугунги ғазаб-нафратим қора ўчоқнинг туғунидай тарқаб кетган бўлса-да, алам-изтироблар ҳануз ўчоқ тубидаги кулдай таъбимни тирриқ қилиб турар эди.

— Нега бугун ўз бошингга тизинглаб қолдинг? — дея сўради отам, қўтон ёнидаги харсангга ўтирар экан. — Меҳмонларнинг олдида уялтирдинг-ку?!

— Улар меҳмонмас... — тўнғилладим мен ҳам чўпон таёғимга ўмган тираб. — Ўғрилар... тирик молларни ўлдига чиқариб...

— Тавба, акт қилишганини энди кўряпсанми? Ҳар доим шундай-ку?! Бунинг нимаси орқангни қичитяпти?

— Ота... — дедиму яна ўчиб қолдим, бутун дарду аламинни яққол ифодалайдиган сўзни тошолмай қийналар эдим. — Ота, шу сизга зарилми, а? Нима, уларнинг олдида муттаҳаммасиз, қулмисиз шу эвағарларнинг? Давлатнинг молининг шўрини қуритиб ётган шулар-ку? Шу қузғунлар нима деса, доим кўнасиз...

— Хўш, нима қил, дейсан?

— Қўлингизга таёқ олиб қувламайсизми барини? Қўйдай бўғизлаб ташламайсизми?

— Нима учун? Давлатнинг молига акт тузиб ўзиники қилиб олгани учунми? Менга нима?! Боқиб юрган сурувим ўзимники бўлмагандан кейин, менга нима фарқи бор, давлатникими ё каттаконларникими? А, нима фарқи бор?

Мен миқ этолмай қолдим. Отамнинг зардасида жон бор эди. “Чин-да, фарқи нима” деган гап лип этиб хаёлимдан ўтди менинг. Бироқ бу ўй барибир таскин беролмас, ўша алланечук алам-изтироб ич-ичимдан чарх уриб ётар эди.

— Фарқи бор, — дедим зўрға, ўз эътирозимга ўзим ҳам ишонмай. — Бировларнинг қули бўлгандан кўра давлатнинг ҳақиқий чўпони бўлган яхши.

Отам хоҳолаб кулди. Бу шунчаки зўраки, меникидан-да ортиқ алам, нафрат қалқиб турган кулги эди.

— Ҳа-а, нодон бола-я, — деди отам бош чайқаб. — Сен қурмагур кўп валжирама. Билмасанг билиб қўй, сен айтган ановилар бировлар эмас, давлатнинг ўзгинаси! Ҳа, мен улардан кўрқаман! Улар кўрққаним учун менга нон беради, тамом-вассалом. Сен, серри, бир-икки нимкала полвонни йиқитдим, деб катта кетма! Давлатдан кўрқ, уларнинг қонунидан кўрқ...

Мен ҳануз чўпон таёғига кўкрак тираб, энтикиб турар эдим.

— Агар менга ичинг ачиса, сен ўқи, — дея давом этди отам, овози алланечук майин тортиб, — ўқигин, болам. Сен ҳам бир истални эгалла. Сен ҳам ўтов тўрида ёнбошлаб машат қил, акт ёс. Ана шунда отангнинг кўнгли тоғдай кўтарилади, ана шунда чарчоқларим тарқайди, болам. Ана шунда чин зўр саналасан, бу иш таёқ кўтариб бировларни қулаб юргандан ҳам соз бўлади. Ўқисанг, арбоб бўлсанг, таёқ кўтарганининг мингтаси оёғинг остига кизгидай тўшалади...

Туйқус отамнинг овози ҳирқираб, кўзлари ёшланиб дуога чоғланган кўзлари кўк томон чўзилди:

— Оми-и-ин, Худо-ё, биз бечоралардан ҳам мурувватингни аяма! Кўзим очиқлигиди, ҳеч қурса, кенжамнинг ўқимишли арбоб бўлганини кўрай, илоё...

Қизик, ўшанда отамнинг илтижолари қабул бўлдими, ё менинг Хизр кўрганлигим чин чиқдими, ишқилиб, синфдош жўраларим катта шаҳарларни кўзлаб кетган, мен гангиб, отам хижолатланиб юрган кунлардан бирида, ни-

ҳоят, омад деганлари биз ёққа ҳам кулиб боқди.

Саратоннинг ҳароратли оқшоми эди. Мактаб директори пўрим уст-бошли, саватдек сочлари жингалак, митти кўзлари зийрак, афт-ангорига шаҳар нуқси урган, сергайрат, серган бир кишини бошлаб келди. Тағин бир тафтишчи бўлса керак, деган хаёлда доврираб отам қутилмаган меҳмоннинг қош-қобоғи очиқлигидан, ўзини эркин, қувноқ тутишидан сал-пал хотиержам тортди.

— Мени танимадингиз-а, Чоршанби бува? — деди меҳмон қулмисираб.

Отам сийрак соқолини тутамлади:

— Кўзимга иссиқ-иссиқ кўриняпсиз-у... қарилки курсин...

— Олашўрлик Худоёр махсумнинг улиман, отим — Тоштемир.

— Э, ҳа-а, — деди отам танигандай бўлиб, — ҳамсоя эканмиз-ку...

Йўқ, Тоштемир ака кўп ҳам ҳамсоя эмас экан. У ўн-ўн беш йилдан бери пойтахтда яшар экан. Ўша ёқда аввал ўқиб, сўнг ишлаб, нон-насибасини териб юрган эмиш.

Биз қутилмаган меҳмон учун баҳоли қудрат дастурхон ёздик. Мен совчиларни сезган қари қиздай оёғим олти, кўлим етти бўлиб хизмат қилар эдим.

— Ўғлингиз Қоржовбойнинг доврўғини эшитиб келдим, — деди гап орасида Тоштемир ака, қўй қатигидан ҳузурлини ичаркан. — Ўзим ҳам бу полвоннинг бир-икки курашини кўрганман...

Мен ҳаяжондан терлаб кетган эдим. Тоштемир ака мени шаҳарда тарбиялаб, шуғулантириб катта спортчи қилиш ниятида экан! Айтишча ўзи ҳам дзюдо кураши бўйича спорт устаси эмиш.

— Бинойи, бинойи... — дея минғирлади отам норози бир қиёфада. — Мен бунга ўқитсам, деган хаёлда эдим.

— Албатта, ўқитамиз-да, — деди тағин жоиланиб Тоштемир ака, — спортчилар учун ҳамма институтларнинг эшиги ланг очик...

— Бинойи, лекин... бу... савул қўлимиз калта-да...

— Ие, бова, мен сиздан бирор нима беринг, деб талаб қилаяпманми? Ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Лекин бу йил кеч. Ҳозирча Қоржовбой биз билан шуғулланиб спортда ўзини кўрсатиб турсин, келгуси йил, Худо хоҳласа, ўқишга жойлайман...

Шундай қилиб, эртақлардагидек бир юмалаб пойтахтга келиб қолдим. Одамларнинг гавжумлигидан, серқатнов машиналарнинг шовқин-суронидан бошим оғриди, кўнглим айниди. “Ничево, ҳали кўникиб кетасан”, деди Тоштемир ака мени кўчама-кўча, идорама-идора етаклаб юрар экан.

Тез орада бир ижара уйга жойлаштирилдим. Бу ерда бўйдор, ҳайбатли уч-тўрт йнгит мени лоқайд, нописанд кутиб олишди. Кейинчалик ҳаммамиз дўстлашиб, ака-ука киришиб кетдик. Ахир, барчамиз курашчи, бир спорт клубининг аъзолари эдик-да, кет қўяр кўрпамиз, ош еяр товоғимиз бир эди. Ҳамхўжралардан иккови номи жарангдор институтларда, бирови аллақандай коллежда ўқийди, тағин бир шерик менга ўхшаб келгуси йилни пойлар эди.

Мен бу ерда барчамизнинг бош-қошимиз, ғамхўримиз Тоштемир ака эканини кунма-кун, соат сайин англаб, ҳис қила бордим. Андак кейин билдимки, бундай жонкуяр зотлар “менеджер”, деб аталар экан. (Менеджерми, мени жерми, ишқилиб, шунақа).

Серган, сергайрат, оғзида ҳамшиша сақич, спортчиларга хос енгил, ихчам кийиниб юрадиган Тоштемир ака ҳайратимга ҳайрат қўшар эди. Чиндан-да Тоштемир эди у! Шу одамни ётиб ухлашига ҳеч ишонқирамасдим, қачон қарасанг, тик оёқда, жанговар, аллақайларгадир шошгани-шошган... Ҳар куни машқ-машғулотлар чоғлари бирга бўлса-да, кечки пайтлар ҳужрамизга албатта бир бош сузиб ўтарди у. Албатта, ҳамшишаги ширнамо насихатини бот-бот такрорлайди: “Чекишдан, ичишдан, сексдан

сақланинг!”

Куз охирлари, қишнинг бошлари биз учун қизғин мавсум эди. Тоштемир ака бошчилигида жануб вилоятларига сингиб кетар эдик. Тўйма-тўй, тантанамата-тантанана изғиб, кураш тушамиз. Ҳушқ-совринларимиз тоғдай уюлиб кетади, ҳамёнлар қаппаяди. Лекин хужрага қайтиб келганимизда тоғдай совринлару қаппайган ҳамёнларнинг чўғи пасайибгина қолганига гувоҳ бўлар эдик. Мен аввалига эътибор бермай юрдим, кейинчалик уқдимки, биз полволларнинг тоған-тутганидан тузуқкина улус менежерга (мени жерга) тегишли бўлар экан!

Тоштемир ака менга кўп яхшиликлар қилди: шаҳарга олиб кетди, расмий спортчи полволлар тўғига қўшди, машқ-машғулотларга ҳамма шарт-шароитларни яратиб берди, кейинчалик, ўзи ваъда қилгандай ўқишга ҳам жойлаб қўйди, ҳамиша ғамхўр, ҳамиша жонқуяр! Бироқ... бироқ негадир у менга ёқмайди, ношукрчилик, нонкўрлик бўлса ҳам барибир очиқ иқрор бўлишим шарт — ҳа, Тоштемир акани негадир жиним суймас эди. Унинг беадоқ меҳрибончиликлари, мен учун югуриб-елишлари таъбини тирриқ қилиб, ғашини кўзгайди, холос. Шундай кезлар ҳамма нарса кўзимга бало кўриниб қолади: шаҳар ҳам, спорту дўсти биродарлар ҳам. Ҳамма-ҳаммасига қўл силтаб, дала-даштомга қочиб кетгим келар, бироқ отамнинг ўша илтижога чўзилган қўллари ҳамиша йўлимни тўсиб чиқар эди.

Ҳа, Тоштемир ака минг бир чопачоп билан мени ҳуқуқшунослик коллежига жойлаб қўйди. Бундан худди ўзи ўқишга киргандай кериди, ял-ял яшнаб қувонди. Мени эса ваҳима босди: “Қандай ўқийман бу коллежда, калла бўм-бўш-ку?!”

— Энди бу хушxabарни етказиб, чўпон бовани би-ир қувонтиришимиз керак, — деди Тоштемир ака, коллежнинг қабул ҳайъатидан чиқиб келар эканмиз.

Мен минг бир саросима билан эътироз билдирмоқчи бўлдим:

— Сал-пал ўқиб кўрай-чи ҳали... Ўша ёқларга тўйга борганимизда бизникига кириб ўтармиз...

— Бекор айтибсан, хайрли ишнинг эртаси яхши, галваре.

Ўша кунидеъ Тоштемир аканинг машинасида қишлоққа жўнаб кетдик.

Отам ўқишга илашганимни эшитиб ўн ёшга яшариб кетгандай бўлди. Дарров қўй сўйиб зиёфатга унади.

— Тоштемиржон, барака топинг, — дея бот-бот алқайди у устозимни. — Олдингизда қарздорман.

Тоштемир ака қўллари кўксига қўйиб сўзамоллик қилади:

— Қарз-парздан гап очманг, бова. Бизларга дуодан йўқлаб турсангиз, бас. Ҳай, кўнглингиз жойига тупмаса, ана, ҳимматингизга қаранг, бир-икки кўзини бизга атаб суровга қўшибгина кўйинг, кўпайишибгина юраверсин. Лекин қарз-парздан гап очиб, мени хафа қилманг, дуода бўлинг, бова, дуода. Ахир, савоб ҳам керак-ку...

Мен беҳуда хавотирланган эканман. Бошқаларини билмадим, бироқ ҳуқуқшуносликка ўқишдан осони йўқ экан. Бир жуфтгина дафтарни қўлтиққа қисиб бориб-келиб юравердим. Унча-мунча расмий мусобақаларда танилиб қолганимдан обрўйим ҳам зўр эди. Ҳатто коллеж директорининг ўзи ҳузурига чорлаб қўлимни қисиб қўйган: “Кураш майдонларида коллежимиз номи жаранглаб турса, бас, буёғидан хавотир олманг...” Худо бергани шунда, гоҳ машқ-машғулотларни, гоҳ тайин-бетайин мусобақаларни баҳона қилиб дарсларга ўлда-жўлда қатнашар эдим. Тоштемир ака ҳамишадек раҳнамо, ҳамишагидек бош-қош. (Мени жер!)

Нуфузли мусобақалардан бирида устоз билан арашлашиб қолдик. Ўшанда он-осон ярим финалга чиққан эдим. Тагин озгина ғайрат кўрсатсам мутлоқ ғолибга айланишим тайин эди. Бироқ ярим финал беллашуви аввалида Тоштемир ака мени бир чеккага тортиди:

— Қоржов, сен йиқилиб беришинг керак, — деди у шивирлаб.

Мен ҳайрон қолдим:

— Нега?!

— Шунақа ишлар... У ёқ билан келишдик, ғалаба уларга, соврин бизга, қалай?

— Йўқ, бунақаси кетмайди, ҳалол курашамиз, — шундай дедим-у, бироқ ич-ичимдан барибир кўнишимни сезиб турар эдим.

— Қоржов, тушун, бу таклиф улардан чиқди. Рақиб томон сендан кўрқяпти, товон тўламоқчи. Демак, сен маънавий ғолибсан.

— Йўқ, — дедим ўзимни қайсарликка солиб, — майдонда ғолиб бўлишни истаيمان.

— Уф-ф...

Тоштемир ака тумшайди-қолди. Узоқ вақт хона деразасидан ташқарига термулиб ўзича ғам-ғуссага ботди. Ҳатто, сақич ҳам чайналмай қолди. Мен устозимиз бу ёғига на бир чора топишига қизиқиб, зимдан уни кўзатиб турардим.

— Эсиз яхшилик, эсиз меҳнатим, — дея ўз-ўзига гапиргандай минғирлашга тушди Тоштемир ака. — Сени қишлоқда битга беланиб ётганингда шаҳарга опкелдим, элга кўшдим, ўқишга жойладим, эвазига нима топдим... Мана, ҳурмат, мана оқибат...

Тоштемир аканинг ёзғиришларидан уни билмадим-у, мен енгил торгдим. Ич-ичимни тирнаб юрган аллақандай саволларга, ниҳоят, жавоб топгандай бўлдим.

— Ҳазиллашдим, устоз, мен розиман, — дедим зўраки илжайиб. — Ановиларни хурсанд қилаверинг.

Тоштемир аканинг кўзлари бир кўр порлаб кетди. Жағлари шитоб сақич чайнашга тушди.

— Балли, боқса одам бўласан, — дея ўшпайди ўзича эркалаб.

Ҳаммаси Тоштемир ака истагандай бўлди. Ярим финални атай бой бердим. Устоз мўмайгина товон пулининг бир қисмини қайта-қайта санаб менга узатди.

Мен унинг қўлини захархандалик билан силтаб ташладим.

— Устоз, менга маънавий ғалаба ҳам етарли, моддий ғалаба сабга бўлақолевин...

Ҳа, дабдуретдан худди шундай деб юбордим! Оғзимдан чиққан илмдорларга хос сўз ўзимни ҳам қойил қолдирди, ишқилиб, ҳуқуқшунослик коллежининг тупроғини бекорга ялаб юрмаган эканман.

Тоштемир ака ҳам юзимга бир зум анграйди-қолди: ё пурмаъво сўзларимдан ҳайратланди, ё дурустгина ҳақдан воз кечганимга ишонқирамади. Бироқ улушни олишимга ортиқ қистамади.

— Ҳай, майли, — деб қўйди у пулларни ўз жўнтагига қайта жойлар экан. — Бир кун суришиб кетармиз.

Шу воқеадан кейин ўртамиздаги омонат парда буткул йиртиб ташлангандай бўлди. Тоштемир ака кўз ўнгимда шунчаки Тоштемир (мени жер)га айланди-қолди. Унинг олдида бемалол оёқ узатиб ўтирадиган, узундан-узоқ жаврашларини (сергап-ку у!) шартга узадиган бўлдим. Қизиқ, Тоштемир ака бундай хатти-ҳаракатимдан ҳеч бир оғринмас, билиб-билмасликка олиб қўяверар эди. Балки илгари ҳам унинг феъл-атвори шунақа бўлгану мен пайқамагандирман. (Ҳарқалай, хувв, маънавий ғалабадан сўнг сезгир, шубҳакор бўлиб қолган эдим).

Ўша машамашадан кейин Тоштемир акага ўчакишиб, ўзбошимчиликлар қилишга рўжу қўйдим. Энг аввал унинг “ичишдан, чекишдан... сексдан сақланинг” деган шиорини ўзимча бузишга киришдим. Бироқ дарров англадимки, бузғунчилик ҳам эплаганники экан. Бир дона сигаретни тутатиб бир сўргандим, ўлкам озгимга тиқилиб бир кун йўталиб юрдим. Ичкилик эса бундан беш баттар қилди. Аллақандай қаҳвахонага кириб ярим қадах ароқ синқордим, (устидан газак қилиш кераклигини қайдан билай) уч кун кўнглим айниб қусишдан бўшамай қолдим. Аммо...

устоз таъқиқлаган учинчи гуноҳ иш шунчалар жозибали эдики... ҳали қўл урмай туриб, хаёлининг ўзиёқ лаззат бағишлар эди. Тўриси, Тоштемир ака билан фиклалашмасдан илгарийёқ беихтиёр ўша учинчи гуноҳнинг қуйига тушиб қолган эдим. Қўча-қўйда, коллежда қиз-жувонларни зимдан-зимдан кузатиш жону дилим эди. Ўз-ўзимга минг бир насиҳатлар қиламан, спортнинг одоб-ахлоқи ҳақидаги қондаларни дуодай такрорлайман, бироқ ҳеч бир нафи сезилмади. Не-не полвонларларни ҳам бир силтовда синдирадиган ғаройиб бир куч мени етаклаб юрар, қулоғимга аллақандай сирли сўзларни шивирлар, учқур-учқур хаёлларга миндирад эди. Транспортлардаги тиқил-тиқилларда қиз-жувонларга суйкалиб туриш, уларнинг ҳидини искаш ҳузурбахш машғулотибга айланди-қолди. Шундай серсаргузашт кунлардан бирида оппоққина жувонга илакишиб қолдим. Автобусдаги ур-сур пайт унинг бел-биқинларига қаттироқ тиралганим чоғ, аёл мен томон кескин бош бурди. Чўчиб кетдим. Бироқ аёлнинг жаҳли билан чимрилган қошлари лаҳза ўтмай табассум билан ёйилиб кетди. Лаб-ёноғида ишвали кулгу ўйноқлади. Менга жон кирди. Бекатларнинг бирида жувоннинг изидан тушиб қолиб унга қорама-қора боравердим.

Аллақандай магазин ёнида аёл таққа тўхтаб менга юзланди:

— Мендан нима истайсиз, йигитча?

— Ҳеч нарса...

— Нега мени қувлаб юрибсиз?

— Ўзим...

Аёл ноли бир кулиш қилди:

— Ҳеч нарса... ўзим... намуноча доводирайсиз? Кинг-конг... Шу гавдага яраша ҳамён ҳам борми, йигитча?

— Бор.

— Уф-ф... ундай бўлса юринг, менга бир истакан сув олиб беринг, қувлай-қувлай ичимни куйдириб юбордингиз.

Аёл бир интилиб тирсагимдан тутди. Ҳаяжондан менинг ҳам томоқларим қуруқшаб қолди-ёв...

Чанқовлар босилгач аёл ўлардай оқлигидан нолиди. Хайрият, ўша куни анчагина пул олиб чиққан эканман, шўрвадан сўнг палов, паловдан кейин рабобхўрлик қилдик. Шу орада бир-биримизга анча кўнигиб, апоқ-чапоқ бўлиб қолдик. Ошпазлар билан ҳисоб-китоб қилиб, энди-гина кетишга чоғланиб турган пайтимиз семиз бир хотин пайдо бўлдию ёнимдаги жувон билан хуш-хандон кўришиб, сўраша кетди. Мен теваракка аҳён-аҳён олазарақ кўз ташлаб, хижолатланиб ўтирдим. «Тагин бу ҳам оч бўлса-я?!» деган хавотир ҳам йўқ эмасди, албатта.

Семиз хотин алланималарни шивирлаб ёнимдаги жувонни четга тортди. Улар гавжум ошхонанинг бир бурчида хийла вақт гаплашиб қолишди. Бир маҳал жувон ранг-рўйи тундлашиб, йиғламоқдан нари-бери бўлиб ёнимга келди.

— Қоржов-жо-он, ёнингизда қанча пул бор? — дея пичирлади у, синиқ бир товушда. — Анови ўлгурдан пича қарз эдим, қистаб қўймайпти.

Мен бирор бир эътироз билдиришга улгурмадим. Жувоннинг кейинги сўзлари нишонга бехато тегди:

— Ўлгури тазроқ жўнатиб юбормасам, икковимизга халақит беради, — деди ғам-ғусса орасидан илжайиб. — Қарзга қолмасма-ан... суришиб кетамиз-из...

Мен, албатта, шунча харажатга қуйиб қолишни истамас эдим. Ноилож, чўнтакдаги бор-йўғимни чиқариб аёлга тутқаздим. Аёл бир чангал пулни икки-уч қайта санаб, шчасини қайтиб берди:

— Ортиқчаси керакмас. Узр. Қоржовжон, сизни ҳам безовта қилдим. Мен ҳозир... бир минут, кутиб туринг, хўп...

Жувон дугонасини қўлтиқлаб, алланималарни жеркиб гаширганча ошхона ёнбошига ўтиб кўздан йўқолди. Мен лаззатли бир хаёллар оғушида кутиб ўтиравердим.

Орадан хаш-паш дегунча ярим соатлар чамаси вақт ўтди-кетди. Хавотир билан аёллар кетган томон юриндим. Афсуски, минг сиқиклаб тикилсам-да яқин ўртада уларнинг қораси кўринмади. Мен шундагина хаёлан жувонни эсчитириб турган чоғим, у аллақачон ўзимни эсчитириб, иписиз боғлаб кетганини сездим. Хайрият, бу машамшага бирор бир таниш-билиш гувоҳ бўлмади. (Хизр кўрганим чин, шекилли!). Аммо бу саргузашт ҳам фойдадан холи эмасди, қатта харажатлар эвазига бўлса-да, ҳар қалай, ачиққина сабоқ олдим, Тоштемирнинг ўзи ёмон бўлса ҳам, у бот-бот такрорлайдиган спортчилар ақидаси нақадар яхши, нақадар ҳақ эканини чуқур ҳис этдим.

Хуллас, шундай қўшимча сабоқлар ола-ола ҳуқуқшунослик коллежини битириб қўйибман. Уч йил дегани хаш-паш дегунча ўтиб кетибди. Шу уч йил ичида отамнинг юзидан мамнулик аримади. Ҳар гал қишлоққа борганимда мени ўтқазгани жой тополмасди. Мен эса қўй-қўзиларнинг маърашини, гўнг исини соғиниб борганимдан ёш боладай ўйноқлаб қўтонларда изғим келар эди. Ноилож, ўзимни қатта шаҳардаги қатта давраларни кўрган, сипо ва жиддий қиёфага солиб ўтираман. Бу ҳол отамга хуш ёқар, ҳамқишлоқларнинг ҳавас ҳасадини келтиради. Ака-опаларим ҳам наслимизга бир амал тегиб қолиши муқаррардек керилиб юришар эди. Айниқса, синфдош жўраларимнинг атрофимда гирди-капалак бўлишларини айтмайсизми? Гўё мен пиру комил, улар — хокисор муридлар! Аллақандай институтга кириш илпизида икки марта уриниб, икки марта ҳам омади чопмаган дўстим Хусан отамга қўлиқлик қилиб юрган экан. (Аҳён-аҳён хазрати Хизрнинг йўлини пойлаб Кенгсойнинг қир-адирларида изғишлари ҳам ҳозирча ҳеч бир наф бермабди.) Мен ҳар гал қишлоққа борганимда дўстимга астойдил далдалар берарман, кўнглини кўтарарман.

Ўтган уч йил ичида отам мендан хабарлашгани пойтахтта уч қарра келиб кетди. Уч марта ҳам ўзидан қатта қонни орқалаб олган эди. Тандиркабоддан хузурландик. Тоштемир (мени жер)нинг рўзори ҳам икки-уч кун оврақ ташвишидан қутулди. Отам қўярда-қўймай коллежимизнинг талай кайвони ўқитувчиларини ҳам меҳмон қилди. Хуллас, меҳмонга келган мезбон ҳамманинг кўнглини овлади. Ўқитувчиларим ҳам қарзга қолишни истамагандай мени хўб мақташди, коллежининг фахрига чиқаришди.

Отам бундан бир ойча бурун келиб-кетганида Тоштемир ака иккови мени ўртага олишган эди. Ўша кунлари коллежининг битирув имтиҳонларини топшириб юрдик.

— Энди-и, Қоржовбой, — деди отам салмоқлаб, — ину-ститутнинг ҳаракатини қиламиз.

Тоштемир ака ҳам зўр бериб бош ирғаганча отамнинг гапларини маъқулдаб ўтирарди.

Менинг кулгим қистади:

— Ота, институтга каллам кичкиналик қилади-да.

— Кўнчиликнинг калласи билан бир амаллашмас-да, улим. Мана, устозинг ҳам иложи бор деяпти.

— Сендай спортчи институтларга ҳам керак, — деди Тоштемир ака ҳовлиққаннамо.

Мен елка қисиб қўя қолдим.

— Эсам гап шу, — ҳукм чиқарди отам. — Кўнчилигини бўлмай, Тоштемир аканинг йўриғидан чиқмай, шу атрофда қора бериб тураверинг, улим. Насиб бўлса, ҳаммаси бинойи бўлади. Худодан умидимиз бор...

Ўшанда отам билан пинҳона келишувлари жуда қатъий бўлганми, ҳар қалай, Тоштемир (мени жер) истиқболим учун зимдан югуриб-елиб юрган экан. Куни кеча коллеж билан хайр-хўшлашиб, ич-ичимдан алланечук ғусса қўзғалиб хужрамга етиб келганимда Тоштемир ака мени бетоқат кутиб турар эди. Юз-қўзлари тўла ҳаяжону завқшавқ.

— Қоржов! — деди у қаршимга қулоч ёйиб чиқаркан. — Хизр кўргансанми, нима бало? А?



Дарров англадим: омадим чоңган. Ҳа, деб омад кулиб боқаверса ҳам одамнинг эти ўлиб қоларкан, шекилли, на қувондим, на ҳаяжонландим. Тоштемир аканинг кўнгли учун илжайиб туравердим.

— Бекқул Тўрақуловични ҳеч эшитганимсан? — деб сўради устоз, йўлакдаги курсиларга ўтирарканмиз.

— Ҳа, — дедим бош яраб, — бир марта кўрганман.

Рост. Учинчи курснинг бошларида коллежимиз ҳовлисига серҳашам, ойиналари қоп-қора бир автоулов сувдаги оққушдай енгил, шовурсиз келиб тўхтаган эди. Бунгача “Бекқул Тўрақулович келяптилар!”, деган андак ваҳимали, андак ҳаяжонли шов-шув яшиндек тарқаб улгурган, коллежининг директоридан тортиб фаррошигача дарвоза ёнида қўл қовуштириб туришар эди. Автоуловдан ораста кийинган оқ сочли, қора кўзойнак таққан, ўрта бўй, олтиши ёшлар атрофидаги бир зот виқор билан тушиди. Директор етовидаги бир гуруҳ ўқитувчилар тавозеълар билан уни қуршаб олишди. Кейинчалик эшитиб билдимки, Бекқул Тўрақулович барча ҳуқуқшунослик, қонуншунослик ўқув юртларининг раҳнамоси экан!

— Бекқул Тўрақулович буюк олим, — дея оғзидан бол томиб таърифлашга тушиди Тоштемир ака. — Қонунчилик илмини сувдай симириган. Қонунчилик бўйича бир... уч юзталар китоб ёзган-ов, университетда маърузалар қилади. Ҳозирги амалдаги қонун-қондаларимизда Бекқул Тўрақуловичнинг ҳиссаси жуда катта. Ишонмасанг, ана, қонунчилик бўйича ёзилган китобларни очиб қара, жиноят кодекси дейсанми, маъмурий кодексе дейсанми, ҳаммасида устознинг исм-шарифлари бор. Бирида муаллиф, бирида таҳрирчи...

Тўғриси, коллежда уч йил ўқиб бундай узундан-узоқ маъруза эшитмаган эдим. Тоштемир ака кўзларини ярим юмиб, худди сеҳрли бир эртак сўйлаётгандай мароқ билан гапириб ётар эди. Икки-уч эснаб, икки-уч ўф тортишларим ҳам қор қилмади.

— Бекқул Тўрақулович қаттиққўл раҳбар, ўта виждонли инеонлар. У киши ҳаётда қонун устиворлигидан бошқасини тав олмайди. Порахўрлик, таниш-билишчилик деган иллатларнинг ашаддий душмани. Билгани, меҳнатқашликни қадрлайдилар...

— Э, бўлди-да, — дедим охири чидаёлмай, — бу гапларнинг менга нима алоқаси бор? Қизиқ экансиз, устоз...

Тоштемир ака уйқусида алаҳсираб ётган одамдек туйқус кўзларини катта-катта очди, мамнун илжайди:

— Анд шу кишининг сenga назари тушган.

— Назари тушган? Менга-я?

Тавба, ҳазратни Хизрдан ҳам бошқа назаркардалар борлигини ҳеч хаёлимга келтирмаган эканман.

— Сени ўзига хос соқчиликка таниладилар, — деди устозим ҳануз мамнун қиёфада. — Шахсан ўзларига телохранитель бўласан!

— Нима, мендан бошқа зўрлар қурибдими?

— Билмадим... номзодлар кўп эди. Сенинг ҳужжатларинг билан танишиб, шу полвон бизга маъқул, дептилар. Тўғри... биз ҳам қараб турганимиз йўқ, баъзи бир акахонлар аралашинди, ишқилиб... сен учун ўлиб-тирилдик.

— Қонун ҳимоясидаги одамга қўриқчи нега керак экан?..

— Бу ҳам бир престиж-да, Қоржов, — дея чуқур тин олди Тоштемир ака. Бундай хушхабарни чапак чалиб кутиб олмай эзмаланишим энасини қотираётганид унинг.

Тан олиш керак, аслида мен ҳам ич-ичимдан қувониб, илоё, омадим чоңгани чин бўлсин, деб турибман. Бироқ бирор ишқали чиқиб қолмасин тагин деган ўй ҳам тинчлик бермаётганиди. (Ахир, ошхонадаги воқеа анчагина сермулоҳаза, тадбиркор қилиб кўйганди-да).

— Бекқул Тўрақуловичнинг шу пайтгача қўриқчиси йўқмикан? — деб сўрадим ўзимча беларво.

— Бўлган. Ҳамма гап шунда-да, — тагин илҳомланди Тоштемир ака. — Бекқул Тўрақулович хизматга яраша

ҳиммат кўрсатадиган киши. Қўриқчисини сийлаб яхши бир ишга жойлаб қўйганлар. Энди ёш кадрлардан олмақчи.

— Устоз, қўйинг шу ишни, мен қурашчи полвонман, муштлашувга бирт нўноқман, шарманда бўламиз.

— И-е, ким сenga муштлашасан, деяпти? Сен уй қўриқлайсан.

— Уй?!

— Ҳа, дача-пача дегандай.

Мен кулиб юбордим:

— Ҳозиргина “телохранитель”, деб лоф-қоф ураётгандингиз-ку? Чорбоққа қоровул керак экан-ку у кишига?!

— Да... умуман, — бўшашиб бош қашиди Тоштемир ака. — Нима фарқи бор сenga? Ишқилиб, гўдаийбгина юрсанг бўлди ўша ерда.

— Ойлик ҳам берармикан?

Тоштемир ака сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Ўвв, намунича ўзингни тарозуга солиб қолдинг?!

— Сўрадим-да.

— Сўрама! Бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Сен ҳали синов муддатидан ўтиб ол-чи? Қолгани бир гап бўлар... Ўргилдим сендақа ойликхўрдан.

— Ўқиш-чи? Мен ҳали институтга кирмоқчи эдим-ку?

Тоштемир ака пихиллаб кулиб юборди. Бу қулгуда жаҳл ва қувонч алланечук аралашиб кетган.

— Эҳ, галварс, эҳ, тўнка, — деди у афсуслангандай бош чайқаб. — Ҳамма ташвиш ўқишга киришинг учун бўла-япти-ку?! Сен ҳозирча қўриқчиликда ўзингни кўрсатиб тур, қолганини менга қўйиб бер...

— Бекқул Тўрақулович таниш-билишчилик қилмайди. дедингиз-ку ҳозиргина?

— Тўғри. У киши бунақа ишларга аралашмайди. Ну... сенинг ўша хонадонда хизмат қилишинг менга етарли, қолганини ўзимга қўйиб бер, тушундингми?

— Тушундим.

— Ўф-ф... хайрият, — Тоштемир ака енгил тин олиб, елкамга қўл ташлади. — Қоржов, ука, сен бундай мижғовликни ташла. Менга халақит бермай айтганимни қилиб юр. Мана, бугун коллежин битирдинг, институтларнинг қабулига ҳали уч ой вақт бор. Унғача кўп нарсаларга улгураман, фақат сен менга кулоқ сол, хўп?

— Хўп.

— Яна, укажон, мен сени эртага Бекқул Тўрақуловичга топшираман.

Мана, бугун Бекқул Тўрақуловичга топширилдим. Шундай ҳаяжонли, қувончли воқеа арафасида бўлишимга қарамай кеча дарров донг қотиб ухлаб қолибман. Тоштемир ака эрталаб аранг уйғотиб олди. Тун бўйи мижжа қоқмай чиққанидан нолиди. Ювиниб-тарандик, чой-пой ичди, хуллас, талай таралдулардан сўнг чошгоҳ маҳали отландик.

Тоштемир ака машинасини елдириб бора-бора, ҳануз менга маслаҳатлар бериб чарчамайди.

— Энди бу ёғига бўшашма, Қоржов, — дейди у серқатнов кўчадан кўз узмай сақич чайнаб. — Ўзингни ўқимингли, маданиятли тут. Ҳар нарсага буригини тикма. Бўш вақтларингда домланинг кўзларига иложи борича китоб билан кўрин. Хизматларига ҳаминша шай тур. Балки сени у ёқ-бу ёқларга ёнларида олиб юришлари ҳам мумкин. Ишқилиб, ишнинг пачавасини чиқарма...

Мен бирор-бир ҳашаматли ҳукумат идорасида серсавлат, нўрим амалдор билан учрашишни хаёл қилиб борар эдим. Йўқ, Тоштемир ака уловини Олоӣ бозори биқинидаги турна қатор машиналар ёнида тўхтатди-да, лип этиб кабинадан чиқди. Худди шунки кутиб тургандай, биздан андак наридаги кип-қизил, серҳашам машинадан “Алдас” русмидаги спортчилар кийимини кийган, ўрта бўй, оқсоч киши қора берди.

Тоштемир ака у билан қўшқўллаб кўришаркан:

— Ассалому алайкум, Бекқул Тўрақулович, — деди ялтоқланиб. — Кечирасиз, куттириб қўйдикми?

Мен, хувв, коллеж бўсағасида кўриниш берган, не бир қонунлар ижодкори шу зот эканига ишонқирамай қарардим. Ҳамма сергашвиш, куйинчак одамлар қатори у ҳам ҳорғин, зериккан қиёфада машинасига суяниб сигарет чекиб турибди. Қизаринқираб турган кўзларига қараганда кеча улфатчилик чакки бўлмаган кўринади.

Улар анчагина суҳбатлашиб қолдилар. Тоштемир аканинг узук-юлуқ қулоғимга чалинган гап-сўзларидан Бекқул Тўрақулович меҳнат таътилида эканини, унга аллақимлар салом йўллашганини аранг илғаб олдим.

— Қоржовбой! — дея имлади Тоштемир ака ниҳоят мен томон юзланиб. — Бу ёққа келинг.

Машинадан тушиб қироатли салом билан уларга яқинлашдим.

Бекқул Тўрақулович бўй-бастимга синчков-синовчан кўз ташлаб ўзича ҳазиллашган бўлди:

— Ў-ў-хў-ў, бу полвон ҳовлимизга сиғмайди-ку!

Тоштемир (мени жер) моли мақталган чайқовчидай хушхон илжайди:

— Ўзимизнинг жайдарилардан, домла. Юз просент ишончли йигит. Илғи қўй ёнга тўла. Исми Қоржов.

Иккаласи ҳиринглашиб кулишди. Бекқул Тўрақулович қўл соатига кўз ташлаб, менга юзланди:

— Қоржов полвон, қани, машинага марҳамат.

* * *

Кечагина ашакка қийишқ минган қишлоқи эдим, бу-гун эса ажабтовур машина ўриндиғида ястаниб ўтирибман-а?! Наҳотки, Хизр кўрганам чин? Ё ҳаммаси тушмикан? Йўғ-э, хушим-ку, (кўзларим катта-катта очиқ) ана, Бекқул Тўрақуловични кўриб турибман, ана, машина деразасидан сершарқин, серҳашам шаҳар лип-лип ўтиб турибди, кенг-текис, серқатнов йўл, баланд-паст иморатлар...

Бекқул Тўрақулович машинани ҳам сипоғина ҳайдар экан. Аҳён-аҳён мен томон кўз қисиб, илжайиб қўяди. Ҳарқалай кўнглига ўтиришганга ўхшайман. Йўл бўйи яхшигина танишиб ҳам олдик. Албатта, мен Тоштемир ака тайинлагандай ўзимни илму маърифатга чанқоқ, ўқиш дардида юрган бир мусофирдай кўрсатишга тиришдим. Бекқул Тўрақулович интилишларимни маъқуллаб ўзича талай насихатлар қилди. Мен бош ирғаб чарчамадим. Гап орасида Бекқул Тўрақуловичнинг ўзи ҳам аллақандай Боғдодми-Барбодми деган қишлоқдан чиққани маълум бўлди. Машаққатли меҳнату ўқиш туфайли шундай даражага эришибди.

Машина бир маромда елиб борар эди. Ҳаш-паш де-гунча шаҳар турқи ортда қолиб, боғлару парча-парча экин далалари аро кетган кенг йўлга тушиб олдик. Ҳойнаҳой, чорбоққа борсак керак.

Бир пайт Бекқул Тўрақулович афтларини бужмай-тириб, рул чамбарагига кўкрак тираб қолди.

— Қурғур, қорин, — деди у аранг, — эртадан бери бураб-бураб оғрийди-я...

Менинг кулгим қистади. Шундай катта олим, катта арбобни ҳам эл қатори ич оғриғи безовта қилиши ҳеч хаёлимга сиғмас эди.

— Янтоқ қайнатиб ичинг, — дедим ўзимни билағон кўрсатиб. — Бир соатда отдай бўп кетасиз.

Менинг маслаҳатим Бекқул Тўрақуловични қулоғига кирмади ҳисоб. У теваракка аланглай-аланглай қуюқ дарахтзор орасига югургилаб кетди.

Бироздан сўнг яна йўлга тушдик.

— Ай, яш-шанг, Қоржовбой, — деб гап бошлади Бекқул Тўрақулович, афтидан ўртадаги андак ўнғайсиликни даф этиш учун. — Сизни безовта қилмас эдигу, баъзи бир оғайнилар, шогирдлар қўйишмади-да...

Бекқул Тўрақуловичнинг ёзгиришидан маълум бўлдики, аслида ҳеч қандай кўриқчию ҳеч қандай хизматчи-

га эҳтиёжи йўқ экан. Домла шунчаки ёр-биродарларининг кўнглидан ўтолмабди, тўғрироғи, зиқна деган гийбат гаплардан қочибди.

— Ана шунақа, — деб қўйди у сигарет тутатиб, — камтаргина кун кўришинга ҳам қўйишмайди булар.

Мен гўё бировнинг ошговоғига берухсат қўл чўзгандай туйқус таъбим тирриқ бўлди. Бекқул Тўрақулович авзойимдаги ўзгаришни сезди-ёв (нақадар зукко, маданиятли зот) дарров вазиятни сувашга тушди.

— Ну, Қоржовбой, сизни ўзим талаб қилдим, — деди у кулиб. — Қўнмаганингизда хафа бўлардим. Баъзан зериккан пайтларим ёшлар билан суҳбатлашишни ёқтираман. Сиз айнан менбоп суҳбатдош экансиз.

Биламан, домла бу гапларни шунчаки кўнглим учун айтаяпти. Лекин димоғим чоғ бўлди. Кўнглимга қараяптими, демак, хувв, ярим финалдагидай маънавий ғолибман.

* * *

Чорбоғ кенг-мўл, жуда хушманзара эди. Баланд девор бўйлаб экилган қатор тераклар, мевали дарахтлар солланиб турибди. Чорбоғ этагида мрамар ҳовуз. Ҳовуз теварагига қалин қум тўшалган. Улкан, сершоҳ, сербарг дарахт ҳовуз атрофида қуюқ соя ташлаб турибди. Чорбоғнинг у ер-бу ерида ранг-ранг гулзорлар барқ уриб ётибди. Сайр учун атай қурилган бетон йўлакчалар ҳар ён-ҳар ёнга қон томирларидай ёйилиб кетган. Дарвозанинг чап томонида машина гаражи, гаражга тақаб қурилган гугурт қутисидеккина хужра. Дарвозанинг ўнгида эса баланд пойдеворли, деразалари боққа қараган, кўркам, шивам уй.

— Мана, бизнинг дача шу, — деб қўйди Бекқул Тўрақулович у ён-бу ён кўз ташлаб.

Ҳа, домла рост айтган экан. Одам тугул пашша учиб киролмайдиган бундай баланд кўрғонга ҳеч бир кўриқчи шарт эмас эди.

Биз дарвозадан бош суқиб, оёқ опширган чоғ мрамар ҳовуз ёқдан бир бўй қиз чоққиллаб кела бошлади. Мен кўзларимни қаён яшираримни билмай қолдим! Кўкрағио киндигидан настига кийиб олган бир-бир тутам матони айтмаса, қиз қип-яланғоч эди.

— Привет, пап, — деди у Бекқул Тўрақуловичнинг бўйнига жажжи қизалоқдек осиларкан.

Домла ҳам қизини нўноқларча қучиб, оқ-сарик юзидан ўшиб қўйди:

— Ах, ассалим! Қалай, дам олаяписларми?

— Ҳа, — деди қиз ингичка қошларини қошлаб тушаётган сочларини ноз билан силтаб ташлаб. — Ўртоқларим келишган. Имтиҳонлардан қутулганимизни бассейнда ювяпмиз.

Ўзининг сўз ўйинидан ўзи завқланиб қиз қикир-қикир кулди. Домла ҳам ҳиринглаб, арзандасининг яланғоч яғринларини силаб қўйди.

Мен қизнинг оппоқ, силлиқ сонларига, бир тутам сийнабандидан тошиб турган кўкракларига безътибор бўлиш дардида ўлиб-тириларканман, кўзларим дуч келган ёққа аланг-жалаң бўларди. Лаш-душларим солинган елим халтани гоҳ у қўлимга, гоҳ бу қўлимга бетоқат алмаштираман.

Бекқул Тўрақулович туйқус мен томон юзланди:

— Танишинлар, Қоржов, бу менинг эрка қизим Маржона.

Маржона икковимиз бир-биримизга енгилгина кўз ташлаб, енгилгина бош ирғаб қўйишдик. Қиз лабларини қимтиб зўр бир қаҳқаҳадан аранг тийилиб турганини пайқагандай бўлдим. Афтидан, қўполдан қўпол исимим ё бесўнақайларча хижолатланиб туришим унинг кулгисини қишар эди.

Шу орада уйнинг мрамар зинапояларида ранг-рўйи мрамардек совуқ бир аёл кўриниш берди. Пешонасини сириб танғилган гулдор мато устида уюлган сарғиштоб сочи похол гарамига ўхшайди. Юз-кўзига сурқалган бў-



ёқнинг қуюқлигидан асл кўзу асл лаб-даҳани илғаш анчагина қийин. Устида семиз, биққи қоматини сириб турган енгез, тор халат.

— Ассалў-ўм, — дея димоғида салом берган бўлди аёл.

Бекқул Тўрақулович айбдоргина илжайиб бош ирғади:

— Биз келдик.

Шу орада Маржона ошпоқ орқаларини диркидлатган кўйи яна мрамар ҳовуз ёққа чопқиллаб кетди.

— Яхши бориб келдингизми, адаси? Чарчамадингизми?

Лаби-лабига тегмай писта чақаётган бу аёлнинг анча ёш кўриниши сабабли, ҳарқалай у Бекқул Тўрақуловичнинг хотини эканига дабдурустдан ишониб қийин эди. (Бироқ, аччиқ ҳақиқат).

Домла яна менга қуш қараш қилди.

— Танишинглар, Қоржов, бу... кеннойингиз Илмира.

Мен тагин енгилгина бош ирғадим.

— Яхши, хурсандман, — деб қўйди Илмира янгам мени бир буюмдай кўздан кечираркан. — Хуш келибсизла-а...

У туйқус орқага бурилди-да шанғиллаб чақирди:

— Роза опа-а, ани-ий!

Лаҳза ўтмай мрамар зинапоёда ўрта яшар, жонсарақ бир аёл пайдо бўлди. Бошидаги сарғиш рўмол, белига туган сарғиш этак унинг шу хонадон хизматчиси эканидан дарак берар эди.

Чорбоққа киргандан бери кўнглимни алланечук ғашлик қоплаб олган. Бу ғашлик гўё Маржона билан чошиб келдию ич-ичимга қамалиб, тирноқлаб ётмоқда эди.

Роза аний пилдирабгина келди-да қўлимдаги елим халтани олиб эшитилар-эшитилмас товущда, “юринг”, деб қўйди. Эру хотин ўзаро гунғирлашиб мрамар зинапоядан кўтарила бошлашди. Мен Роза анийга эргашиб гараж ёнидаги хужра томон юрдим.

Хужра шинамгина экан. Хужра тўрида кўрпа-тўшакли каравот. Бутун чорбоғ кўзга ташланиб турадиган дераза ёнида емак столи, бир жуфт стул. Ҳатто эскигина бўлса-да телевизор ҳам бор экан.

Роза аний каравот устидан кўрпа-тўшакка ҳаво ранг жилд кийгиза-кийгиза тишимсиз жавраб аввалги кўриқчини мақтади, ора-чора менинг вазифаларимни тушунтирди. Унинг уқтиришича, энг зарил ишим чорбоққа кечаю кундуз кўз-қулоқ бўлиб туриш, келиб-кетувчиларни кутиб олиб, кузатиб қўйиш, ишқилиб, шум ниятли баъзи бир касларга ҳамиша ҳозир у нозир эканлигимни кўрсатиб қўйиш экан.

— Бирорта ит-пит боғлаб қўйишса ҳам бўларкан-ку? — дедим энсам қотиб.

— Ай, — дея қўл силтади Роза аний, — ит круглий ташвиш. Кечаю кундуз вовулайвериб безор қилади. Тагин уни боқишни айтмайсизми? Итни ухаживать этининг ўзига яна бир одам керак, фу-у...

Оқсоч аёл итдан кўра менинг тузуклигимни исботлаш учун тагин аллақанча жавради. Охири ўзи ҳам чарчаб каравот қиррасига ўтириб қолди.

— Телевизор ишлайдими? — деб сўрадим уни чалғитиб.

— Да, конечно, — дея ҳорғин елка учирди Роза аний, — охраник ухлаб қолмасинлар деб телевизор қўйилган.

Бироздан сўнг у чиқиб кетди. Чиқиб кета турган менга оғир ботмайдиган тарзда тушинтирган бўлди.

— Ҳозир обедни хозиянлар била қиласиз. Сўнгра... бундан кейин овқатларингизни шу ерга чиқариб бераман, уқдингиз-а?

Роза аний кўздан пана бўлгач ашқол-дашқолларимни жойлаб, кийимларимни алмаштиришга уннадим.

* * *

Тушликка товук гўшгидан тайёрланган антиқа овқат едик. Бекқул Тўрақулович бутун тушлик давомида

аллақандай газетадан кўз узмади ҳисоб. (Олимлар бот-бот такрорлайдиган моддий ва маънавий озиқ олиш усули шунақа, шекилли?)

Илмира янгам эса жағи-жағига тегмай мени сўроққа тутди. Қишлоқ турмушини сўраб-суриштирди, спорт ҳаёти билан қизиқсинди. Ора-чора у ҳам зиммамдаги вазифани силлиқлик билан уқтириб ўтишни унутмади.

— Гулзорни тез-тез сугориб турмаса қуриб қоляпти, — деди у стакандаги шарбатдан ҳўллаб. — Ҳувв, этакдаги олма давно ҳосил бермайди, кесиб ташлаш керак.

Биз ҳайҳотдек залнинг бир бурчагига қўйилган емак столи атрофида ўтириб овқатланардик. Зал серҳашам, шарқона безалган, шида биллур қандиллар осилган, оёқларимиз остида майин гилам. Ланг очиқ деразадан чорбоғ, дарвоза йўлаги яққол кўзга ташланади. Кириш эшитининг ўнгида, ҳувв, метро кассирининг хужрасини эслатиб юборадиган, уч тарафи ойнабанд тўсинли ошхона. У ердаги ошхона жиҳозлари орасида ивириётган Роза аний гира-шира кўзга ташланади. Кенг залнинг у ер-бу ерида тўрт нақшинкор эшик, ҳойнаҳой, ётоқлар, хос хоналар ўша ёқларда жойлашган.

“Домланинг дачаси шундай бўлса, шаҳардаги уйи қанақа экан”, деган ҳасадгўй хаёл калламдан лип этиб ўтди. Мен, албатта, бундай беадаб ўйларни дарров ҳайдаб, хушёр ва холис фикрлашга уриндим. Олим одам, йўлчи юлдуз қонулар ижодкори шундай фаровон, серҳашам яшашга, меҳнатга яраша роҳат кўришга ҳақли эканини тан олдим.

— Қалай, дачачамиз ёқдимиз сизга? — деб сўраб қолди Бекқул Тўрақулович чойхўрлик ҳам охираётган бир пайтда. Афтидан, у атрофимга анграйиб қолганимни пайқаганди.

Мен бош ирғаб қўйдим.

— Яхши... эл қатори-да.

— Шунинг айтинг, Қоржовжон, — дея Илмира янгам дарров мени кўллаб-қувватлади. — Кўздан узилиб қайга борардик, эл билан тирикмиз-да.

Мен нақшинкор эшиклар тараф имо қилдим:

— У ёқларни ҳам кўрса бўладими?

Эру хотин бир лаҳза кўз уриштириб қолишди. Мен лаб тишладим: “Об-бо, бефаросатлик қилдим-ов...”. Йўқ, (Хизр кўрганим чин, шекилли) туйқус мавқеим ошиб кетди. Эру хотин сўровимдан чин кўриқчиларга хос пухтаник, ишбилармонлик фазилатларини кўришибди.

— Бемалол, Қоржовбой, бемалол, — деди Бекқул Тўрақулович ўридан кўзгалиб. — Албатта, ҳаммаёқни кўздан кечириб сизнинг бурчингиз, япанг, ука.

Бесўнақайларча жойимдан жилишим барибир Илмира янгамда шубҳа уйғотди:

— Эҳтиёт бўлинг-а, — деб қўйди у, ҳойнаҳой нозик уй жиҳозларидан хавотирланиб.

Домла билан етаклашиб хоналарга бир-бир кўз ташлаб чиқдик. Оғир, қимматбаҳо нардалар тутилган ошпоқ-момиқ кўрпа-тўшакли диванлару гардероблар билан жиҳозланган икки салқин хона ётоқ экан. (Албатта, бири Маржонаники!)

— Мана, бу қироатхона, — деб қўйди Бекқул Тўрақулович энг чеккадаги хужрага бошлаб кираркан.

Хужра тўридаги уч-тўрт токчали жовон китобу ҳар хил журналларга лиммо-лим эди. Чорбоққа қараган дераза ёнида бежиримгина ёзув столи, бир жуфт курси турарди.

— Китобларингиз кўп экан, — дедим бошқа мақтов калламга келмай.

Бекқул Тўрақулович камтарона кулди.

— Бу шунчаки, читальний... Ҳовлида махсус кутубхонам бор, унча-мунча институтникидан қолишмайди.

Шу пайт Тоштемир аканинг ўғитлари қулоқларим остида яна бир жаранглаб ўтгандай бўлди: “...ўзингни ўқимишли кўрсат...”

— Домилла, — дедим муллаваччаларга хос илжайиб, —

китобларингизни беш минут титкиласам майлими?

Бекқул Тўрақулович қўлларини қанотдай ёйди:

— Бажону дил, Қоржовбой, бемалот.

Сўнг у орқага тисарилиб хужрадан чиқди-да, эшикни оҳиста ёпиб қўйди. (Нақадар маданиятли, сипо киши-я!)

Зил-замбил китоблардан бирини қўлга олиб, муқова-сидаги ёзувни ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқидим. Ўрисча-ёв, тагин жойига қўйдим.

Шу пайт чорбоғ ёқдан қувноқ қаққахалар қулоғимга чалинди. Қарадим. Бу ердан ҳовуз бўйи дов-дарахлар аро элас-элас кўзга ташланар экан. Улкан дарахт соясида Маржонадай шир яланғоч икки қиз қилпилаб рақс тушар эди. Бир парча магнитофондан жазавали мусиқа янграмоқда. Ўртадаги дум-думалоқ стол усти ҳар хил хўрагу ичимликларга тўла.

Мен фаройиб томошани тўсиб турган шох-шаббаларни сўка-сўка дераза раҳига ўтириб қолдим. Қизлардан бири қувноқ қийқириб ўзини ҳовузга отди. Гумбураб сачраган сув гўё баданимга теккандай сесканиб кетдим.

Туйқус болалигим эсимга тушди.

Пахта пайкалларидан тошган сув темир йўл ёнидаги сайхонликда каттагина қўл бўлиб қолар эди. Қиз-ўғил аралаш ўша ерда чўмлаверардик. Қизлар узун кўйлақларини ечмай, қий-чув кўтариб ўзларини сувга отишар эди. Орадан йиллар ўтиб овозларимиз андак йўғонлашиб қолгач, қизлар биздан айрича, пана-панада чўмилар бўлганини пайқадим. Жазирама кунлардан бири эди. Ушанда саккизинчи синфни тугаллаб ёзги таътилга чиққан эдик. Хусан икковимиз пахта пайкали орасига яшири-ниб, кўлда чўмилаётган қизларни пойлардик. Қўққис улардан бири бизни кўриб қолди. Қий-чув, тўс-тўшолон кўтарилди. Қизлар баданларига чипша ёпишган хўл кўйлақларининг сувини шўриллатиб дуч келган ёққа тум-тарақай бўлишди. Биз довдираб қолдик. Шу пайт қўл ўртасида сузолмай, типирчилаб ётган қизга кўзим тушди. У синфдошим Бибигул эди. Ўйламай-нетмай ўзимни сувга отдим. Ҳануз кўрқув ва уят ичиде иргешлаётган Бибигулнинг белидан кучиб қўл кирғоғига қараб суздим. Таҳликали бир ҳол бўлса-да, кучоғимда момиқ қиз баданини ҳис этиб ажиб бир ҳаяжонга чулгангандим. Оғиз-бурнимга икки-уч сув кириб кетди. Судраклаша-судраклаша бир амаллаб кирғоққа чиқиб олдик. Буткул ҳолдан тойган Бибигул ўт-ўланлар устига чўзилиб қолди. Мен ҳам ҳансираганча синфдош қизнинг ёнига чўқдим. Бир пайт Бибигулнинг кўзлари катта-катта очилди. Буткул беҳоллигига қарамай (билмадим, қайдан куч тоиди) юзимга шарақлатиб бир тарсаки тортиб юборди. Изидан хўнграб йиғлашга тушди.

Мен ҳовуз ёққа пойлашга урина-урини хийла вақт ўтириб қолганимни пайқабман. Бир пайт қироатхона эшиги қия очилдио чўчиб тушдим. Роза аний экан.

— Дарвоза кўнғироғи чалинди, — деди у ичкарига бош суқиб. — Хозяинлар дам олишяпти.

Тушундим. Эринчоқлик билан ўрнимдан турдим.

Дарвоза ёнида қош-мўйловлари қалин, семиз киши бир қучоқ совға-саломлар билан турарди. Андак нарида унинг машинаси.

— Бекқул Тўрақулович уйдадилар? — деб сўради у мени таажжуб билан кўздан кечираркан.

— Домилла дам оляпти.

Меҳмон мен томонга товуқ “кишт”лагандай қўл силтаб қўйди-да ичкарига суқилиб кирди:

— Ҳечқиси йўқ, ўтириб турамыз.

Мен беихтиёр лўкиллаб меҳмонга эргашдим. Совғасаломини қўлидан олар-олмасимни билмай гангидим.

Кун аёвсиз қиядирар эди. Аллақаердадир мусиқа лоҳас кукулайди. Мен ҳам ўзимни ланж сезардим. Меҳмонни залга кузатиб кирдим хужрамга қайтдим.

Хужрам салқингина эди. Кароватимда бир пас хаёл суриб ётдим. Кўзим илашибди. Бир маҳал дарвоза ёни-

даги шовур-шовурдан сергақландим. Маржонахон ўртоқларини кузатаётган экан. Йўқ, бу гал ҳаммасининг уст-боши бут, отам айтгандай-бинойитгина. Улар ҳиринглашиб, пичирлашиб узоқ хайрлашдилар.

Мен зерика бошладим. Телевизорни ишлатдим. У-бу каналларга қизиқсиниб босиб кўрдим. Зўр. Телевизор эскигина бўлса-да, тип-тиниқ кўрсатар экан. Аллақайси каналда намойиш этилаётган “ур-сур” кинони томоша қилиб ўтирдим. Анча вақтдан сўнг мармар зинапоёда ўша қош-мўйловлари қалин меҳмон кўриниш берди. Бекқул Тўрақулович уни кузатиб қўяётган экан.

Мен шоша-пиша хужрадан чиқдим. Хизматга шай, жанговар ҳолатимни пайқаган домла мамнун бош ирғаб қўйди.

* * *

Эрталаб хужра деразаси қаттиқ тақиллаганидан чўчиб уйғондим. Кун аллақачон ёйилиб кетган эди. Пўрим кийиниб, қайларгадир отланиб турган Бекқул Тўрақулович ва Илмира янгамга кўзим тушди. Роза аний зўр бериб ланг очик деразамни тақиллатиб турарди.

— Ҳозир, — дедиму иргиб ўрнимда турдим. Кийимларимни апил-тапил устимга илиб ташқарига отилдим.

— Кечирасизлар, ухлаб қолибман, — дедим кўйлақ тугмаларини қадашга урирарканман.

— Ҳечқиси йўқ, — жилмайиб қўйди Бекқул Тўрақулович. (Оҳ, нақадар маданиятли, тушунган инсон!)

Илмира янгам эса зарда билан дарвоза томон юра-юра, димоғида минғиллади:

— Қўриқчини кун ярмида аранг уйғотиб олсанг-а...

— Биз кечга яқин қайтамиз, — деди Бекқул Тўрақулович менга. — Сиз Роза холангиз билан бамаслаҳат чорбоққа қараб туринг. Келиб кетувчиларга ўзингиз эшик очинг. Хўп, келишдик-а? Яна ухлаб қолманг-а...

Мен хижолатланиб бош ирғадим.

Машина аллақачон шайлаб қўйилган экан. Эру хотин жўнаб кетишди.

— Бир танишлари тоққа пригласать этган, — деди Роза аний машина ортидан қараб қоларкан. — Қимиз-хўрликка...

Роза аний очикқўнғил, меҳрибонгина аёл экан. Ухлаб қолганим учун қуюққина койиб, қуюққина нонушта тайёрлаб берди. Асал ва сариеғ солинган сутли чойдан сўнг, бир бўлак колбаса, бир печта қовурилган тухумни ишта-ҳа билан туширдим. Сухбатимиз ҳам қизиди. Оқсоч аёлдан антиқа-антиқа ахборотлар олдим. Масалан, Илмира янгам Бекқул Тўрақуловичнинг иккинчи оиласи экан. Катта янгамиз касалланиб вафот этганидан сўнг ҳам кўп йиллар домла суюкли рафиқасининг руҳи поки чир-қилламасин, деб Илмирахонни расмий никоҳига олмаганлар. Шунчаки пинҳона учрашиб, бир-бирини меҳр-муҳаббат кўрсатиб юришган. Катта янгамиздан ёдгор фарзандлар — икки ўғил, бир қиз ўсиб-ўлғайиб, уй-жойли бўлгандан сўнггина Илмирахонни тўю-томоша билан уйига олиб келган. Албатта бу орада ўзаро муҳаббатнинг меваси Маржонахон ҳам анчагина бўй чўзиб қолган экан. Ҳозир у аллақандай университетда ўқир эмиш.

— Бу гапларни бировларга сўйлаб юрманг тагин, — дея огоҳлантирди Роза аний дастурхон устидан идиш-товоқларни йиғиштириб оларкан. — Ғийбат ёмон.

Мен ўзимча оқсоч аёлни тинчлантирган бўлдим, оғзим маҳкамлиги билан мақтандим. Роза аний менинг эътирофларимга деярли эътибор бермади, туйқус Илмира янгамни мақташга тушиб кетди. Янгамнинг очикқўллигидан тортиб, меҳмоннавозлигию дид-фаросатигача оқизмай-томизмай таърифлади.

Шу орада гап айланиб кеча таширф буюрган меҳмонга бориб тақалди.

— Ҳа, уми, — деди гижинганнамо қўл силтаб Роза аний. — Домланинг шогирдларидан, Бақоев...



Бақоев — кунда-шундалардан экан. Шаҳарда терговчи бўлиб ишлар эмиш.

Ишқилиб зерикмадим. Хузур-ҳаловатдан куч-ғайратим тошиб оқсоч аёлнинг ул-бул юмушларига масаллиқлар олиб чиқдим, суви тўхтамай қолган жўмракни созладим, сушир-сидир пайти оғир стол-студни у ёқ-бу ёққа силжитишдим, хуллас, Роза анийнинг кўнглидан чиқишга тиришдим.

Кун иссиқ эди. Хушманзара, серсоя чорбоғ ҳам алланечук мудраётгандек туюларди. Ҳовузнинг кўм-кўк, муздаккина сувида завқ-шавқ билан чўмилдим. Андак хуморим босилгач, хужрамга кириб эрмак учун хийла вақт соч тарадим, ўзимча ороландим.

Бир пайт Маржонахонга кўзим тушди. У уйнинг мрамар зинапоясидан эринибгина тушиб келар эди. Устида ҳаворанг, енгисиз, ёқасиз кўйлак, оёғида уй шишаги, қўлтиғида семиз бир китоб, сочлари яланғоч елкаларида паршон ёйилган. Кўп ухлаганиданми ё пардоз-андоз кам бўлганиданми юзлари алланечук салқи, синиққан туюлади.

Мен негадир шошиб хужрамдан чиқдим. Вужудимга енгил бир ҳаяжон югурди.

Бироқ Маржона менга киё ҳам боқмай шундоққина тубгинямдан димоғ-фироғ билан чорбоғ томон ўтиб кетди. Мен унинг атай диркиллашиб бораётган орқаларига алланечук алам, алланечук изтироб исканжасида қараб қолдим. Негадир хўнграб-хўнграб йиғлагим келди.

Хужрамга қайтиб кирдим. Кирдиму бироқ ўтиролмадим. Юрагим тошарди. Шундагина анчадан бери қизнинг издан бориш учун баҳона қидириб ётганимни пайқаб қолдим. Пайқадиму ўз-ўзимдан уялдим, ҳатто, алланечук чўчиб кетгандай бўлдим.

Аллақайдадир бир мусичанинг интиқ-интиқ “ку-ку”-лагани қулоғимга чалинади. Мен минг бир саросима билан яна хужрамдан чиқдим. Худди шуни кутиб тургандай ногоҳ Маржонанинг овози жаранглади:

— Эй, охраник!

Мен ялт этиб товуш келган томон юзландим. Маржона! У ўша серсоя дарахт тагидаги ёғоч ўриндиқда оёқларини чалиштириб ўтирган кўйи менга имларди.

— Эй, ану-у ердан озгина райҳон териб беринг!

Қиз ишора қилган жойдаги гулзорнинг бир чеккасида дарҳақиқат ям-яшил райҳонлар барқ уриб ётарди. Алланечук титроқ билан хушбўй ўтдан бир даста тердим.

Кун беҳад қизиб кетган эди. Дарахт шохларида чумчуқлар безовта-безовта чирқиллашади.

— Раҳмат, — деб қўйди Маржона қуруққина, қўлимдаги райҳон дастасини афтимга қарамай оларкан — Ах, каковой запах.

Мен юрак ютиб тўнғилладим:

— Менинг исмиМ Қоржов, охраникмас.

Қиз “нима фарқи бор”, дегандай елка учуриб, лаб буриб қўйди.

— Хафа кўринасиз, мазангиз йўқми? — деб сўрадим ҳануз қизнинг ёнидан кетгим келмай.

— Да, пустяки, — қўл силкиди Маржона, — бекорчилик.

— Ўқишлар тугаб зерикяписизми, дейман-а?

Маржона жавоб бермай димоғида кулиб қўйди. Сўнг олдидаги очиқ китобни қўлга олиб ўқишга тутинган бўлди.

Мен худди ботқоққа ботиб қолгандай, оғир, ланг қадамлар билан ундан узоқлашдим.

* * *

Роза анийчасига айтганда — “хозяин”лар шомдан сўнг қайтиб келишди. Меҳмондорчилик қуоқ бўлган шекилли, эру хотин бири қўйиб бири олиб кекиради. Бекқул Тўрақулович келиб-кетувчилар ҳақидаги ахборотимни лоқайд эшитди. Маржона гўё бир-икки йил кўрмагандай гоҳ ойисининг, гоҳ дадасининг пинжиги шоду

хандон тиқиларди. Эру хотин унинг кун бўйи чорбоғдан чиқмаганига ишонқирамади. Қизнинг ғалати кайфиятидан таажжубланиб бир-бирига тикилишди, Илмира янгам лаб чўччайтирди, Бекқул Тўрақулович елка учирди.

Улар ғала-ғовур билан ичкарига кириб кетишгач дарвоза ёнида қоққан қозикдек хийла вақт туриб қолдим. Ичимга чироқ ёқса ёришмас эди. Хаёлларим паршон. Хужрамга кирдим. Чироқни ёқмай каравотимга чўзилдим. Чорбоғни тобора қоплаб келаётган зулмат гўё менинг ичимдан сизиб чиқаётгандек эди. Ҳаво дим. Аллақайдадир қурбақа қуриллаб юборди.

Анча пайт каравотимда эгзин, оғир ўйларга қоришиб ётдим. Бир маҳал хужрамнинг чироғи ёнди. Роза аний экан. У тушликдан қолган, илитилган бўтқани емак столим устига дўқиллатиб қўйди.

Мен хижолатланиб дедим:

— Сизниям круглий ташвишга қўйдим-да.

— Полвон болага ухаживать этиш керак, — деди Роза аний, ўзича бошимни эркалаб силаб. — Е, болам, е, ҳеч уялма, бу сенинг ҳаққинг.

Қорин оч бўлса-да беиштаҳа овқатга интилдим. Ҳануз хаёлларим паршон. Ҳувв, кечаги кўнгил ғашлигим дам сайин қуоқлашиб бораётганини тобора ҳис этмоқда эдим. Манави хонадон аҳлидан тортиб Тоштемир акаю тағин аллакимлар кўз ўнгимда айқаш-уйқаш бўлиб турарди. Мен овқатнимас, гўёки аллакимларнидир чала чайнаб ютардим.

Ниҳоят, коса туби кўринди. Совиб қолган чойдан босиб-босиб, хўриллатиб-хўриллатиб хўнладим.

* * *

Тун. Уйқум келмас эди. Устига-устига Илмира янгамнинг ҳалигина бот-бот тайинлагани қулоқларим остида жаранглаб турарди: “Боғни тез-тез айланиб туринг-а, эҳтиёт яхши-да”.

Хужрамдан чиқдим. Уй пештоқидаги чироқ нурида чорбоғ ола-чалпоқ ёришиб турибди. Енгил эсан экиндан япроқлар маҳзун шитирлайди.

Мен уй ёнидаги йўлак бўйлаб секин-аста кира бошладим. Боғнинг қоп-қоронғу бурчакларига, серсавлат уйнинг бўйи-бастига разм солган бўлдим. Шу пайт ланг очиқ ётоқ деразасига суяниб сигарет чекиб турган Маржонага кўзим тушиб қолди. Беихтиёр юракларим ҳапқириб, томоқларим қуруқшади. Негадир... негадир қувониб кетдим!

Маржона ҳам туйқус мени кўрдию қип-қизил чўғланиб турган сигарет қолдигини боққа улоқтириб хона ичкарисига шўнғиди.

Унинг ётоғи тунчироқнинг алвон-сарғиш ёғдуларига чўлганган эди. Мен ҳануз юракларим гурс-гурс урган кўйи боғ ичкарисига қараб юрдим. Бир туп олма дарахт ёнидан қиз ётоғи тузуккина кўзга ташланар экан! Бутун вужудим кўзга айланиб ўша ёққа алангладим. Маржона! У алланечук эринчоқлик, алланечук ноз билан аввал кўйлагини сўнг сийнабандини ечди. Бўлиқ кўкраклари бир қур яйрагандай диркиллаб кетди. Қиз оҳиста энгашиб тағин алланемаларни сидириб ташлагандай бўлди. Шаршарадек қўйилган сочлари елка бўйинларига чирмашиб ютоқа-ютоқа ўпаётгандай эди. Лаҳза ўтмай қияланғоч Маржона бутун бўйи-баста билан тунчироқнинг қизил-сарик ёғдуларига қоришиб намоён бўлди. У гўзал, самбитдек қоматини атай кўз-кўз қилгандай уч-тўрт дақиқа у ён-бу ён юринди, силаниб-сипаланди. Ниҳоят, бир парча уйқу либосини кийди-да боғ тараф нигоҳ ташлаб, пастга, каравотига шўнғиди.

Мен ажиб бир туйғулар, ажиб бир иштиёқ оғушида титраб, таранг тортиб турардим. Беихтиёр дарахт танасини маҳкам қучоқлаб, тахир таъм пўстлоғига лаб босдим.

Давоми 18-бетда

Матназар АБДУЛҲАКИМ

ВАЗМИН ВА УЛУҒВОР ОҚАДИ ДАРЁ

ҒАЗАЛЛАР

Муҳаббат дарди жондан жонга тушиди,
Бўлиб қатра гуҳар, мужгонга тушиди.

Фалаклардан баланд эрди қуёшим,
Қилиб ерга ҳавас, осмонга тушиди.

Абад оввора олам бирла одам,
Не тонг, нодон иши нодонга тушиди.

Кўриб мингдан бирин ишқинг самовот,
Қоқиб қарс қалдироқ, ларзонга тушиди.

Ширин жондан кешибдим воз висол деб,
Деди гулроз "Бу бахт арзонга тушиди..."

Юрак топган эди бахт деб таваллуд,
Минг инга боғланиб, зиндонга тушиди.

Бўлиш-чун дур, керак денгиз каби сабр,
Шунинг-чун ҳам садаф уммонга тушиди.

Кўнгул — қуш, истади ёр холларини,
Кабутар оч эди, хирмонга тушиди.

Ғаминг аҳволига, Абдулҳаким, вой,
Қалам-қогоз деган майдонга тушиди.

МАШРАБҒА ШАҲИДЛАР

Менга даркордир малак, Мажнун учун Лайло керак,
Менга даркордир фалак, Мажнун учун сахро керак.

Тағриф этсам маҳвашим кокиллари занжийрини,
Йилда уч юз олтмишу беш зим - зиё ялдо керак.

Дардларимни тингламакдин тортадир озор ёр,
Нолалар фарзандиман мен, унга шўх ялло керак.

Ошиқнинг дунёси ишқдир, бул ҳавас дунёси мол,
Унга у дунё керакдир, бунга бу дунё керак.

Аҳли ишқ кўз ёшлари, ёр хуснига ташбех учун
Биргина офтоб билан, минг-минглаган дарё керак.

Мен-да тайёрман муҳаббат йўлида бермакка жон,
Етгали бу бахтга ёрдан биргина иймо керак.

Ўтдилар Фарҳоду Мажнун, муҳташам ишқ қасрини
Қилгали обод энди биз каби сиймо керак.

Бошига кийди жаҳонни булбули беандиша,
Гўйё ёлғиз ўзига ул гули рағно керак.



Бизни ошиқ, сизни маъишуқа яратмишидир худо,
Хукм йўқилган, иккимиздан энди бир ижро керак.

Айтсанг ишқингни бўлур, Абдулҳаким, оламга фош,
Бир худо, бир иккимиз билгувчи бир мағно керак.

Кокли эй сунбулим, гулча даҳоним, яхшисиз,
Бир қулмсиб қўйганида, минг жаҳоним, яхшисиз.

Қилдингиз маҳкум ўзингизга йўлиққан ногаҳон,
Не балосиз, эй балои ногаҳоним, яхшисиз.

Сарвиқад, гулбўй, чаманруҳсору ҳам бодомқапоқ,
Яхшисиз, боғим менинг ҳам бўстоним, яхшисиз.

Тонг отиб, ботгунча кун, афсонасиз, бир сўзи йўқ,
Кун ботиб, отгунча тонг ким достоним, яхшисиз.

Минг минг асраб ҳар қадамда, айлагайман эҳтиёт,
Қолмайгайдир жон авайланмайки, жоним, яхшисиз.

Кўзларингиз жуфт самодир дил қушим парвози чун,
Бир нафар лочинга, икки осмоним, яхшисиз.

Неча кулфатни саодат қилдингиз бир жилвада,
Ишқ ҳарб майдонларида қаҳрамоним, яхшисиз.

Йўлингизга садқа бўлсинлар жаҳон аълолари,
Тегмасин кўз деб дегайман, имтиҳоним, яхшисиз.

Лаҳзалик дийдорингизда мангулик мазмуни бор,
Тенг азал бирла абадга бир замоним, яхшисиз.

Бетиним таҳдид солиб, дўқ урди ўқдек нечалар,
Қомати ёй мен учун қоши камоним, яхшисиз.

Шеър ёзиб, сизга баҳо бермакка ким Абдулҳаким,
Гарчи яхшим яхшисиз, гарчи ёмоним, яхшисиз.



СОҲЕШЛАР

Бизнинг бу маснаддан топаркан дарак
Хар бир дақиқамда, хар бир онимда
Ғариб ҳисларимга гирдикапалак,
Жой олиб турибсан, жоним, жонимдан.

Иков бир оламмиз. Чақнайди фиғон,
Кўзтомирлар чақмоқ илдиэларидир.
Нигоҳларинг сенинг сўнмас армуғон,
Соҳиб Қаҳқаишонинг юлдузларидир.

Нега бу юлдузлар тортади хира,
Чарақлаб-чарақлаб ёки толдимми?
Нечун ўқинарлар маҳзун милтираб,
Уларнинг кўнглимдан кўнгли қолдимми?

Ҳилпираблар тинди ялов овозим,
Сув сепгандек жим-жит олов овозим.

Шундай бир ўхшайсан фалакка, малак,
Меҳрим қанот кермиш кенгликларингда.
О, бунча мавзундир лочин, капалак
Тарозюлдузли тенгликларингда.

Ёғни... сенга монанд топмиш қуш илк бахт
Қанотларин дард ва гамга менгзатар.
Парвозларим пайин қирқолмайди Вақт,
Вақт балоғардондир, руҳни енгса дард.

Хар бир юлдуз менга нурафишон савол,
Хар саволга, жоним, тонглар жавобдир.
Илоҳо, руҳсоринг топмасин завол,
Хар олган нафасинг минг бир савобдир.

Чексизлигинг менга осмондек лозим,
Қуфатларга ҳужум сенга парвозим.

ДАРҒ

Ким тош улоқтирди, ким отди кесак,
Мағзава тўкдилар, қилдилар талон.

Йиллар ўтаверди самумдек эса,
Телбалик тугади, тинди тўполон.

Толиқиб қолди у чорасиз, беҳол,
Ҳолидан тойдирди қақроқ бир ҳолат.

Бу қандай кўргулик, ўзи, бу не ҳол,
Дарёни дашт қилди сўқир жаҳолат.

Ахийр тинч кўйдилар... бало бўлди даф.
Юртни бахтдан тагин қилганча воқиф.

Таҳлика солмаган каби ҳеч вақт хавф,
Вазмин ва улугвор турибди оқиб.

МУСАДДАС

Минг дардга дармон булбулим,
Жим қолсанг, армон, булбулим,
Васфи гулистон булбулим,
Юраклари қон булбулим,
Кўзлари маржон булбулим,
Жон булбулим, жон булбулим.

Бўлмаса-да сорлар мамнун,
Сендан бахтга зорлар мамнун,
Ҳам азиз, ҳам хорлар мамнун,
Гуллаб турган қорлар мамнун,
Не-не бир дилдорлар мамнун,
Шараф булбул, шон булбулим.

Мен Қайсга тимсол, ёрга айт,
Юракда не ҳол, ёрга айт,
Бўлдим мажнунтол, ёрга айт.
Ишқисиз аччиқ бол... ёрга айт,
Айтишига мен лол, ёрга айт,
Ахир, сен бийрон, булбулим.

Ишқ боғини кезиб ўтдим,
Бир шамолдек эсиб ўтдим,
Юрагини эзиб ўтдим,
Бир ҳикматни сезиб ўтдим...
Чумчуқлардан безиб ўтдим,
Қайдасан, пинҳон булбулим.

Севган ёринг гулга ўхшар,
Ошиёнинг дилга ўхшар,
Бағринг тилка-тилка ўхшар,
Ишқ олов бир мулкка ўхшар,
Шундан рангинг қулга ўхшар,
Ишқисиз бахт бир пулга ўхшар,
Билиб кўй, нодон булбулим.

Бамисоли булбулсиз боғ,
Абдулҳаким кўксинда доғ,
Юрагингда сайрайди зог,
Лекин дўстлар бўлсинлар соғ,
Чекмасинлар умринда оғ,
Чаҳ-чаҳла, шодон булбулим.

Маҳзун кунлар қайсар ҳажринга кўнар,
Фалак тагин кенгроқ тутар ўзини.
Рухсорингга қуёш ногаҳон дўнар
Ва мен билан тенгроқ тутар ўзини.

Бўсаларим кўмиб ташлайди шул дам,
Тўшади тин-тиник юзига доғлар.
Бахт кулиб боқар мен хокисорга ҳам,
Мижжангда барқ урар меҳри гиёҳлар.

Нигоҳингда тонглар ота бошлайди,
Бошлана бошлайди қуёш тўлғоги.
Чақноқ кўзларингни минг бахт ёшлайди,
Сен маҳзун бўл хоҳи, масрур бўл хоҳи.

Наволар чорасизлик чоралари,
Маҳзун ун чекади най ёралари.

Маҳзун ун чекади най ёралари,
Жароҳатзада бу қалбни ёнгсилаб.*
Баёт ҳаётимнинг садпораларин
Отиб келаёттир аста тонг силаб.

Навосига минг-минг умид эл боғлар,
Нечун найтинг бошдан оёғи белдир?
Нечун унда бунча қумуш белбоғлар,
Асрорини англат, шарҳини келтир.

Ишқинг ҳар лаҳзаси минг-минг имтиҳон,
Жим-жит чекадирман, бўлиб собир, гам.
Муборақлар бўлсин юракдан фиғон,
Дарддан эгик найдир ҳар бир қобиргам.

Дийдорга ташналик, очлик дилга зеб,
Кўз ёшлар ичарман, гамларингни ёб...

*Ёнгсилаб - тақлид қилмоқ (шева).



(Давоми. Боши 6-15 саҳифаларда)

* * *

Эрталаб кўзгуга боқиб кўзларим қизарганини пайқадим. (Тунги қизғиш-сарғиш шуъалалар қароғларимда қотиб қолган, шекилли?) Соқолларим қоп-қорайиб, қовоқларим салқил тортган, ранг-рўйим синиққан эди.

Эру хотин афт-ангоримга бир зум синовчан-синовчан тикилишгач ўзаро мамнун кўз уриштириб олишди. Ҳарнечук, улар тун бўйи чорбоғ кезиб ўз вазифасини астойдил дўндирганимга юз фовиз ишонилган эди.

— Бутун меҳмонлар келади, — деди Бекқул Тўрақулович зериккан бир қиёфада. — Сал у ёқ-бу ёғингизга қараб олинг-а...

Домла жилмайиб жағ-иякларини силаб қўйди. Бу “соқол-поқолни қиртишлаб олинг”, дегани, албатта. (Нақадар маданиятли, хушмуомала зот!)

Бироқ “у ёқ-бу ёғинга қараш”га ҳеч ҳафсалам йўқ эди. Анча вақт каравотимда чўзилиб ётдим. Бутун вужудимни ғалати бир ланжлик, ҳорғинлик қоплаганди.

Чошгоҳ пайти меҳмонлар келишди. Мен ҳужрам ёнида енгилгина бадантарбия қилиб турардим. Чорбоғнинг қия очик дарвозаси ёнига икки автоулов оҳиста келиб тўхтаганини кўрдиму қўйлагимни кийдим, у ёғ-бу ёғимни орасалаган бўлдим.

Меҳмонлар узун-калта, ориқ-семиз саккиз жон эди. Ораларида сочлари ҳинду чайласидай хурпайган, димоғдор уч аёл ҳам бор экан. Меҳмонлар тўшидаги Тоштемир (мени жер эмас!) акага туйқус кўзим тушдию қувониб кетдим. Тоштемир ака бўйи баробар аллақандай совға-саломларга қўмилиб турганиданми, ҳарқалай, уни дарров пайқабман. Бир маҳал соғинчга ўхшаш аллақандай ҳисларга чўлғандим, ҳатто, беихтиёр лаб-лунжим табас-сумдан ёйилиб кетди. Бироқ Тоштемир ака ҳамма қатори мен томон шунчаки бош ираб ҳовлига кирди.

— Ўхў-ў! — дея хитоб қилди Бекқул Тўрақулович қулоч ёйиб зиналардан тушиб келаркан. — Хуш келиб-сизлар, марҳабо-о...

У билан изма-из пастлаётган Илмира янгамнинг ҳам қўллари кўксиди, лаблари кулгуда эди:

— Ва-ай, тушимми-ўнгим?! Хуш кўрдик...

— Соғиндигу бостириб келавердик, — деди кечагина келиб кетган ўша қош-мўйловлари қалин — Бақоев, қулоч ёйган куйи Бекқул Тўрақуловичга пешвоз юраркан.

Совға-саломни айнан ким келтирганини домла кўрганига буткул ишонч ҳосил қилди, шекилли, Тоштемир (мени жер!) қўлидаги нарсаларни менга тутқазди.

— Қани, полвон, — деди у овозини атай баландлатиб. — Бун ичкарига онкиринг-чи...

Салом-алик, қучоқлашиб ўпинишлар, табассуму мулозаматлар анча пайт давом этди.

Бугун ҳаво эрталабданоқ қизиб кетган эди. Дов-драхтлар орасидан ғира-шира кўзга ташланиб турган, муздек, тиш-тиник сувга лиммо-лим мармар ҳовуз ўзига оҳанграбодай тортарди. Меҳмонлар ниҳоят залдаги очил дастурхон теграсида андармон бўлиб ётган маҳал ҳовузга икки-уч шўнғиб чиқдим. Ланжликларим андак тарқандай бўлди.

Тушга яқин Маржона қайгадир отланиб қолди! Енг-ёқасиз опшоқ кофта, йўл-йўл чизилки кулранг шим баданларини сириб турарди. Лабларида қирмизи, қовоқларида кўкиш бўёқ.

Мен минг бир таманно билан уйдан чиққан Маржонани кўрдиму уялиб кетдим. Назаримда тун бўйи уни хаёлан кучиб-ўнганларимдан қиз хабардордек эди. Беихтиёр қад ростлаб, уст-бошларимни орасалаган бўлдим, эрталаб соқол қиртишламаганимдан афсусландим.

Маржона! У илкис бир бош силтаб манглай сочларини кўқитди, чимирлиди, теваракка лоқайд бир кўз ташлаб қўйди, лабларида алланечук эрка, инжиқ кулгу ўйноқлади.

Мен эски қадронлардек илжайиб қиз билан салом-

лашишга, икки-уч оғиз гаплашишга чоғландим. Бироқ Маржона шундоққина биқинимдан бепарво, узун боғичли чарм сумкачасини ўйноқлатган қўйи ўтиб кетди.

“Хаёл билан кўрмай қолди-ёв...”, деб ўйладим мен ўз-ўзимни овутиб. Бироқ алланечук ғусса, ўқинч бутун вужудимга бостириб кирди. Маржонанинг тобора узоқлашиб бораётган “тақ-туқ” қадам товушлари шундоққина юракларимда акс-садо берар эди.

Қушлар чуғур-чуғурига тўла чорбоғ, еб-ичишаётган меҳмонларнинг ғала-ғовурига, енгил мусиқа садоларига қўмилган уй бир лаҳзадаёқ хувиллаб қолгандай туюлди.

Лошимни аранг судраб зиналардан кўтарилдим.

Ошхонада Роза анийнинг қўли-қўлига тегмайди. Газ ўчоқ устидаги қозон милт-милт қайнаб турибди. Ҳавони лаззатли таом иси тутган.

Базм столини қуршаб ўтирган меҳмонларнинг жағи-жағига тегмайди. Ғала-ғовур. Пишириқлар. Қошиқ-вилкалару чинни идишларнинг “чинг-чунг”, “жаранг-журунг” садолари биллур қандилларда акс-садо бераётгандек туюлади. Сузилган кўзлару, бўғриққан юзлардан меҳмонларнинг анчагина ширақайфга келиб қолганини англаш мушкул эмас. Барча бир-бирига қулоқ солмай, бир-бирига гап уқтириш билан банд. Тўрдаги тепакал, семиз, бад-қовоқ киши Бекқул Тўрақуловичга куйиб-пишиб алланеларни тушунтирар, домла эса чап биқинидаги косовдай қоп-қора, озгин, сийрак сочлари оппоқ нухсани не сабабдандир койир эди.

— Меҳрибон ҳукуматимиз омон бўлсин, — дея ғудираб қўйди меҳмонлардан бири ўз бошича, чапиллатиб овқат чайнаркан.

Тоштемир соқи гоҳ узалиб, гоҳ ўрнидан туриб бориб жаяжи қадаҳларга ичкилик қуймоқда. Базм столининг адоғини ишғол этган аёллар ҳам пичирлашган, ҳиринглашган қўйи ўз-ўзлари билан овора. Уларга яқин ўтирган Бақоев — ўша қош-мўйловлари қалин, бақалоқ нухса заифаларга тез-тез мулозамат қилиб қўяди.

Мен кириш эшиги ёнида анчагина қаққайиб турдим. Мезбону меҳмонларни зимдан кузатиб сездимки, ҳозирча бу ерда ҳеч керагим йўқ. Секин ташқарига чиқиб кетишга чоғландим. Шу пайт ширақайфдан андак чайқалиб ўтирган Бекқул Тўрақулович менга қадалиб-қадалиб қаради. Сўнг қошиқ тутган қўлини ҳавода имлаганнамо силкитаркан, кўзлари пирираб, лаблари чўччайди, афтидан, у менинг исимини дабудрустдан эслаёлмай гаранг эди.

Мен истар-истамас домланинг ёнига бордим.

Бекқул Тўрақулович енгимдан тутиб ўтирганларга виқор билан юзланди:

— Мана шу йигит-да бизнинг лотарейга чиққан!

Домланинг товуши туйқус жаранглаб чиққаниданми ё менинг ногоҳ давра тўрида пайдо бўлганимданми, иш-қилиб, меҳмонлар бир қур сергак қотишди. Барчанинг кўзи менга қадалган эди.

— Олпомиш-ку, бу, а?! — дея пихиллади шундоққина биқинимдаги ўша тепакал кимса мени бош-оёқ кўздан кечирингга тиришаркан.

Озгин, оқсоч меҳмон бир менга, бир Бекқул Тўрақуловичга анграйиб ўзича аския қилган бўлди:

— Бун қандай боқаяпсиз, домла?

Даврада енгил кулгу кўтарилди.

Бекқул Тўрақулович аскиячига эътирозли кўз ташлаб, бош чайқади:

— Яхшимас... йигитнинг нони кўчада, деган мошайхлар, унақа хунук гап қилманг, яхшимас...

(О, нақадар доно, хушхулқ зот!)

— Ҳа-а, ҳақиқий спортсмен, — деди Бақоев ўзича менга ҳайрат билан тикилиб. — Домланинг чорбоғига худди шундай полвонлар ярашади.

Аёллар ўртасида ҳам енгил ғала-ғовур кўтарилди. Улар гоҳ Илмира янгамга, гоҳ Бекқул Тўрақуловичга юзланиб, бири қўйиб-бири олиб чуғурлаша кетди:



- Муборак бўлсин...
- Буюрсин... Яхши кунларда хизмат қилсин...
- Кўз тегмасин...

Тепакал, семиз кимса сиқорилган ичкилик устидан бир бўлак олмини қарсиллатиб чайнаган:

- Домла, — деди Бекқул Тўрақуловичга юзланиб. — Бундай зўрларни қаердан топасиз-а?! Биз бечораларга қайғурдаги пиёнисталар учрайди. Би-ир... ёрдам қилинг энди, а?

Кайфи тароқлигидан уни ўчиб, анчадан бери мудрай бошлаган, лаблари дўрдоқ, дўнг пешона меҳмон ҳам мингиллаб қўйди:

- Тўғри... биз ҳам ҳеч ялчимаёшимиз.

Бекқул Тўрақулович мамнун бош ирғаб Тоштемир соқи томон ишора қилди:

— Мана, шу укамизда гап қўп. Илтимосларни Тоштемиржонга айтинглар. Бизнинг полвон ҳам шу укамизнинг шогирдларидан.

Тоштемир (мени жер!) ўрнидан андак қўзғолиб, артистлардай даврага таъзим қилди. Илжайди.

Ўтирганлар уни гала-ғовурга кўмиб ташлашди.

- Ия, фабрикант ўзимиздан экан-ку?
- Бизнинг заказимни қабул қилинг, Тоштемиржон.
- Шогирдлардан кўими ҳали?
- Тоштемиржон...

Мен чув-чувдан фойдаланиб секин залдан чиқиб кетдим. Туйқус ўтов бўсағасида бўйин қисибгина ўтирган отам эсимга тушди. Зил-замбил қадамлар билан зинаподан пастладим. Дилим сиёҳ, хаёлларим алғов-далғов эди. Ногоҳ кўлларимга кўзим тушди — мушт! Ё, ҳазрати Хиёр?! Қачон мушт бўлиб тутилди бу кўллар! Ҳалигина дастурхон бошидами? Балки кечадир? Балки ҳувв, ўтовдаёқ кўлларим муштга айлангану шу пайтгача сезмагандирман? Бу муштлар кимга ўқталган, кимга?! Балки... балки ўзимгадир?!...

* * *

Меҳмонлар қарта ўйинига андармон пайт Тоштемир ака худди гуноҳ ишга қўл ураётгандек теварагига ўринча аланглай-аланглай ҳужрамга кириб келди.

Мен каравотимда мук тушиб ётардим.

— Намунча қовоқ-тумшуқ? — деди у хушхандон. — Худди биров арпангни хом ўргандай бўзраясан? Тинчликми?

Мен миқ этмадим. Тоштемир ака ёнимдаги етулга омонат ўтирди.

— Нима, касал-пасалмисан? — сўради у бир зум сақич чайнашдан тўхтаб. — Соқолларингни киртишлаб олсанг ўласанми? Қара, қўпол этикнинг изига ўхшаб қолибди, худди биров ўхшатиб жағларингга тепгандай.

— Тоштемир ака, кетаман бу ердан, — дедим каравот киррасига ўтириб. Овозим алланечук хириллаб чиқди.

Тоштемир ака сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ланг очиқ деразадан ташқарига кўз ташлаб олиб, лабларига кўрсаткич бармоғини босди:

— Тисс... Ўчир! Бу нима деганинг, тўнка? Кўрдинг-ку ҳамманинг диққатидасан ҳозир. Ановиларнинг бари шаҳарнинг кўзурлари, сен билан қизиқишяпти, тентак! Кетармиш...

— Кетаман... керакмас ҳеч нарса, чарчадим...

— Чида, ўвв, бола, — деди Тоштемир ака фикрланиб, сўнг завқ билан кўз қисди. — Ҳозирча очколларинг зўр.

* * *

Меҳмонлар кечга яқин дабдаба билан жўнаб кетишди.

Илмира янгам уй зиналаридан беҳол кўтариларкан:

— Анийга қарашворинг, — деди менга.

Роза аний ўлгудек чарчаганига қарамай бетизгин жаврарди. Иккимиз ивирсиб кетган зални, ошхонани саранжом-сарияшталанимизча у бугунги меҳмонларни битта-

ма-битта таърифлаб чиқди. Афтидан, шундай машҳур, курсиси баланд одамларга хизмат қилганидан мамнун эди у.

Оқшом маҳали ҳувв, тунов кунги ўртоқларини бошлаб Маржона келиб қолди! Чорбоғ яна қий-чув тўполонга кўмилди.

Мен ич-ичимдан ажабтовур севинч силқиб чиқаётганини сездим! Бутун борлигимга хуш бир кайфият ўрмалади. Маржона! Мен қизнинг беписанд, бепарво нигоҳларига йўлиқиб учун атай дарвоза ёнида турдим. Йўқ, бу гал Маржона ҳеч қутилмаганда мен томон енгилгина бош ирғаб саломлашди. Ҳатто жилмайгандек бўлди. Унинг ўзидек тор кофта, тор шим кийган дугоналарини икки гўдайган йигит қўлтиқлаб келарди. Ҳаммасининг димоғи баланд. Кийимлари қимматбаҳо.

Мен йигитларга ошқора ғайрлик, ошқора қўрслик билан разм солдим. Бириси новча, чайир, бириси кўпчиган хамирдеккина. Соқларини энг сўнг урфда калтартириб, оҳанжама билан тарашлаган, бирининг бўйнида, бирининг билакларига олтин занжир. Тусмолимча, иккови ҳам менга тенгдош.

Нафратомуз тикилиб турганим таъсир қилди чоғи, йигитлар қизлардан бўшаб, мен билан қўл бериб кўришишди.

* * *

— Вот, всё, — деди Роза аний пайт тошиб мен билан гаплашаркан. — Азонгача уйқу йўқ энди.

Оқсоч аёлни кўйиб-пишиб тушинтиришларидан англадимки, Маржонахон ўз ўртоқлари билан ҳовуз ёнида гулхан ёқиб, ўйин-қулгу қилишар экан. Бу — табиий ҳаётга қайтиш эмиш!

— Яхши-ку, — дедим кулиб, — бир кечга кўриқлашликдан қутуламан.

Роза аний бош чайқайди.

— Наоборот... Сен гулханга ўтин ташийсан, бассейнни қурбақалардан қўриқлайсан.

Ҳаммаси оқсоч аёл айтганидан-да баттар бўлди.

Маржонахон ўртоқлари билан залда бир соатлар чамаси еб-ичишгач, қий-чув, тўс-тўполон билан чорбоққа чиқишди.

— Эй, молодёжь! — Илмира янгам ланг очиқ деразадан узалиб ўзича оғоҳлантирган бўлди. — Шум-гам кўтармаклар, биз дам олянимиз!

Ёшлар унга қўлоқ солишмади ҳисоб. Бир зумда ечиниб, ҳувв ўша кунгидек шир яланғоч ҳолга келишди. Йигитлар ўзларини ҳовузга отишди. Сачраб кетган совуқ сувдан жунжиккан қизлар қувноқ қийқириб юборишди.

Мен шомдан бери зимдан кузата-кузата, тусмолай-тусмолай анови... "табиат шайдо"ларининг исмларини билиб олган эдим.

Бўйчангина, кўзлари кўкиш қиз — Сайёра, соқларини турмаклаб-тутиб олган, қошлари қалин дугонасининг исми Гулюз экан. Баҳодир деганлари ўша ўнг кўзи пир-пир учиб турадиган новча, чайир йигит, кўпчиган хамирдеккина оғайнисининг оти — Жаҳонгир! (Вой-бў-ўй!)

Мен ҳам қўйлак-чолворимни ечиб ташлаб бир парча лунгуда қолдим. Ахир, худо бериб, ановилар таклиф этиб қолишса, бажону дил давраларига қўшилиш ниятида эдим-да. Шу боис ҳам телевизордан тез-тез кўз узиб, ланг очиқ ҳужрам деразасидан мрамар ҳовуз ёққа умидвор-умидвор тикилардим.

Бир пайт Маржона йигитлар билан ҳиринглашиб уй ертўласига кириб кетди.

Қизиқсиниб қараб туравердим. Бир оздан сўнг улар бир жуфт чарм қошламали, энсиз, узунчоқ тўшак судраклаб чиқишди.

"Ҳа-а, шўрликлар-а, — деб ўйладим мен кулиб. — Тўшакча чўзилиб табиатга қайтишаркан-да... Бунинг учун уйдан чиқмай ётишса ҳам бўлади-ю..."

Мен Роза аний дамлаб берган кўк чойни эрмакка

хўшлаб-хўшлаб, телевизорга паришон термулиб ўтирарканман, дам сайин хужрамга сизмай борардим. Ҳануз ҳануз эс-хушим ҳовуз бўйида эди.

Бир пайт Маржонанинг таниш товуши жаранглади:
— Эй, охраник! Эй... бу ёққа қаранг!

Ўзимча бепарво деразадан бош чиқардим. Бироқ юрагим қинидан чиққудек тиширилди.

Шох-шаббалар орасидан чала-ярим кўриниб турган Маржона имлаган бўлди:

— Бу ёққа келинг, бизларга қарашворинг!

Тун. Ҳаво иссиқ, дим. Уй пештоқидagi чироқ чорбоғни ҳамшигадек ола-чалпоқ ёритиб турар эди. Кўк тўла гиж-гиж юлдузлар титкиланган кўрдаги чўелардек жимирлайди.

Улкан дарахт тагидаги юмалоқ стол устида мева-чева солинган идишлар. У ер, бу ерда пиво ичимлигидан бўшаган шишалар сочилиб ётибди. Ҳали очилмаган талай шишалар сув тўла тоғорага ташлаб қўйилган. Кичкинагина магнитофонда майин, маънос мусиқа янграмоқда. Баҳодир билан кўкиш кўз Сайёра ҳиринглашган куйи ҳовузда сузиб юришар эди. Гулюз эса чарм жилдли тўшак устида қуруқликка чиқиб қолган балиқдек чўзилиб, бепарво сигарет чекапти. Қумга қоришиб ётган Жаҳонгирнинг ҳам бир қўлида сигарет, бирида шиша, у гоҳ чекиб, гоҳ ичиб аллақандай кино ҳақида гап сотарди:

— ...Том Хенке жа қийворган. Ну, музика туфта...

Назаримда менинг ҳовуз бўйида пайдо бўлишимга ҳеч бири эътибор бермади.

Юмалоқ стол қиррасига қўл тираб, солланиб турган Маржона бепарво мева чайнаган:

— Бизга олов ёқиб беринг, илтимос, — деди.

Мен унинг самбитдек, яланғоч қоматидан аранг кўз уздим.

— Хўш... Ўтинни қаердан оламиз?

Товушим алланечук титраб, ҳирқираб эшитилганидан ўзимнинг жаҳлим чиқди.

— Ху-у, там, — деди Маржона чорбоғнинг қоп-қоронғу бир бурчагига ишора қилиб.

Чиндан-да чорбоғ деворининг тубига кесилган қари дарахтларнинг шох-шаббалари тахлаб қўйилган экан. Бир қучоқ кўтариб келиб ҳовуз бўйига шарақлатиб ташладим.

— Ну-у... даёшь! — деди чўчиб тушган Гулюз.

— Ока, кўп ўт керакмас, — дея гўлдиради Жаҳонгир пиво шишасини оғзига чоғлаб. — Итак ҳаво иссиғу-у...

Гулюз ҳам чўзилиб ётган жойидан тўлғониб уни маъқулаган бўлди:

— Так просто... экзотика учун озгина ёқинг, всё.

Балки бошқа вазиятда манави маҳмадонларнинг уриб бошини ёрган бўлардим. (Энг аввал "ока"нинг шўри қисарди!) Бироқ айни чоғ гоҳ балиқдек чўзилиб ётган Гулюз, гоҳ самбитдек Маржонага кўзим тушиб ғалати бир туйғуларга қоришиб қолган эдим. Титроғимни аранг босиб шох-шаббаларни уймаладим.

Шу пайт... Маржона шундоққина биқинимга чўнқайиб гугурт узатди:

— Мана, ёқинг.

Мен беихтиёр гугуртга қўшиб қизнинг иссиқ қўлларини ушлаб олдим. Юз-кўзларимга олов сачрагандай бўлди.

— Ҳозир... ҳозир ёқаман, — деб гўдрандим, Маржонанинг қалқиб чиққан сийналарини сонларига қарамасликка тиршишиб.

Бироқ гугурт қақишим анча қийин бўлди.

— Сув тегибди, шекилли, — деб қўйди Маржона қад ростлаб. Назаримда унинг ҳам товуши нам тортгандай хирллаб чиқди.

Охири, гугурт қақиб шох-шаббага тутдим. Ўтин қупқуруқ бўлса-да, имллаб оловларди. Ўчиб қолишидан чўчидимми ё беҳад ҳаяжонланганимданми, милт-милт ёна бошлаган хас-чўпни кўзлаб пуфлаб юбордим. Ўт гуриллаб ёна кетди.

— Ҳамма олов ичингизда экан-ку?! — дея шарақлаб кулди Маржона.

Мен ҳам илжайдим. Қўлларини белига тираб солланаётган қиз қоматига қош-кўзларимни қашлаган бўлиб панжа орасидан қараб-қараб олдим.

Олов гуриллаб ёнар эди.

Мен ўрнимдан турдим яна беихтиёр чўккалаб қолдим. Ахир... торгина лунгим бутун сиру синоатимни яширишга ожиз эди! Хайрият, бу орада Маржона магнитофон кассетасини алмаштириш билан овора экан. Гулюз ва Жаҳонгир куйиб-пишиб аллақандай қўшиқчини мақтаб туришарди.

Мен бир амаллаб ўрнимдан турдим ўзимни ҳовузга отдим. Албатта, гумбуллаб тоғ қулагандай бўлди. Энтикканча совуқ сувга шўнғир эканман Жаҳонгирнинг "ока, потише!", дегани элас-элас қулоғимга чалинди.

Ниҳоят, муздек сув ҳароратимни босди.

Оҳиста, суза-суза теварагимга кўз ташладим. Гулюз билан Жаҳонгир ҳануз ўзаро гап сотишарди. Маржона! У лов-лов ёнаётган гулханга термулиб қўлидаги шишадан ахён-ахён пиво хўпламоқда. Мунча чиройли-я?!

Мен шундагина Баҳодир анови Сайёра кўринмаётганини пайқаб қолдим. У ён, бу ён сергакланиб кўз ташладим. Худди излаётганимни сезишгандай ҳовузнинг нариги тарафидagi бир жуфт арча панасидан улар чиқиб келишди. Афғ-ангорлариди мамнун бир ифода. Улар бир-бирини қучган, эркалаган куйи шундоққина ҳовуз лабидан юра бошладилар. Туйқус Сайёра шўхлик билан Баҳодирни сувга итариб юборди. Йигит ҳовуз ичига қулай-қулай қизнинг ҳам қўлидан тортиб кетди. Икковлари ҳам қувноқ қийқиришиб ҳовузга шўнғишди.

Мен уларга халақит бермаслик учун ҳовузнинг бир бурчида туриб қолдим. Вужудимга хуш ёқаетган сувни тарк этгим йўқ эди. Тўғрироғи, ҳовуздан чиқсам, бу антиқа даврада қолишга бошқа баҳона тополмай хужрамга қайтишдан кўрқдим. (Йўқ! Ё, Хизр!)

Икки ошиқ-маъшук бир-бирига сув сачратиб ўйноқлаша кетди. Мен ўзимни яна-да чеккароқ олдим. Шу пайт Жаҳонгир ва Гулюз эътиборимни тортди. Улар шундоққина қўл узатсам етар жойда чўмилишган эди. Очирроғи, қиз сурила-судрала йигитнинг нақ биқинига келиб қолибди!

— Пошли, юр, — дея шивирлади Гулюз йигитнинг тирсагига сийнасини ишқалаб.

Мук тушган куйи сигарет тутатаётган Жаҳонгир оғир сўлиш олди.

— Уф-ф... барибир бўлмайдими-да.

— Бўла-ар... — яна-да эҳтиросли шивирлади Гулюз.

— Ҳаракат қилиб кў-ўр, даволандинг-ку...

— Гап бундамас... Сен билан духовний контакт йўқ...

— Бошқалар билан-чи? — серзарда пичирлади қиз. — Бироргасини элаган жойинг борми ўзи?

Жаҳонгир тагин оғир сўлиш олиб қиздан ўзини тортди:

— Дай покой, а...

— Твар! Иплос! — пичирлади Гулюз нафрат билан қум гижимларкан. — Менга бошқа яқинлашма! Шармандангни чиқазаман, показуха! Ҳаммага айтаман!

— Смoтpи, унаштирилганмиз-а...

— Ўчир-е! — қиз санчиб ўрнимдан туриб кетди.

Мен беихтиёр сувга шўнғидим.

* * *

Олов бир пастлаб, бир кўкка ирғишлаб ёнар эди.

Маржона шишадаги пиводан хўшлаб-хўшлаб ҳануз гулхан қаршисида, узунчоқ, йўғон гўла устида ўтирибди. Унинг хаёлларга фарқ кўзларида аланга аксланмоқда.

Баҳодир ҳовуздан чиққини дарахт шоҳига осиб қўйилган гитарасини олиб гулхан теварагидagi бўш стулчага ўтирди. Тинғиллатиб-тинғиллатиб ўзича чолғу пардаларини созлаган бўлди. Сайёра тоғарадаги шишалардан би-



рини очиб ичкиликдан қулт-қулт ҳўплади, сўнг Баҳодирнинг оғзига тутди.

Мен, албатта, тун бўйи ҳовузда қололмас эдим. Имиллаб қирғоққа чиқдим у таваккал гулхан ёнига бордим. Маржона... «ҳали ҳам шу ердამисан», дегандай менга таажжуб билан қараб қўйди.

Баҳодир оҳиста қўшиқ бошлади:

Ҳамма ёқда атиргул ис,

Ҳар нарсдан излайман маъно...

Ўзи озгин, новдадеккина бўлса-да тушпа-тузук овози бор экан, қурмағурнинг. Ҳатто, пирпираб турадиган кўзлари ҳам унга ярашарди.

Қулогимдан кетмайди исми,

Гулираъно, о, Гулираъно-о...

Мен гулханга бир-икки чўп ташлаб қўйган бўлдим.

Гулхоз даст туриб ўзини ҳовузга отди. Хомуш сигарет сўриб ётган Жаҳонгир ҳам бир зум тарадудланиб тургач, сирпанибгина сувга тушди.

Гулираъно, о, Гулираъно-о...

Бир пайт... қўшиқ оҳангига мос бош тебратиб ўтирган Маржона андак сурилиб менга гўладан жой берди! Оҳиста унинг ёнига чўқдим. Беихтиёр елкаларим қиз елкаларига тегиб кетдию қаршимдаги олов аъзои баданимга ўрмалагандай бўлди.

Гулираъно, о, Гулираъно-о...

Маржона ичкилиги яримлаб қолган шишани менга узатди. Ҳатто, қувноқ қош учуриб қўйди. Мен беихтиёр шишани қўлга олдим. Ҳалигина қиз лаблари теккан жойга лаб босиб суюқликдан қулт-қулт ютдим. Тахир бир таъм томоқларимни куйдириб ўтди.

Қўшиқ тамом бўлди. Баҳодирга муҳаббат билан термулиб ўтирган Сайёра йигитнинг тиззаларидан қучди.

Мен ачимсиқ суюқликни буткул сиққориб бўш шишани бир чеккага улоқтирдим. Шундагина зўр бериб ўз ўзимни чалғитишга, шундоққина биқинимдаги қиз баданини ҳис қилмасликка уриниб ётганимни пайқадим. Бироқ аъзои баданим қизитгандан қизиб, тобора чилдирмадай таранглашиб борар эди.

Шу орада сувга бир-икки шўнғиб чиққан Гулхоз икки шиша ичимликни қўтариб гулхан ёнига келди. Унинг ҳўл кўкрак халтаси сирғалиб, оппоқ сийналари деярли тошиб чиққан эди.

— Ким хоҳлайди? — деб сўради у шишалардан бирини даврага узатиб.

Мен беихтиёр қиз қўлидан шишани юлқиб олдим.

— Маржона, сенинг Санжаринг келмагани ямон бўлди-да, — деди Сайёра ҳануз Баҳодирнинг тиззасига тирғалиб.

Маржона бепарво қўл силтади:

— Да, он... доим банд.

Мен ютоқиб-ютоқиб тахир суюқликдан сиққордим: «Ким экан у, Санжар?!»

Олов сапчиб-сапчиб, чирсиллаб-чирсиллаб ёнар эди.

Баҳодир гитарасини тинғиллатиб янги бир хонишга шайланди. Жаҳонгир мук тушган куйи ўз қумлоғига қоршиб ётибди.

Мен ҳаш-паш дегунча шишани бўшатиб бир чеккага улоқтирдим. Алланечук тетиклик, жўшқинлик бутун вужудимга ёйилди. Гулхознинг оппоқ сийналарига, йўғон, силлиқ сонларига ошкора тикилдим. Қиз бу ҳолни дарров пайқайди. Ичкиликдан ҳўплай-ҳўплай қош учуриб, кўзларини сузиб қўйди.

Олов эшилиб-эшилиб, тўлғониб-тўлғониб ёнар эди.

— Санжаринг совчиларини юбордим? — дея Сайёра тагин Маржонага юзланди.

Маржона зардали қўл силтади:

— К чёрту... керакмас...

Баҳодир қувноқ тебранган куйи қўшиқ бошлаб қолди: *Энг гуллаган ёшлик чоғимда-а*

Сен очилдинг кўнгил боғимда-а...

Маржона илгис ўрнидан турди. Турдию сип-силлиқ

орқаларини шундоққина тумшугим тагидан диркиллаб ўтиб ўзини ҳовузга отди.

Шунда кўзим кўрди баҳорни,

Шунда юрак таниди ёрни-и...

Мен ҳам ўрнимдан турдим. Қўшиқ сеҳрига маст бўлиб ўтирганлар менга эътибор беришмади.

Олов чарх уриб, алангалари бир-бирига чирмашиб-чирмашиб ёнар эди.

Шундан бери тилымда отинг...

Маржона! Бир қувонч, бир интиқлик бутун вужудимни қамраб олган эди. Энтикканимча ҳовузга калла ташладим. Мўлжални аниқ олган эканман! Сув остида чалқанча сузаётган Маржонанинг ёнгинасида пишқириб бош кўтардим. Қиз чўчиб кетди. Мен ҳансираб бир қўлим билан Маржонанинг белидан қучдим, бир қўлим эса сув тагида қизнинг момиқ сонларини силади.

Маржона бир силтаниб қучоғимдан чиқди-да, ялт этиб юзимга тикилди. У шунча пайтдан бери мени эндигина кўриб тургандек эди!

— Чў, такой? — деб пичирлади у оғзидан сув пуркаб.

Бу пичирлаш бу хуркак қарашлар мени баттар жўштириб юборди. Энтикканча яна қиз томон интилдим.

Маржона ҳовузнинг нариги қирғоғига қараб сузди. Мен гулхан алангасининг ёғдуларида қиз юзларидаги нозли табассумни илғагандай бўлдим. Томирларимда қон тобора кўпирар эди.

Маржона таъқибларимдан қоча-қоча ҳовузнинг нариги лабига чиқиб олди. (Нур устига нур!) Мен ҳам бир сапчиб қирғоққа чиқдим. Шу орада Жаҳонгир анграйганича бизни кузатаётганини ғира-шира пайқаб қолдим.

Маржона қад ростлаб тагин қочнишга шайланди. У ҳаяжон ва қўрқувдан титрар, кўкраклари лоп-лоп кўтарилиб тушар эди.

— Нима қилиясиз?! — дея пичирлади қиз ҳансираб.

— Ҳозир бақираман.

Мен қулоч ёйиб интилдим.

— Маржона...

Шаштим баланд бўлса-да овозим барибир ҳирқираб чиқди.

Қизнинг катта-катта очилган кўзларида гулхан шуълалари ўйнақларди. У орқасига, ҳувв, икки туп арча томон тисарила бошлади. Мен бир сапчиб Маржонанинг билакларидан тутдим-да қучоғимга тортдим. Қиз тиширчилади. Мен лабларига лаб босдим, сўнг уни даст кўтариб арчалар панасига ўтдим. Бу ерда ўша чарм жилдли тўшакнинг бири ер парчин бўлиб ётган экан! Ҳануз типирчилаб, юлмоқлаб, қучоғимдан қутилишга уринаётган қизни тўшак устига босдим уютоққанча дуч келган жойидан ўйла кетдим.

— Қоржов ака, қўйворинг, Қоржов ака, жо-он ака...

Маржонанинг товуши тобора майинлашиб, нозли туюлмоқда эди...

* * *

— Зўрлаб қўйди-и! Номусига тегди-и! — Жаҳонгир жаҳонни бошига қўтариб бақирар эди.

Унинг жазавали чинқиришлари менинг шууримга анчадан сўнг — аҳтиросларим пича босилиб, эс-ҳушим тиниқлашгач бориб етди. Мен кўкракларимга юзини яшириб пиқ-пиқ йиғлашга тушган Маржонани ўшиб, эркалаб овута бошлагандим.

Қиз туйқус мени устидан итқитиб ташлади. (Билмадим, қайдан куч топди?!) Ҳойнаҳой, унинг ҳам эс-ҳуши тиниқлашиб, ҳовуз бўйида тўс-тўполон бошланганини англаб етган эди.

— Ташпа босиб номусига тегди! Ўлай агар, ўзим кўрдим!

Жаҳонгирнинг бўғиқ, таҳлика тўла товуши уй томондан эшитилди!

Кўп ўтмай «тап-туп» қадам товушлари, Бекқул Тўрақуловичнинг ғазабкор гуддираши, Илмира янгамнинг йиғ-

лоқи қарғашлари қулоқларимга чалинди.

Ашил-ташил латта-путтасини устига тортиб қад ростлаган Маржона ваҳимали пичирлади:

— Ҳлдим...

Қиз увв тортиб йиғлаганича гулхан томон чопди. Мен ҳам ўрнимдан сапчиб туриб теваракка алангладим. Олов ожизгина, титраб-қақшаб ёнмоқда эди.

Баҳодир ва Сайёра бир-бирининг пинжига суқилиб тек қотишган. Қўзлари тўла таҳлика, таажжуб.

Гулноз алланечук асабийлашиб у ён-бу ён юринар, аҳён-аҳён, гўё унинг номуси булгангандай узун-узун панжаларини юзига босиб бош чайқар эди.

— Қани?! Қани у итвачча?! — деб бўғиқ ўшқирди Бекқул Тўрақулович ҳовуз бўйига харсиллаб-дорсиллаб етиб келаркан. Устида опшоқ майка-иштон, қўлида гўшт чопқи, башараси ғазаб ва нафратдан бужмайган.

— Ва-ай, шўри-им! — дея чинқирди қоқила-сурила сув бўйида пайдо бўлган Илмира янгам ҳам. Унинг сочлари тўғин, устига чала-ярим кийган узун халати судракланган, қўзлари аланг-жаланг эди.

Маржона ҳануз увв тортиб йиғлаган куйи ўзини онасининг бағрига ташлади:

— Ойи-а!..

Эру хотин ўртасида бетоқат типирчилаётган Жаҳонгир ҳамон куйинчаклик кўрсатарди.

— Худо ҳақи, пойлаб бориб кўрдим! Номусига теғди! Дарров уйга югурдим...

Менинг бутун вужудимни қўрқув таҳликадан кўра уят ҳисси қошлаб олган эди. Юз-қўзларим мисдек қизиб кетган. Беихтиёр сирғалиб ҳовузга тушдим.

— Чик бу ёққа, ҳароми! — дея бўкирди Бекқул Тўрақулович менга кўзи тушиб.

У қўлидаги гўшт чопқини ҳаволатиб ҳовуз лабига бостириб келди. Сайёра чинқириб юборди. Баҳодир Бекқул Тўрақуловичнинг қўлига ёпишди:

— Домла! Ўзингизни босинг, домла! Ҳлдириб қўясиз?!

— Ҳлдираман уни! — баттар бўкирди Бекқул Тўрақулович тагин хезланиб. — Нонқўр, ифлос!

Гулноз ҳам чопқиллаб келиб ғазабкор отанинг елкасига осилди:

— Домла, тегманг! Жавобгар бўлиб қоласиз, у фирт маст!

Бекқул Тўрақулович ҳансираб андак орқага тисарилиди, бироқ ғазаб ва алам тўла қўзлари ҳануз менга қадалган эди.

— Ока, сувдан чиқинг! — деди Баҳодир менга қайрилиб. — Домланинг кўзига кўринманг.

Юрагим гуре-гуре урганича ҳовуз лабига чиқдим.

Илмира янгам қучоғида хиқ-хиқ йиғлаб ётган Маржонанинг сочларини силаб овутарди.

— Тинчлан, қизим, кўрима. Даданг милиция чақирдилар. Қамоқда чирийдди сени хўрлаган анови ислиқи...

Илмира янгам ногоҳ энгашиб ерда юмалаб ётган бўш ишпани қўлга олдию менга улоқтирди:

— Кўзгингга илоё тупроқ тўлсин, мараз!

Шипа ёнгинамдан учиб ўтдию ўша арчалар тубига пўкиллаб тушди.

Баҳодир ва Жаҳонгир қўярда қўймай уй томон етаклаётган Бекқул Тўрақулович ҳамон депсинар, хезланар эди.

— Қочаман деб ўйлама, ҳайвон! — бўкирди у елкаси оша менга ўқрайиб. — Ернинг тагидан бўлсаям топаман сен битлиқини!

Илмира янгам ҳам Маржонани силаб-сийпалаб оҳиста уй томон юришди. Сайёра ва Гулноз бир-бирининг пинжига тикилган кўйи ерга тикилиб боришарди.

Олов ўрнида лахча-лахча чўғлар тутаб ётар эди.

* * *

Мен хужрамда бош чангаллаб ўтирибман, Гоҳ-гоҳ жойимдан ирғиб туриб ўзимча у ён-бу ён юриб қўяман,

пушаймонлар билан гувранган бўламан. Аслида... на қувонч ўқинч, на афсусу на қўрқув бор эди менда. Юрагим бўм-бўш, онг-шуурим музлаган.

Уй зинапоясига Баҳодир ва Жаҳонгир чекишиб, ўзаро “ғунг-ғунг” гаплашиб туришибди. Менга қоровул улар. Уй ичкарасида аҳён-аҳён Бекқул Тўрақуловичнинг алланималар, деб қаҳрли ўшқиргани, Илмира янгамнинг ҳасратли қарғанишлари эшитилиб қолади. Икки-уч бор Маржонанинг аччиқ-аччиқ йиғлагани қулоғимга чалинадию юракларим сирқираб кетди.

Мен, отам айтгандай, ҳаммаси бинойигина, осуда кечаётган гўзал, лаззатли лаҳзаларнинг не сабаб тўс-тўпо-лонга эврилганини англашга уринардим. Тусмолимча, Жаҳонгир чиндан-да бизни пойлаган. Кўнгли тортганича томоша қилиб тургану, бизнинг эс-ҳушимиз хираллашиб, қўзлар кўрмай, қулоқлар эшитмай қолган пайт аюҳаннос солган. Гулхан теграсида ўтирганларни ҳангу манг қолдириб уй томон чопган, ҳайҳотдек зални бошига кўтариб чинқирган. Оқибатда...

Ичкарида Маржонанинг зорланиб йиғлагани яна юрак-бағримни ўртаб ўтди. Бекқул Тўрақуловичнинг таҳдидли ўшқирғи эшитилди:

— Ёз, ҳаммасини ёз! Қайсарлик қилма, у ифлоснинг жойи турма! Ҳозир наряд егиб келади, тезроқ ёз!

— Ёзақол, қизим, уялма, — Илмира янгамнинг қақшаб ялингани элас-элас эшитилди. — Биладан, айбинг йўқ, анови қутирган буқага бас келиб бўлармиди. Ёзақол, қизим, уялма...

Тун ярмидан ошган. Кўк тўла юлдузлар маънос-маъзун милтирашади. Чорбоғ алланечук хурпайиб, уй пештоқидати чироқ ёруғидан хижолат чекаётгандек кўринади. Адлқад тераклар энгил эпкиндан штирлашиб, гўё тунги сирлар ҳақида шивирлашар эди.

Бир пайт дарвоза ортига гуруллаганича машина келиб тўхтади. Тўхтадию қоронғулик қатига тегдай санчилган фара ёдулари сўиди.

Машина шовқинидан сергаклаган Жаҳонгир ичкарига югурди. Лаҳза ўтмай бўсағада ҳануз оқ майка-оқ иштондаги Бекқул Тўрақулович (ё, ҳазрати Хизрмикан?!), довдираган куйи пайдо бўлди. У қоқила-сурила бориб дарвозани очди.

— Ассалому алайкум, домла...

Дарвоза ортидан Бақоевнинг таниш товуши эшитилди. У икки нафар барваста, уйқусираган милиция ходимини чорбоққа бошлаб кираркан, Бекқул Тўрақуловичга бош-оёқ таажжубли-таажжубли тикилди.

Домла миқ этмай уларни ичкарига бошлади.

— Телефонда овозингизни эшитиб кўрқиб кетдим, — дея минғирлади Бақоев. — Дарров нарядни олдим у бу ёққа ҳайдадим...

Бақоевнинг товушида ғира-шира қувонч шарпалари сезиларди. Афтидан, Бекқул Тўрақуловичдай улуг устоз ҳам ташвишга йўлиқиб унга иши тушганидан мамнун эди.

* * *

Эшик-дарвозалари темир панжарали милиция машинаси ниҳоят манзилга етди. Қўлларим орқага кишанланганидан ҳўб азият чекдим.

Икки ходим менинг сирғалиб машинадан тушишимни бетоқат қутиб туришди. Ерга оёқ босар-босмас теваракка бир қур аланглаб олдим.

Баланд темир панжара билан ўралган, электр фонслардан чароғон ҳовли. Ҳовлида ранг-баранг автоуловлар, у ён-бу ён жонсарақ ўтиб қайтаётган яккам-дуккам мундирли ходимлар кўзга ташланади.

Биз шундоққина қаншаримиздаги баланд, ойнабанд иморат томон юрдик. Бақоев илдам қадамлар билан йўл бошлади. Икки милиция ходими мени ўртага олишган.

— Эй, кўп аланглама, — деб қўйди улардан бири бизинимга туртиб.



Ичкарига кирдик. Бақоев эшиги тепасига “Навбатчилик қисми”, деб ёзиб қўйилган, ҳаммаёғи ойнабанд, темир панжарали хужранинг туркишидан бош суқди. Алланечук Роза анийнинг ошхонасини эслатиб юборадиган бу ойнабанд бўлмадаги сон-саноқсиз телефонларнинг бири қўйиб, бири жиринглайди, уч-тўрт ходим уйқули товушда қўнғироқларга жавоб беришади.

Бақоев ўзидек мўйловдор, баджаҳл капитан билан анча пайт гаплашиб қолишди. Капитан қалин, кирчил дафтарга алланималарнидир ёзди.

Анчадан сўнг яна карвон бўлиб жўнадик. Бақоев сарбон, икки ходим ўртасида мен. Гоҳ кенг, гоҳ тор йўлақлар бўйлаб, баъзан зиналардан чиқиб, баъзан тушиб борардик. Онда-сонда қаршимизда учраб қоладиган ходимларнинг баъзилари Бақоев билан шунчаки бош ирғаб саломлашса, баъзилари қуюқ сўрашиб, икки-уч оғиз хангомалашиб қолишади.

Ниҳоят, чироқлари хира, зах ва чиркин ҳид уфуриб турган, ертўлатоб жойда пайдо бўлдик. Ёнимиздаги эшиклар маҳкам кулбадан гоҳ инграган, ўқирган товушлар, гоҳ қутуриб бўкиришлар, сўкинишлар эшитилади.

“Видеосалон, шекилли?” — лип этиб хаёлимдан ўтди менинг. Хувв, бир пайтлар худди шундай ертўла нўсха жойда кино томоша қилганимизни эсладим.

— Эй, у ёққа анграйма, тезроқ юр, — деб тўнғилади орқамдаги ходим.

— Кино бўлаяптими, дейман-а? — беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди менинг.

Икки ходим маъноли кўз уриштириб тиржайиб қўйишди. Сўровим қулоғига чалинган Бақоев елкаси оша мен томон кўз ташлади.

— Ҳа, маданий ҳордиқ чиқаришяпти. Сенга ҳам эртаиндин билет тегиб қолар.

Шу пайт семиз, янақси бурун, қисик кўз сержант қаршимизда юмронқозикдек қад ростлади.

— Бўш камера борми? — сўради ундан Бақоев.

Сержант ҳорғин, асабиий бош чайқади:

— Йў-ў... Ҳаммаси-лик.

— 99-ни оч-чи, — деди Бақоев андак ўйланиб тургач.

Сержант лапанглаб йўл бошлади.

Тор, пастқам йўлакнинг ҳар икки тарафида қоп-қора, темир эшиклар тизилиб кетган эди. Бетон деворнинг у ер-бу ерида бўртиқ, қалин лампалар алланечук кирчил, хира шўғла тарайди. Ҳаммаёқ ғалати бир ваҳима, таҳдидга бурканган.

Бақоев хўмрайган қўйи менга яқин келди:

— Ҳолингдан кимга хабар берайлик?

Кўз ўнгимда ота-онам, ака-опаларим бир қур чапнар уриб ўтдию чўчиб кетдим.

— Керакмас, — дедим шоша-пиша. — Ҳеч кимга айтманг.

Бақоев тиржайиб бош чайқади:

— Йў-ўқ, яқинларингга хабар беришимиз шарт. Адвокат тоғиб сени ҳимоя қилишсин, адолатли қонунларимиз талаби шундай.

Шу пайт хаёлимга Тоштемир ака келди. Айтдим.

— Ҳа, анови тренери? — деди Бақоев чехраси андак ёришиб. — Бўпти, унга хабар бераман.

* * *

Орқамдан оғир, темир эшик гумбураб ёшилди. Бўсағада бир зум гангиб туриб қолдим. Камерада қўланса ис анқиб ётарди. Эшик пештоқидаги лампанинг ўткир ёруғидан кўзлар қамашади. Қалин бетон қоплама ерда ҳар хил ҳашоратлар ўрмалаб юрибди. Камеранинг икки ёнида ётоққа мўлжалланган икки ёғоч сўри. Айни авжи саратон бўлишига қарамай камера захкаш, муздек.

Мен жирканиб у ён-бу ён аланларканман, ўнг бурчақда буришибгина номоз ўқиб ётган йигитчага кўзим тушди. (Ҳойнаҳой, гуноҳлари меникидан-да оғир бўлса

керак, тавбага зўр берибди). У бир парча матони жойномоз ўрнида тўшаб олган. Сажада пайти бетон қопламага қаттиқ урилган, шекилли, ёрилган қош-қобогидан қон силқиб турибди, юзлари моматалоқ.

Йигитча номозини тугатиб чўк тушган жойидан тураркан, менга бош ирғаб салом берди.

— Ассалому алайкум.

Беихтиёр у билан қўл бериб кўришдим.

Ёғоч сўриланинг бирига у, бирига мен ўтириб анчагина жим қотдик.

— Сизни... нега қамашди? — сўрадим охири ўнғайсизликдан қутилиш учун.

Йигитча жилмайиб елка учирди:

— Шу... 159-модда... диний масала бўйича.

Мен унга анқайиб қолдим. Очиғи, эскигина қўйлагининг у ер-бу ерига қон доғлари теккан бу йигитчанинг икромига ишонгим келмади.

Ҳа, жамиятда шариат ҳукмрон бўлишини талаб қилиб ҳукуматнинг гашига тегиб юрган бир диний жамоа ҳақида эшитганман. Бироқ уларни кўзлари ғилай, тишлари сўйлоқ, хунукдан хунук махлуқлардай хаёл этардим, тўғривоғи, матбуотдаги таъриф-тавсифлар менда шундай тасаввур уйғотган эди. Аммо... қаршимда ҳали она суги оғзидан кетмаган, хушрўйгина йигитча ўтирарди.

— Ҳайрон қараб қолдингиз, ё ишонмадингизми? — сўради у хижолатланиб.

— Йў-йў, — дедим шоша-пиша, — ишонаман.

Жимжамалоқдай ҳолига бутун бошли давлат билан олишиб юрган бу йигитчага боқдим у не бир сабабдан бу тўшага келиб қолганимни эслаб уялдим. (Эсиз жасад, эсиз бўй...)

— Сизни нега опкелишди? — сўради йигитча.

— Шу... — хижолатли гўдраним, — моддасини билмайману... зўрлашса, номусни булгашда айбланаман.

Йигитча афсус билан бош чайқади:

— Чатоқ бўпти-ку... — сўнг ўйчан қўшиб қўйди. — Аммо... лекин тушунмадим, йўқ нарсани қандай булғдингиз?

Мен “пиқ” этиб кулиб юбордим. Бироқ йигитчанинг ҳануз ўйчан турганини кўриб дарров лаб-лунжимини йиғиштириб олдим.

Тағин бир оз жим қолдик. Ҳамхонам қон силқётган қовоғига латта босди. Мен қаршимдаги алланечук улғувдор, хотиржам қиёфали йигитчанинг дидига мос гап излардим ўзимча.

— Мен... мен ҳазрати Хизрни кўрганман, — дедим, ниҳоят калламга келган фикрдан қувониб.

— Ҳа-а, шунақами? — деди йигитча ёлғондакам ҳайратланиб. — Қачон? Номусни булгаётганда эмасми, ишқилиб?

Мен бу гал баралла қаҳ-қаҳа уриб кулиб юбордим. Ҳамхонамининг ғалати бир ўткир сўзлиги, самимияти кўнглимда завқ-шавқ уйғотди. Йигитча ҳам кулгимга жўр бўлди. Кулгиларимиздан бетон деворча зириллаб кетди.

Ногоҳ темир эшик қулфига шарақ-шуруқ калит солинди. Биз бир-биримизга таажжубли тикилдик.

Эшик бўғиқ данғиллаб очилди.

— Нима гап?! Қанақа шовқин? — ўшқирди ичкарига бостириб кирган ўша янақси бурун сержант, қўлидаги резина таёғини ҳаволатиб.

— Хизр кўрдик, — дедим мен унга пешвоз туриб.

Сержантнинг семиз, япалоқ юзига таҳлика оралади.

— Нима? Қанақа Хизр?! — деди у теваракка аланглаб. — Бу ерга ҳеч ким кириши мумкин эмас!

Йигитча пиқ-пиқ кулиб юборди. Мен ошкора “хо-хо”лаб ўтириб қолдим.

Ҳануз таҳлика билан аланглаётган сержантнинг резина таёғи ҳавони шувуллаб кесиб ўтди.

* * *

Эртаси куни чошгоҳга яқин Тоштемир ака билан учраштиришди.

Мени бошлаб чиққан милиция ходими тепасига “Учрашув хонаси” деб ёзиб қўйилган эшик ёнида оёқ илди.

— Кир! — деди у пўриллаб. — Ўн минут вақт.

Кирдим. Ичкарида ранг-қути ўчган Тоштемир ака у ён-бу ён асабий юриниб турарди. Ўртада мактаб партасини эслатиб юборадиган стол, ёғоч ўриндиқ.

— Қоржов! — деди Тоштемир ака истар-истамас мен билан қўл бериб кўришаркан. — Гирт тентак экансан-ку?! Шарманда қилдинг одамни. Ҳаммаси чинми ўзи?

Мен бош ирғаб қўйдим.

Тоштемир ака ёғоч ўриндиққа бўшапганича чўкди:

— Уф-ф... иш чатоқ. Шўргинанг қисди энди, ука!

Дарров отанга хабар берамиз.

— Керакмас.

— Керак! — Тоштемир ака стол устига тарсиллатиб урди. — Олдини олиб гаплашмасак, қамоқда чирийсан. Ўвв, Бекқул Тўрақулович билан ҳазиллашма!

— Мен Бекқул Тўрақулович билан ҳазиллашганим йўқ.

Тоштемир ака нижинган қўйи ўрнидан туриб кетди:

— Сен серрига гап уқтирганнинг ўзи аҳмоқ... Яхши...

Сен қисибгина тур, ўзим ҳал қиламан ҳаммасини...

* * *

Изатим ошиб кетди-ёв... Қайга чақиртирса икки ходим ўртага олиб кўриқлаб боради-я?!

Тоштемир ака билан қизариб-бўзаришганимиздан сўнг, кўп ўтмай, терговчи хузурига чорлабди.

Жўнадик. Мени тагин узун йўлақлар бўйлаб етаклаб, обдон тинкамни қуритишди.

Терговчининг қора дерматин қопламали эшиги қия очиқ экан. Олдимга тушиб ҳардамхаёл бораётган қотмагина сержант ичкарига бош суқиб деди:

— Мумкинми, ўртоқ майор? Олиб келдик!

Ичкаридан Бақоевнинг таниш товуши эшитилди:

— Кирсин!

Эшик ланг очилди. Орқамдан ходим биқинимга нуқиди:

— Юр!

Ичкарига кирдим юрагим темирчининг босқонидай гуре-гуре ура кетди: “Маржона!”

Ҳа, адашмагандим. Сап-сариқ, ялтироқ стол ёнидаги стулларнинг бирида Маржона қимтинибгина ўтирарди. Соңлари ёйиқ, устида бир парчагина кофта-юбка, чарм сумкача билан яширишга беҳуда уринаётган опшоқ соңлари бир-бирига қапишган.

Маржона мени кўрдию сапчиб ўрнидан турди. Тура-тура калта юбқасини пастроқ тортган бўлди, кўзлари пир-пираганича ерга қадалди.

— Маржонахон, кўрқманг, ўтиринг, — деди тиржайиб Бақоев.

Мен уни погонлари кирчил йилтиллаган хизмат мундирида илк бор кўришим эди. Терговчи хона тўрида, ҳар хил қоғозу папкалар тахлаб қўйилган иш столи орқасида ястаниб сигарет чекар, қуюқ дудга кўмилган куйи кўзларини қисиб қиз қоматига суқ билан тикилар эди.

— Гражданка Тўрақулова, ўтиринг, — деб такрорлади Бақоев қалин мўйлови остидан кинояомуз ўншайиб. — Бу ерда ҳеч қанақа хавотирга ўрин йўқ.

Маржона қисиниб-қимтинибгина жойига ўтирди.

Мен гоҳ ярим яланғоч қизга, гоҳ Бақоевнинг суқли, ҳирсли нигоҳларига кўз қиримни ташларканман, ҳалигина ширин бир ҳаяжон, қувонч қоплаган юрак-бағримни беаёв ғазаб, алам куйдира кетди. Қўлларим мушт бўлиб тугилди, тишларим гижирлади.

Терговчи ичкарига бош суққанимдан бери менга қиё ҳам боқмай, ўзича безътибор ўтирарди.

— ...хуллас, балиқ ови зўр бўлди, — деди у қизга, ҳой-наҳой, ташрифим туфайли узилиб қолган гурунгни давом эттириб. — Дадангиз ҳам, биз ҳам хурсанд...

Маржона гўё игна устида ўтирарди. Хаёллари пари-

шон, кўзлари хона бўйлаб кезмоқда. Терговчи эса тиржайиб, сузилиб қиздан суқли, ҳирсли кўзларини сира узмас эди.

Мен бир гувраниб қўйдим.

— Кечирасиз, — деди Маржона туйқус терговчининг ҳикоясини бўлиб. — Мен... кетишим керак.

Бақоев оғир сўлиш олиб сигаретини кулдонга босаркан, гудранди:

— Яхши... тезлаштирамиз.

Бақоев пишиллаб стол устидаги папкалардан бирини очди. Қош-қобоги уюлди.

— Ўвв, — деди у дабдурустан менга ўкрайиб. — Гражданин... Толмасиф... Сен Тўрақулова Маржона Бекқуловнинг шикоят-аризасига кўра... жиноят кодексининг... та-ак, тегишли моддасига кўра зўрлаб номуста тегишда айбланасан. Мен шикоят-ариза эгасини, — терговчи қизга имо қилиб қўйди, — сен билан юзлаштириш учун чақиртирганман...

Мен ҳануз ғазаб ва аламдан бўғриқиб турардим. Қай-гўрагидир бош олиб, улоқиб кетгим келарди. Бир амаллаб хонадан қиқиб кетишим учун баҳоналар излардим. Ногоҳ, ўқув юртида ўқиб-ўрганганим — айбланувчининг ҳақ-ҳуқуқлари гира-шира эсимга тушди.

— Ўртоқ терговчи, — дедим аранг титроғимни босиб, Бақоев папка титкилаб бир зум жим қолган пайт. — Ўзимни ноқуш сезапман, ҳозир ҳеч қандай савол-жавобга қурбим йўқ.

Терговчи кинояли ҳиринглади:

— Нега? Бошқа нарсаларга қурбинг зўр эди-ку?

Шу пайт Маржона ҳам ўрнидан туриб кетди:

— Мен ҳам ҳозир ҳеч нарса хоҳламайман, — деди у антикиб. — Тобим йўқ, кўнглим айниаяпти.

Бақоев бир менга, бир Маржонага таажжуб билан тикилиб қолди. Маржона икковимизнинг ўртамазда нафрат олови ёнаётганига, ҳатто, юзма-юз туришга-да тоқатимиз йўқлигига буткул ишонди, шекилли, афт-ангорида мамнун бир ифода пайдо бўлди.

— Бемалол, — елка учирди терговчи, — адолатли қонунларимиз бунга йўл қўяди, — сўнг ясама норозилик билан тўнғиллади. — Хўш, қачон тобларингиз бўлади, азизларим! Ишни тезлатиш керак, вақт зиқ.

— Эртага, — пичирлади Маржона ерга тикилиб.

Бақоев менга кинояли тикилди:

— Сиз-чи, жаноб? Эртагача қурбингиз келиб қолар-а?

Мен бош ирғаб қўйдим.

* * *

Пешиндан сўнг яна учрашувга олиб чиқишди. Қўлимни кишанлашга чоғланган сержант таажжубланди:

— Нега мушт тугиб олясан? Қўлингни ёй, бўш қўй!

— Ишқилиб ўзини бир бало қилмоғчи эмасми бу?! — деб тўнғиллади иккинчи милиционер камера ичини хавотир билан кўздан кечираркан. — Авзойи бузуқ.

Сержант ҳиринглади:

— Ҳали эрталабки терговда Бақоев сал-пал думини босиб қўйди-ёв.

Мен миқ этмасдим.

“Учрашув хона”сида Тоштемир ака чарм портфель қўлтиқлаган бир боди билан кутиб турган экан.

— Бу киши сенинг адвокатинг, — деб таништирди устозим. — Фирдавс Шамс. Еган-ичгани қонун, не-не каллакесарларни ҳам сувдан қуруқ чиқарган.

Фирдавс Шамс қилпинглаб, менга таъзим қилиб қўйди. Жилмайди. Ҳатто, бўялгандек қоп-қора қош-кўзларини муқом билан ўйноқлатган бўлди.

— Шу улғ инсон вақти зиқлигига қарамай сенинг ҳимоянга отланди, — деб қўшиб қўйди Тоштемир ака. — Энди бу ёни ўзингга боғлиқ.

Адвокат ёғоч ўриндиқ устига, обдон “пуф-пуф”лаб ташлагач, оҳиста чўкди. Жигар тусга бўяб қиялатиб-



қиялатиб таралган сочларини назокат билан сидаб қўйди.

— Полвоижон ука, — дея гап бошлади у алланечук ингичка, майин овозда. — Сиз менга ҳамма-ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб беришингиз керак.

Фирдавс Шамсининг афт-ангирию галати товущи гап кўнглимни баттар ғашланттирди.

— Нимасини айтаман, — деб тўнғилладим истар-истамас. — Ҳаммаси чин... шундай бўлган.

— Ай-ай, укагинам, — деди адвокат таманио билан. — Камина ҳамма тафсилотларни икир-чикиригача эшитиши керак.

— Ўрлик қилма, гапириб бер, — тўнғиллади Тоштемир ака ҳам.

Ноилож, чуқур бир тин олгач, гап бошладим.

— Шу... кечки пайт домланинг қизи ўртоқларини бошлаб...

— Бу ёғини биламиз, полвоижон ука-а, — гапимни бўлди адвокат баттар тантиғланиб. — Сиз... сиз қизга қандай ташландингиз, шулар ҳақида айтиб беринг... Шовилманг, томчилатиб-томчилатиб гапиринг...

— Озгина пиво ичгандим...

— Пиво-мивоитиз ҳам керакмас, нақадар жирканч...

— Эсам нимани гапирай, — энсам қотди менинг.

Фирдавс Шамс сип-силлик қиртишланган иякларини кафтига тираб, қанд шимиб лаззатланаётган боладай кўзларини сузиб, юққа лабларини ялаб-ялаб қўйди:

— Бирдан жунбушга келиб қизини тўшингизга тортдингизми? Ё-ё, аввал силла-аб... сийпаладингизми? О-о, поза қанақа эди, поза, бу жудда-а муҳим. Қиз тагингизда қийқириб юбордим, ё-ё... инқилладими-и...

Бирдан миямга қон тешиб, жаҳл билан ёғоч ўриндиқдан туриб кетдим.

— Ҳеч нарса айтмайман. — Тоштемир акага юзландим мен. — Анча бунақа адвокат керакмас.

Тоштемир ака кўзларини пахса қилиб ўшқирди:

— Ишга зарил бўлгандан кейин сўрайди-да!

Мен газабимни аранг босиб эшик томон юрдим.

Фирдавс Шамс ҳануз тамшанган куйи ортимдан қараб қолди.

* * *

Тонга яқин кўзим илашибди. Туш кўрдим чоғи.

Тавба, шаҳарнинг қоқ киндигидаги чорраҳада ўтовимиз тикилган эмиш. Тўрт тарафда машиналар серқатнов, Бекқул Тўрақулович, Фирдавс Шамс, Бақоев ва яна аллақимлар ёнбошлаб ётишибди. Ҳиринг-ҳиринг кулаётган Тоштемир соқининг қўлида шиша. Бироқ дастурхон йўқ. Ўртада мен қип-яланғоч ҳолда чўзилиб ётган эмишман. Тоштемир соқи гоҳ-гоҳ қўлидаги шишадан оғзимга ичкилик қуяди. Атрофимдаги тўда ҳиринглашиб, пичирлашиб мени томоша қилармиш. Ногоҳ эрининг орқасидан Илмира янгам пайдо бўлди: “Маржона қани, яшшамагур?!” Мен ҳарчанд уринсам-да ҳеч ўрнимдан туролмас эмишман. Уятдан гужанак бўлиб қолибман. Бир пайт ўтов эшиги ланг очилиб отам кириб келди. Бошида шиша, бўйнида гулдор галстук, устида беқасам чопон. Ланг очик эшиқдан қип-яланғоч Маржонага кўзим тушди! У ўтов ёнидаги қари итнинг бошини сидаб эркалатарди. “Маржона! Қоч, буларнинг кўзига кўринма, қоч, жоним!” дея ҳайқирдим мен. Бироқ овозим шунчалар заиф, бўғиқ эдики, қичқиргимни ўзимдан бўлак ҳеч кас эшитмас эди. Бир пайт Фирдавс Шамс киндигимдан пастга чанг солди. Бақоев китоб билан бошимга урди...

Чўчиб кўзимни очдим. Камерадаги ёғоч сўридан қулабман. Бетон қопламасига теккан бошим зирқираб оғирди. Шундоққина қорнимдан сидирлиб тушган кулранг каламуш жон ҳолатида қочиб қолди.

Анча пайт ерда гангиган куйи ўтирарканман, томоқларим қуруқшаб, юрагим гур-гуре уриб ётганини сездим.

Тушга яқин мени яна терговчининг хонасига бошлаб кеттиди.

“Маржона келган...” — ўйладим юрак-бағрим сирқираб.

Кўз ўнгимда лоп этиб қизга суқли-ҳирсли тикилаётган терговчи жонландию оёқларинг чалишиб мункиб кетдим. Олдимдаги сержантни сузиб юборишимга сал қолди.

— Шонма, улгурасан ўша ёққа, — деди у менга қайрилиб.

Орқамдаги қоровул ҳиринглади.

Мендан миқ этган садо чиқмаган бўлса-да, хаёлан бақириб-чақириб борардим:

“Ўртоқ терговчи, ҳаммасини бўйнимга оламан. Юзлаштириб овора бўлманг. Маржонани тинч қўйинг, нима гапингиз бўлса, ўзимга айтинг, қизга бақраймай, тушундингизми, Маржонага олайманг. Муштларимни кўряпсиз-а, энди ҳеч нарсадан қайтмайман...»

Сержант ўша таниш, қора дерматин қопламали эшик ёнида тўхтади. Мен бепарво, хотиржам бўлишга минг бир тиришсам-да барибир ҳаяжонлана бошладим. Ҳалигина миямда пишитиб, кира солиб терговчинга тўкиб солишга чоғлаган даъволарим тумандай тарқаб кетди.

— Эй, кир! — деди сержант менга, ичкарига бош суқиб рухсат олгач.

Алланечук изтироб, интиқлик ичкарига итариб юборгандай бўлди мени. Бўсагадан додир-совдир оёқ оширдиму кўз қирим билан уни изладим. Қани Маржона?! Наҳотки, енг-этаклари узун кўйлакка ўралашиб ўтирган анови қиз ўша?! Ана, илҳақ-илҳақ мен томон қаради, Маржона!

Маржона мени кўрдию ўрнимдан турди. Сарғишга мойил юзлари гулгун қизариб худди кечагидек ерга тикилди. Узун-кенг, кўкиш кўйлаги унга ғоят ярашган эди.

“Кеча рашқдан қон ютганимни сезган экан-а?!” — шу хаёл онг-шууримга чақмоқдай урилди. Энтиқдим. Ичинимдан қайнаб-тошаётган қувончимни яширолмай, кўзларим билан қизни эркалаб беихтиёр илжайдим.

— Тавба, бу қанақа туриш? — деди Бақоев бир менга, бир Маржонага норизо тикилиб. — Ўтиринг, Маржона-хон. Ўвв, сен са-ал лаб-лунжингни йиғиштириб ол. Ҳали биргалашиб куламин.

Терговчи тажанг бир қиёфада иш-папкани олдига тортиб очишга тутинди.

Деразанинг кулранг пардаси ортида кондиционер ишлаб турганиданми, ҳар қалай, хона салқин эди. Ҳаяжону қувончининг зўридан терлаб кетган белларимга муздек эпкин тегарди. Мен тез-тез, ихтиёрсиз равишда Маржонага кўз ташлардим: “Кўнглимдагимни тошибди-я?! Мени тушунибди...”

Назаримда Маржона ҳам мен томон термулишни хоҳлардию, бироқ богинолмасди.

— Хўши... — деди Бақоев томоқ қираб олиб. — Гражданин Толмасов Қоржов Чоршанбиевич, адолатли қонунларимизга кўра, жинойт кодексининг тегишли моддаси билан сизга жинойи иш очилди. Сиз, Толмасов Қоржов, жинойи зўравонликда, номусни булғашда айбланасиз. — Асос — ҳурматли ва азиз фуқароларимиздан бирининг шикоят-аризаси. Бу ерда, ҳатто, баъзи бир гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам бор. Хўши... керак пайти уларни ҳам албатта чақирамиз. Мен ҳозир шикоят-аризани ўқиб, таништираман...

Бақоев сурранг, нижимтоб варақдаги битикни қирот билан ўқиш учун тагин томоқ кириб олди.

Шу пайт безовта ўтирган Маржона терговчи томон қўл чўзди:

— Кечирасиз, шонманг...

— Хўши? — деди таажжубланиб Бақоев. — Тинчликми?

— Керакмас, ўқиманг...

— Нега?

— Керакмас, — деди Маржона лаблари титраб. — Мен... аризамни қайтиб оламан.

Бақоевнинг қош-қобоғи уюлиб кетди. Курсисига бу-

тун оғирлигини ташлаб қизга саволчан-синовчан тикилди.

— Ўйлаб гапиряписизми, Маржонахон?! Бунинг оқибати нима бўлишини биласизми?

— Билишни ҳам истамайман.

Бақоев асабий тарзда сигарет тутатди.

— Оқибати сиз учун, оилангиз учун шармандалик, — деди терговчи захарханда билан. — Манави махлуққа эса яшил чироқ. Сувдан қуруқ чиққач яна бирортасини бориб босади. Сизга шу керакми? Бунга ўхшаганларнинг кўзини жойига келтириб қўйиш сизу бизнинг бурчимиз эмасми?

— Мен аризамни қайтиб оламан! — деб такрорлади Маржона қатъий оҳангда. — Менга морал ўқиманг.

Бақоев аразлаган боладай тумшайди. Бош чайқаб “уф” тортиди.

— Бу қарорингиздан дадангиз хабардормилар? — деб сўради у яна кинояли илжайиб. — Кейин пушаймон бўлиб юрманг-а.

— Ўзим шуни хоҳладим.

— Маржонахон... шошманг, мен дадангизнинг олдиларидан бир ўтай, кейин гаплашамиз, хўп?

Маржона ижирганиб ўрнидан турди.

* * *

Ё, ҳазрат Хизр, тушимми, ўнгим?! Учрашув хонасида мени Роза аний кутиб турган экан. Онамни кўргандай севишиб кетдим. Бажонидил уни қучиб эркаланар эдим у кирланиб, анча-мунча қўланса ҳид анқиётган уст-бошимдан уялдим. Йўқ, Роза аний ҳеч бир ирганмай елкамдан энгилгина қучиб, пешонамдан ўпди, сўнг қулоғимдан тортиқлаб койинган бўлди:

— Ух, ты хулиган. Тез ўтир, томоқ совиб қолади.

Мен шундагина учрашув хонасининг ўша мактаб партасига ўхшаш столи чорбоғ дастурхонидай безатилганини пайқадим. Апил-тапил тўшалган газета устидаги оби нонлар, ширинликлар, айниқса, чинни косадаги буғи чиқиб турган димлама иштэхани қитиқлаб юборди.

Ўтирдик.

— Овора бўлибсиз-да, — дедим астойдил, егуликларга интилиб. — Домилла билса сизни хафа қилади.

— Не переживай, — қулди Роза аний, — ўзлари юборишди мени.

Чала чайнаб ютаётган ноним томоғимга тиқилиб қолаёзди. Оқсоч аёлга анграйдим: “Йўғ-е?!”.
Роза аний меҳрибонларча елкамга қоқиб қўйди:

— Ҳайрон бўлма, овқатингни еявер, ҳаммасини тушинтираман ҳозир.

Димлама ҳил-ҳил пишган экан. Ҳаш-паш дегунча чинни косани яримлатдим.

— Поттише, тиқилиб қоласан, — деб қулди Роза аний, сўнг пичирлаб гап бошлади. — Ўша кеча...

Ўша тун мени милиция олиб кетгач, эру хотин роса типирчилаб қолишибди.

Қаҳру ғазаби анча мунча босилиб, эс-ҳушини йиғиб олган Бекқул Тўрақулович хотинига ташвишли тикилган эмиш:

“Бекор қилдик-да...”

“Ҳа, шопилдик, дадаси шопилдик!” — дебди ҳовуридан тушиб, ақли тиниқлашган Илмира янгам ҳам.

“Бу иш шов-шув бўлиб кетса...”

“Ва-ай, шўрим, шарманда бўламиз-ку?!”

“Шу ифлосни қаматиб нима наф топардик-а? !Кўчанинг йигитларига шишиб қўйсам олам гулистон эди!”

“Сиз ҳам қонуний бўлсин, дедингиз-да, дадаси”.

“Ҳа, тўғри, мен фақат қонунни тан оламан, уфф...”

“Эртагаёқ дело очилади, тергов, суд... ва-ай, всё, ҳамманинг оғзида сақич бўламиз...”

“Қизингизга оғиз солиб юрган дўстларга нима деймиз?”

“Ваҳх...”

“Уф-ф...”

“Ишни тўхтаттиринг, дадажониси, ўлгур Бақоев билан эртагаёқ гаплашинг...”

“Шошма-чи... Маржонанинг ўзини юборсак... Қизинг аризасини қайтиб олса, тамом, ҳаммаси қонуний...”

“Тўғри... как раз эртага Маржонани юзлаштиришга чақиради...”

Ҳамма гап-сўзларни ётоғида эшитиб турган оқсоч аёл сув ичиш баҳонасида залга чиқибди. Саросимаю таҳликада ўтирган эру хотин Роза анийдан ҳам маслаҳат сўраган эмиш.

“Роза, — дебди Бекқул Тўрақулович болаларча мунгайиб. — Сен ҳаётда кўп машаққат кўрган, оқида аёлсан. Маслаҳат бор».

“Ҳа, йигитни милицияга топшириб хато қилдингиз, — дебди Роза аний. — Но, не поздно, биргина йўли бор”.

Эру хотин оқсоч аёлни оғзига илҳақлик билан тикилишибди.

“Только, хафа бўлмасангиз айтаман», — дебди Роза аний.

Бекқул Тўрақулович асабий қўл силтабди:

“Э, тезроқ гапирсанг-чи, қанақа хафагарчилик...”

“Жо-он, аний...” — мўлтирабди Илмира янгам ҳам.

“Шу йигитни куёв қилингиз, всё. Ҳеч ким ёқ этмайди...”

Илмира янгам қурсидан санчиб туриб кетган эмиш:

“Как эта та-ак. Чўпонлар билан қуда бўламанми?!”

Лекин бека аёл бутун чорасизлигини ҳис этиб, тагин увв тортиб йиғлаганича ўтириб қолибди.

“Қўй, қуйинма, — хотинини овутган бўлибди Бекқул Тўрақулович. — Одамларни камситиш яхшимас, мен ҳам оддий деҳқон оиласидан чиққанман-а...”

Роза аний пайтдан фойдаланиб отга қамчи босган эмиш:

“Полвон бола, по моему ямон эмас... отличный йигит, свежий, здоровый...”

...Мен димламани паққос туширдим. Ялаб-юлқанган чинни коса югандай зиёда ялтираб қолди. Ҳам лаззатли хўрақдан, ҳам қулоққа хуш ёқар гаплардан маза қилдим.

— Кеча кечкурун чорбоққа Бақоев келди, — дея тагин пичирлашга тушди Роза аний. — Тажанг, сердитий...

Бекқул Тўрақулович ўз шогирдини хушомад билан кутиб олган эмиш. Қулоққина зиёфат устидаги суҳбат ҳам қулоққина кечибди.

“Энди-и... биз шундай ноқулай аҳволга тушиб қолдик, — деганмиш Бекқул Тўрақулович чайналиб. — Жаҳл келса ақл кетар, дегандай... сал-пал қизишиб наряд чақиримиз. Энди-и... ўзингиздан қолар гап йўқ, шу ишни тинчитиб гум-гуре қилинг... ортиқча ғавағо тоқатимиз йўқ...”

Бақоев улоқни олдирган чавандоздай сўнарибди:

“Ҳм-м... тушунарли. Бугун қизингиз аризани қайтиб оламан, деб хархаша қилганди... Бу сиздан чиққан фикр экан-да...”

“Ҳа... умуман... шундай, десак ҳам бўлади», — деб мингирлабди устоз шогирдига мўлтираб термулганича.

Терговчи Бекқул Тўрақуловичга синчков-саволчан тикилиб тиржайган эмиш:

“Ихтиёрингиз, домла... ҳаммасини қонуний ҳал қилса бўлади, лекин... идорада баъзи бировлар бу ишдан хабардор-да... ўшаларни тинчитиб, оғизларни ёпиш керак”.

“Қаррақдай очилган оғизларни ёпинг, мана, биз харажатга тайёр. Қанча керак?»

Бақоев ўзича хижолатомуз қийшанглаб, қисилиб-қимтиниб нарх айтибди.

Бекқул Тўрақулович “крутий” суммани эшитиб ранги қув ўчса-да, тақдирга тан берган эмиш:

“Бўпти, биз роза...”

Лекин шогирд норизо қиёфада анча пайт тумшайиб ўтирибди. Унинг дардини пайқаган устоизи секин пичирлаган эмиш.

“Хизматингиз қадрланади, ука... ҳалиги илтимосингизни бир ой ичида ҳал қиламан...”



Бақоевнинг бирдан қош-қовоғи очилиб, қалин мўйлови остида қулғу пайдо бўлган эмиш.

“Сиз доно, улуғ одамсиз, устоз, — дебди терговчи қадаҳларга ўзи ичкилик қуйиб. — Сиз учун хизмат қилиш бизга бахт».

Устоз қадаҳни шунчаки лабига тегизиб қўйибди.

“Раҳмат...”

Бақоев иштаҳа билан овқат кетидан овқат еб алла-маҳалгача қолиб кетган эмиш шу кеча.

“Домла, — деб минғирлабди у кетар чоғи кекира-кекира, — ҳаммаси сиз хоҳлагандай бўлади. Ну... анови тўнгиз яна ўн-ўн беш сутка тазирини еб ётса яхши бўлар-да... шунчаки профилактика учун...”

Бекқул Тўрақулович сирли илжайибди.

“Ў-ў, укагинам, ҳақорат қилманг-а бировларни. Бу йити сиз ўйлаганчалик ёмон эмас...”

Бақоев бақадай бақрайиб қолибди.

...Мен термосдаги аччиққина чойдан бир шиёла ич-гач, ширинликларга ташландим.

Роза аний юзларимга меҳр билан тикилиб кўз қисиб қўйди.

— Қалай? Совчиларинг тайёрми?

Мен лаззатли таомдай бутун вужудимни яйратиб ётган қувончни яширишга ўлиб-тирилдим.

— Э-э, бизга йўл бўлсин, — деб ўзимча тўнғилладим, бир бўлак шоколадни томоғимга ташлаб. — Ота-оваси кўнсаям, барибир Маржона менга тегмайди.

— Нега?

— Мени севмайди. Ёмон кўради...

Роза аний шарақлаб қулиб юборди. Мен чўчиб учрашув хонасининг темир эшиги томон юзландим. Йўқ, қоровул резина таёқ ўйноқлатиб кириб келмади.

— Успокойся, — деди Роза аний қулгудан аранг тутилиб. — Охрана ўзимиздан, гаплашганман.

— Нега қуляпсиз, аний? — деб сўрадим ўзимча ўйчан, жиддий. Кўзларим хона деразаси ортидаги темир панжарага ўйноқлаб келиб қўнган бир жуфт мусичада эди.

— Қулмай бўладими? Эх, сиз-молодёжь... қўл ушлашиб кинога киришни, сайр этишни любовь деб ўйлайсиз.

— Нима, бу севги эмасми?

— Йў-ў... бу шунчаки детский эрмак, ҳавас. — Роза аний тагин туйқус шарақлатиб қулиб юборди.

— Севги нима эса? — сўрадим мен ҳам беихтиёр хиринглаб.

— Кўз очиб кўрганни аёл зоти бир умр унутмайди, вот... бу севги! Ҳамма гап шунда, уқдингми?

Роза аний елкаларимга шўхчан турткилаб, яна баралла қаҳ-қаҳ уришга тушди.

Хуркиб учган мусичалар чарх уриб ўйноқлай кетишди.

* * *

Камеранинг оёир, темир эшиги орқамдан одатдагидек гүмбурлаб ёпилгач, Роза аний ҳалигина кула-кула чўнтагимга солиб қўйган, қат-қат буклоғлик варақни қўлимга олдим. Хат экан.

“Қоржов ака, ҳаммаси учун мени кечиринг. Бугун аризани қайтиб олдим. Қўрқманг, эвазига сиздан ҳеч қачон, ҳеч нарса талаб қилмайман. Ҳеч қанақа даъвоим, эътирозим йўқ. Сизга фақат севинч тилайман. Маржона”.

...Хатни тонг отгунча қайта-қайта ўқидим. Гўё Маржона шундоққина қучоқларимда шивирлаётгандек эди. Нописанд чимирилган ингичка қошлар, эҳтироска лиммо-лим юшқа лаблар, эркаликка, инжиқликка мойил қуралай кўзлар тонг отгунча қорачиғимда қотиб турди. Юрак-бағрим соғинчу интизорликдан ўртаниб-ўртаниб кетди. Тонгта яқин хатни чайнаб-чайнаб ютиб юбордим.

* * *

Бақоев ўзи истаганидек “ўн-ўн беш сутка профилактика учун” мени камерада сақлай олмади. (Қонун барибир қонун-да!) Орадан уч кун ўтиб навбатчи ходим

аллақанча расмиятчиликлардан сўнг мени идора эшигидан чиқариб юборди.

Дарвоза ёнида Тоштемир ака машинасини ўнгариб кутиб турган экан. Устида жинси кўйлак-чалвор, оғзида сақич, қўллари белда.

— Ў-ў, Қоржовбой укам! — дея хитоб қилди у, мен томон қулоч ёйиб келаркан. — Сенинг Хизр кўрганнинг чин, полвон!

Биз бағрлашиб кўришдик.

Шу пайт машина ёнида илжайиб турган қўй қумологидеккина қоп-қора, юм-юмалоқ, тиканак соч дўстим Ҳусанга кўзим тушди. Юрагим алланечук орзиқиб унга ташландим.

— Айтганча, отанг ҳам келган, — деди Тоштемир ака машинага ўтирарканмиз.

Юрагим яна орзиқиб, сирқираб кетди:

— Қани отам?!

— Бизникида... Аччиққина кўк чой ичи-иб ўтирибдилар. Бовани сарсон қилиб юриш ноқулай-ку, тўғрими, ука?

Йўқ, отам аччиққина ўйларга чўмганча қуюқ оқ оралаган соқолларини тутамлаб ўтирган экан. Устарада қиртишланган бошида ола дўппи, устида энглари узун шалвираган сарғиш кўйлак, гижим шим.

Отам бизни кўрдию каловланганича ўрнидан кўзғолди.

— Ота... — дедим аранг, бўғзимга бир хўрлик данакдек тиқилиб.

Отам бўйнимга беҳол осилган қўйи ҳирқираб йиғлаб юборди:

— Болам...

Тоштемир ака ҳам ҳоли забунимиздан бир зум музстар тортиб, сақич чайнамай, мунғайбгина қараб турди. Энтикиб, эмраниб фотиҳа тортидик, ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Ота, қачон келдингиз? — деб сўрадим ичим туз қуйгандай ачишиб.

Тоштемир ака бизларни бир зум холи қолдиргиси келди, шекилли, алланималарни баҳона қилганича Ҳусанни ҳам етаклаб меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Отам дастрўмолига юз-кўзларини артди:

— Тўрт кун бўлди, болам. Тоштемирбойнинг одами-дан хабарни эшитиб... Ҳусанбой билан жўнай бердик-да.

— Тўрт кундан бери шу ерда ўтирибсизми?

— Ҳа, Тоштемирбой барака топсин. Мен бечорани судракламай, сен учун кечаю кундуз ўзи чошиб юрибди. Худога шукр, ишининг ҳал қилди.

— Кечаю кундуз чопди, дейсизми?

— Ҳа. Тингани йўқ, кўпайгур. Терговчи, оқловчи, деганлари билан тиллашди, шуларнинг қўнғилини тонди... Биладан, берган уч-тўрт сўмим гўрам бўлгани йўқ. Барака топгур, ўз ёнидан харажат қилиб...

Бақоев не сабаб “профилактика учун” мени сақлаб тургиси келганини эндигина англаб етгандай бўлдим. “Улар отамни кутишган!” — шу хаёл бутун борлигимни тиедай тилиб ўтди.

Ногоҳ бостириб келган газаб-нафратдан кўз ўнгим қоронғулашди.

— Ота... — дедим аранг, бор ҳақиқатни айтиш илинжида оғиз жуфтлаб.

Шу пайт меҳмонхонага Тоштемир ака қайтиб кирди.

— Қоржовбой, — деди у қафтларини бир-бирига ишқалаб. — Ванна тайёр. Би-ир мириқиб чўмилиб, кийимларни алмаштиринг. Кеча сиз учун Ҳусанбой билан бош-адоқ саруно опкеддик. Атанг, сизни янгангиз кўрмади-да, болаларни олиб қишлоққа кетганди. Янгангизнинг ҳам сизга атаган совғалари бор эди.

— Ҳеч нарса керакмас, — пўнғилладим унга зимдан ўқрайиб.

Тоштемир ака хоҳолаб, елкамдан қучиб қўйган бўлди.

— Нозланманг, куёв бола. Қани, тезроқ чиқиб кетинга бу ердан, биз бова билан би-ир маслаҳат қилайлик. Сиз эшитманг, уят бўлади-я?!

“Ҳаммасидан хабардор-ку бу тулки?!” — ярқ этиб хаёлимдан ўтди менинг. Беихтиёр ирғиб ўрнимдан турдим. Ҳалигина қонимни қайнатган ғазаб, алам ўрнини аланечук ҳаяжон, қувонч қоплади.

* * *

Бекқул Тўрақуловичнинг чорбоғига совчиликка кетган отам билан Тоштемир ака кечга яқин шоду хандон қайтишди! Қайгўрдандир Бақоев ҳам қош-мўйловлари табассумдан ёйилиб уларга илашибди.

Отам! Ҳалигина қайғудан мунгайибгина ўтирган қария, дўшисини дол қўйиб, қўлларини белига бодиларча тираб, чапдаст йигитлардек чақнаб турар, бир гапириб ўн кулар эди.

Ҳусан иккимиз хонадон йўлагида довдираганча туриб қолдик.

Отам бир зум юзларимга меҳр билан термудди-да, манглайимдан енгилгина ўпиб қўйди. Шундагина унинг оғзидан ароқ ҳиди келаётганини пайқадим: “Ичиришибди-да...”

— Ў-ў, Қоржовжон! — дея хитоб қилди Бақоев мени қучоғига тортаркан. — Табриклаймиз, ука, табриклаймиз.

Тоштемир ака ҳам елкамга осилиб чўли-чўли ўпа кетди:

— Чин кўнгилдан қутлайман, менинг асл укагинам. Иш битди, улоқ сенда.

— Қанақа улоқ? Нима билан табрикляяпсизлар, тушунмадим? — дея тўнғилладим, шилимшиқ қучоқлардан қутулишга уринарканман.

Акахонларим бир-бирига ялт этиб тикилишди:

— Ҳали беҳабар-ку, а? — илжайди Бақоев.

— Сюрприз! — ҳиринглади Тоштемир ака.

Сўнг иккови ҳам баббаравар яна менга ёпишиб ялаб-юлқашга тушишди.

— Сен Бекқул Тўрақуловичнинг суякли куёвисан энди! — хитоб қилди Тоштемир ака ҳаяжондан ял-ял ёниб. — Чин юракдан табриклайман!

Бақоев жиддий эътироз билдирган бўлди:

— Ўғиллари деяверинг, ўғиллари! Яхши куёв лобой ўғилдан азиз, тўғрими бова? — терговчи ҳансираб отамга юзланди.

— Тўғри! — баралла ҳайқирди отам. У мастона довдираганича меҳмонхонага кириб борарди. — Қоржовни домилла-арбобга топширдим!

Бақоев кўзларимга эҳтиром билан тикилди:

— Ана, айтмадимми? Домлага чин ўғиллик муборак, Қоржовжон!

Мен зўраки илжайиб бош ирғаб қўйдим.

Тўрт хонали, данғиллама уй қувноқ қийқириғу ғала-ғовурдан данғиллаб кетди.

Меҳмонхона тўрига ястаниб, дунёни забт этган жаҳонгирдай ёнбошлаб ётган отам аҳён-аҳён менга мамнун ва мағрур тикилиб қўяр эди.

— Энди-и, укажонлар, би-ир маслаҳат, — дея виқор билан гап бошлади у, икки ёнида икки вазирдек қўр тўққан Бақоев ва Тоштемир акага бир-бир кўз ташлаб. — Шаҳарнинг урф-одатини билмадиму... бизнинг овулларда унаштириш ҳам ярим тўйи. Мен эртага сахарлаб жўнаб кетаман. Тараддуни ка-атта қилиб, насиб бўлса, жума куни яна қайтаман. Домилланикига тўй ҳайдаб борамиз, би-ир зиёфат берамиз. Қалай? Сизлар менга зарил нарсаларни рўйхат қилиб беринглар. Мен ҳаммасини етказиб келаман. Қалай?

Отамнинг ҳар бир сўзини бетиним бош ирғаб маъқуллаб ўтирган терговчи ва тренер (мени жер!) баббаравар қийқириб юборишди:

— Гап йўқ, бова!

— Ҳимматингизга қойилмиз!

— Энди-и, гап бундай, бова, — деди Тоштемир ака эшилиб-тўлғаниб. — Бугун оламшумул воқеадан ярим шаҳар хабардор бўлди. Бекқул Тўрақулович билан қуда бўлганингиз не-не кўзурларнинг қулогига бориб етди! Ҳозир бир гуруҳ казо-казо оғайниларимиз шу ерга етиб келади. Биз аллақачон телефонлашиб қўйганмиз. Биргалашиб анави хиёбондаги ресторанга чиқамиз. Бу зиёфат мендан! Йў-йў-ў, бош чайқаманг, бова, Қоржовбой, менинг энг қадрли укам-а, уят бўлади! Ҳамма харажат ўзимдан.

Бақоев ҳам қўлини кўксига қўйиб гапни илиб кетди:

— Нима?! Қоржовжон менга бегонами? Харажат мендан!

Шу пайт эшик кўнғироғи устма-уст, шўх-шўх жириглади.

— Ана, айтдим-ку, ҳозир етиб келишади, деб! — Тоштемир ака ирғиб турдию йўлакка отилди. Бақоев ҳам ишқ-ишқ билан ўрнидан қўзғолди.

Дарҳақиқат, эшик очилар-очилмас бир тўп шўх-шодон меҳмонлар ичкарига ёприлди. Улар орасидаги баъзи бировлар кўзимга ғира-шира танишдек туюлмоқда эди. Айниқса, хувв, ўша куни чорбоғда меҳмон бўлган тепакал, қабоқлари қалин, “сахройи” шаҳарлик экани яққол кўриниб турган нухсани дарров танидим.

— Об-бо, сизлар йўлдан қочини! — дея ҳайқирди у, пешвоз чиққан терговчи ва тренери ёлгондакам пўписа билан икки ёнга суриб. — Бизнинг Олпомиш қани? Юлдузни бенарвон урган жиянни бир кўрай...

Интизор “тоға” мени эҳтиром ила тўшига тортиди.

— Табриклаймиз, жиян, — деди у тобора тўлқинланиб. — Муваффақиятлар билан табриклаймиз. Бекқул Тўрақуловичдек одамнинг назарига тушиш осонмас...

“Бекқул Тўрақуловичга совчи бормагани, шекилли”, лип этиб хаёлимдан ўтди менинг.

Шу орада димоғимга урилган таниш атир-упа ҳиди табрикловчилар тўпида Фирдавс Шамс ҳам борлигидан дарак берар эди. Афсуски, у қўлтигидаги ўша ялтироқ портфели касридан мени қучоқлаб ўполмади.

— О-о, қутлуғ бўлсин, қутлуғ, — дея ҳиринглади Фирдавс Шамс хийла вақт қўлимни силкилаб тураркан. — Улуғ оилага қариндошлик муборак. Камина сизни буюк келажақ билан қутлайди.

Тагин талай тилакларга кўмилиб йўлакда гангиганча туриб қолдим.

Негадир бозордан қайтган отасининг қўлида ўзи истаган ўйинчоқни кўрмаган боладай ўксиндим. Шундагина уй тўла одамлардан бутун вужудим ташна бўлиб турган бир сўзни илҳақ кутаётганимни пайқадим.

Меҳмонхона ғала-ғовурга кўмилди. Бақоев ва Тоштемир ака бири қўйиб-бири олиб совчилик тафсилотларини кўпиртириб-кўпиртириб гапиришга киришган, йиғилганлар эса ҳайрату ҳаяжон билан уларнинг оғзига тикилишган эди.

Уй тўрини эгаллаган отам меҳмонларнинг олқишу қутловларига мамнун-мамнун илжайган куйи бош ирғаб, гоҳ-гоҳ ўзи ҳам алланималар, дея мақтаниб ўтирарди.

— Амо-лекин, — дея тилга кирди меҳмонлардан бири. — Бекқул Тўрақулович жуда мардлар. Хувв, катта қизининг сенига яп-янги “Жигули” қўшиганига, мана, ўзим гувоҳ.

— Бу куёвларига бутун бисотларини хатлаб бермоқчилар, — дея қийқирди Тоштемир ака.

Бақоев тагин жиддий эътироз билдирди:

— Ўғилларига, денг, ўғилларига.

Шу орада ўша қалин қобоқ “тоғам” Бекқул Тўрақуловичнинг қайсидир куёвим, қариндошимиз аллақандай амал курсисини оп-осон эгаллагани ҳақида андак ҳасад, андак ҳавас билан гапиришга тушди.

“Ва-ай...”, “Я, худойим”, — деган ҳаяжонли хитоблар ила Фирдавс Шамс уни қўллаб-қувватлар эди.

Мен пойгакда ичимни ит тирнаб омонатгина ўтирдим. Барибир мен кутган воқеа содир бўлмади!

Юрагимга шилимшиқ бир гашлик оралаб ўрнимдан турдим у йўлак томон юрдим. Меҳмонхонада ғала-ғовур тобора кучаймоқда эди.

Бир пайт кимдир кўйлагимдан тортқилаётгандай бўлди. Дўстгинам Ҳусан экан.

— Бир соатдан бери турткилайман, — деди у астойдил ўпка-гина билан. — Бир қараб қўяй, демайсан-а, ҳалитдан...

— Кечирасан... меҳмонларга чалғиб... нима дейсан?

Ҳусан юзларимга ғалати бир мутеълик, хокисорлик билан термудди:

— Қоржов, чин дўстмиз-а?

— Ҳа.

— Бурнинг кўтарилиб кетмайди-я, бизни унутмайсан-а энди?

— Йў-ўқ, — дедим тобора энсам қотиб.

— Биласан-ку... ҳеч омадим чопмаяпти, ҳалигача ўқишга илашганим йўқ, — деди Ҳусан аҳтиром билан қўлларимдан тутиб. — Жо-он, жўра, шу сезон ҳам қолиб кетмай. Сен бир оғиз айтсанг...

Қадрдон дўстнинг қоқ оғзига қулочкашлаб туширгим келиб кетди. Хайрият, шу пайт йўлакда узиб-узиб жинглаб қолган телефон эс-ҳушимни ўзига тортди.

Шант билан гўшакни кўтардим.

— Алло... эшитаман, ал-ло...

Бир оздан сўнг телефон гўшагидан энтиккан, титроқли бир товуш келди.

— Қоржов ака... Овозингиздан дарров танидим. Трубкани ўзингиз олишингизни юрагим сезганди...

“Маржона! Менинг Маржонам!” — бутун онг-шууримда чақноқ чаққандай бўлди.

— Маржона! — дедим юрагим тошиб. — Менга... менга жуда-жуда кераксан. Ҳозироқ кўрмасам бўлмайди сени...

Маржона эркаланиб кулди:

— Келинг... кутаман сизни, умрим бўйи кутаман. “Бахт” боғининг дарвозаси ёнида турибман. Қаердалигини биласиз-а?

— Биламан...

* * *

Мен йўлак бўйлаб ҳансираганча югургилаб борардим. Дов-дарахтлар, парча-парча осмон кўз ўнгимда лоплоп чайқалар, онг-шууримда бир ҳайқириқ, бир ўкирик чарх уриб айланар эди.

“Маржона меники бўлди, эрка, мағрур қиз меники! Севганимга етдим-ку, ахир, одамлар?! Нега Қоржовни шундай бахт билан қутламайсиз, биродарлар? Ў-ў, Кенгсой, ў-ў, сирли, қадрдон дашт, ўша учрашув учун сенга ташаккур! Эй, мулла Мирза боважоним, ўша тилак-дуолар учун минг-минг қуллуқ сизга! Бошқа ҳеч касдан бундай тилак, бундай қутлов эшитган эмасман ҳали. Бугун суйганим бағримда, мулла боважон, насиб этса, никоҳни ҳам ўзингизга ўқитаман, ўзингизга. Бошқа ҳеч кимга ишонч қолмади, мулла боважон! Мени яна дуо қилиб туринг, менга мадад сўраб туринг. Энди бу ёғи, ё, Оллоҳ...»

Мен шошқатор қўйилаётган кўз ёшларимни артиб-артиб олдим.



Ўроз ҲАЙДАР

ЮЛДУЗЛАРНИНГ КҮМУШИ ТОВУШИ

ШОН

*Ҳандалак ҳидига қшининг кунида
Бошқоронғу бўлган аёл сингари,
Кўжда ой сузадир ялдо туниди —
Зулмат йти билан қовушган пари.*

*Шир яланғоч ойнинг чатнашидан боз
Порлар юлдузларнинг кумуши товуши.
Ҳадемай ой кундуз остонасига
Ечиб қолдирганди тонги қовушин.*

* * *

*Жиндай хато қилсам, олмаққа қасос —
Ёқамни йиртмаган одам қолмади.
Хўжайин мушугин тишт дебман бехос,
Неча бор элакка элаб солмади.*

*Гулга қўл чўзгандим тирнади тикан,
Ҳар не юмуш борки оғирдир тошдан.
Дунёда осонроқ юмуш йўқ экан
Қафасдаги қушни масхаралашдан.*

КҮЧАНИНГ ГАПИ

*Бемаҳал ёққан қор — кўчанинг гапи,
Гарчи саратондир, совқотар қуёи.
Дарахтлар тушида қорни кўради,
Адашган қулонлар тортади ювош.*

*Девор йиқилмаса-да, қимирлайди ер,
Пўпанақ отади шаффоф хаёллар.
Осмон манглайдан томчилайди тер,
Жаҳонгир қайтгандай букчаяр толлар.*

*Барчасин кўрарга кўзлари йўқдир,
Одамман деганнинг юлади патин.
Кўчанинг гапини отаси йўқдир,
Ўнта онаси бор кўчанинг гапин.*



* * *

Сотиб қўйдим сўнги донимни,
Сувдонимда тугади сувим.
Чархпалакка солиб жонимни,
Айронида пишади қувим.

Дейсан: сенсан мум қотган нола,
Полапондай учолмай силсан.
У, айрони ачимас бола,
Тегирмоннинг тошидай зилсан...

Қўрғонимда бегона итдек,
Теваракка боқғум ётсираб.
Чақилмаган чақмоқ каби лек,
Ёлвормайман кўкдан ўт сўраб.

Ҳа, барчаси тамом, тугади,
Оч одамга ўхшайди ҳаёт.
Нени сўйиб сўйганинг сари,
О, шунчалик туюлади ёт.

СОЯСИЗ ОДАМ

Сизни мақтамайман, тилимни кесинг,
Қўлимни қўлтиққа урган одамман.
Чархингиз тошида жонимни эзинг,
Ўжарга ўжарман, мардга ҳотамман.

Ахир, сочиқ эмас менинг юрагим,
Артгали кўп шошманг кир қўлингизни.
Хали ким учундир бордир керагим,
Йўлимдан ахтарманг ўз ўйлингизни.

Сизнинг соянгиз йўқ, қувиб солгансиз,
Соя ҳам оёқдан тортишин англаб.
Танлаш ҳуқуқини берсами Сизга
Нусха олардингиз ўзингиз танлаб.

ИҶҚЛОВ

Йўқ энди Назар Шукур,
Йўқ энди Чори Аваз.
Яшайтсан, қил шукр,
Ўлимга қўйма ҳавас.

Ўлим — улғу, улғунгни
Олурсан эрта ё кеч.
Улаш жонга кулгунгни,
Ўзингдан ўкинма ҳеч.

Дўст йўқ, ўзингдан бошқа,
Ўз гўринг ўзинг билан.
Қалбинг — ёлғиз сағана,
Шарт эмас ёқмоқ гулхан.

Ота-онанг гилдандир,
Сен тупроқ зурриёди.
Олам уммонин ёқур,
Сув парилар фарёди.

Бир қуш учар чирқираб,
Ёзгириб ҳаққа тағна:
Ердан икки шоирга
Топилмади бошпана.

МАСЛАҲАТ ОШИ

Маслаҳатсиз пишган бу ошини,
Ким пиширди, пазандаси ким?
Йўқотгандай ҳамма бошини
Тагин кўзсиз тикилади жим.

Тўйдан дарак йўғ-у, ким еди
Маслаҳатсиз маслаҳат ошин.
Чеккага ёз жарима энди,
Қара, ҳар ким қашийди бошин.

Пазанда кўп, маслаҳат-чи йўқ,
Ҳар ён ҳар ким олиб кетган бош.
Дўстим, баъзан (кўнглинг бўлсин тўғ),
Арзон эрур маслаҳатдан ош.

ПАКҚОС

Ойнаи жаҳонга қарар эр-хотин,
Икки креслода — иккита кутб.
Ана, қаршилайди фильмда икки
Ошиқ бир-бирини гул билан кутиб.

Аёл шивирлайди: “Сизни соғиндим,
Сизсиз зерикарли яшамоқ, жоним”.
Эркак кучиб дея: “Сизга интилдим,
Сиз тундаги ойимсиз, отмаган тонгим”.

Кресло гичирлар, гўдранади эр:
“Қани шу эркакка айлансам ҳозир”.
Хотин тўлғонади унсиз, безовта:
“Шу аёл мен бўлсам бўлмасмиди, а?!”

БАХТИЁРЛИК

Жилмаясан ўзингча хушнуд,
Худди бугун теккандай маош.
Кўп севинма, ўзинг бардам тут,
Бахтиёрлик — ичилмаган ош.

Катта қўча ўзимники деб
Дуч келганга отаверма тош.
Баъзан пахта тегса ёрилар,
Тош текканда ёрилмаган бош.

Мулзам тортма, гапирдим - қўйдим,
Қуёш каби кўтар бошингни.
Ичгил энди, ичавер энди,
Ичилмасдан қолган ошингни.

ХУДБИН

Кетмон тутмай янтоқ чопар у,
Лой қоримай ясар гувала.
Ой юзига чиммат ёпар у,
Гар булут йўқ, ёғдирар жала.

Тигсиз асо йўнади дарров,
Тошни тирнаб тўзгитади чанг.
Бир зум тўхтаб, бир зум мабодо
У севган нарсани севмасанг.



Зулфия ҚУРОЛБЎЙ қизи

ТАФАККУР

Ҳикоя

Бу ерларнинг ёзи иззатталаб бўлади, кечикиброқ келадигу, вақтлуроқ кетишга шошилади, гўё қутғувчиларнинг бадиға уриб кетмай дегандек; ёз гирд атрофини тепаликлару, ундан нарисиди пурвиқор тоғлар билан қуршалган дашт қишлоқни бир қур кўздан кечиради-да, баҳор пойига илашиб қолган яшил этакларини йиғиб олиб олисларга кетиб қолади. Куз келар-келмас олтиндек товланаётган бийдай далалар ёзнинг ортидан унсиз қараб қолгандек туюлади.

Кеч кузакдан то баҳор оёқлагунга қадар ярмигача захлаб ётган тувала уйларнинг деворлари селгишга-да базўр улғуради. Қишлоқдан бир неча қақирим нарида яна бир овул бор. Ундан наридаги қияликдан сўнг яна биттаси... Лекин уларни қишлоқ деб ҳам бўлмасди. Аҳолиси кўпи билан ўттиз-қирқ хўжалик чиқар.

Сиртдан қарагандаёқ зерикарли эканлиги кўриниб турган бу қишлоқдаги ҳаёт тарзи ўша қишлоқ деб атаб бўлмайдиган — қишлоқчалардан кўп ҳам фарқ қилмасди. Бунда ҳам томи шиферланган уйлардан кўра лойсувоқ томлар кўп учраганидан ташқари уйларнинг бири тепароқда, яна бири пастликда, тагин биттаси қияликда жойлашувлари ҳам бир-бирларига ўхшаб кетарди. Қишлоқ гирдида қад кўтарган тепаликлар бағрида бир вақтлар шарқираб оққан булоқларнинг кўзи аллақачон бекилган, фақат биргина чалажон булоқдан нимдошгина сув сизиб чиқар, аммо қишлоққа етиб келар-келмас, чўпон-чўлиқларнинг бўғовига дуч келиб, ярим йўлда қўлмак ҳосил қилганди. Қўлмакки, ичида қурт-кумурсқа, чувалчангу қурбақалари бисёр. Подага қўшилган сигирларнинг тез-тез зулуқлаб туриши ҳам шундан. Ҳар бир ҳовлида қудуқ бор эди. Қадимда битта қудуқнинг суви камида икки авлоднинг чанқоғини қондирган бўлса, эндиликда сув тортилиб, ер остига тушиб кетаётгандек қудуқлар тез-тез қуриб қоларди.

Дов-дарахт камчил эди, кўкламда унган гиёҳлар бир лаҳзалик, саратонга ҳам етиб бормасдан қуриб-қовжираб қолганидан, ҳовлилар тақир бўлиб ётарди. Экин-тикинларнинг баракаси учган, аммо лалми ерга экилган буғдой гуркираб ўсарди.

Қишлоқ одамларининг тили қипчоқ лаҳжасида эди. “Соф жўқчи”лар деб бир вақтлар шу ернинг одамларини айтишар-

ди. Лекин ҳозир “соф”ликка ҳам андак путур етган, етмиш яшар чолу кампирлар тилида “сапсим”, “не тўлка” каби сўзлар тез-тез учраб турарди.

Фақат биргина истисно мавжудки, бу нарса ушбу қишлоқнинг нуфузини бошқаларга нисбатан анча юқорилаб қўйганди. Атрофида тўртта қишлоқни бирилаштирган хўжалик маркази шу ерга жойлашган эди. Марказ бўлгандан кейин хўжалик идораси, мактаб, қутубхона, қишлоқ кексаларининг унчалик тили келишмайдиган “амбулатория” ҳам шу ерда эди-да.

“Ойнаи жаҳон” деб аталмиш мўъжиза қишлоқда бундан ўн-ўн беш йил муқаддам пайдо бўлганди.

Қаҳрамонимиз қишлоқ тегирмончисининг тўнғичи Тангриберди худди ўша мўъжизани кўриб катта бўлганди.

Ёши олтмишлар атрофида, юзига кексалик нуқси урган бўлса-да туртиб чиққан мушакларидан қуч-қувват ёғилиб турган қағиркўз, барваста тегирмончи биринчи марта дунёда ерусмон ва тегирмондан ташқари “дилбузар” деб аталмиш мўъжиза борлигидан бохабар бўлишига мана шу тўнғич ўғлининг беҳосдан йўқолиб қолгани сабаб бўлганди. Тегирмончи ўғлининг йўқолиб қолгани эсига тушганида айни ушбу воқеадан кўра, воқеага тааллуқли бошқа бир манзара ҳақида андак гурур, кибру ҳаво билан гапиришни хуш кўради:

«Пешин бўлиб қолувди-ёв.

Хотин дод-вой қилиб олдимга келди. Тангир ҳеч қаерда йўқ, дийди. У томон қир, бу томон қир, қаерга кетайди, десам ҳам сира кўнмайди. Кўзини ёшини селдай оқизайди. Хотинди дийирмонга ташлаб, изғиб кетдим. Бу қисталоқ осмонга учдими, ерга кирдими, биров кўрдим, демайди. Қирмаган эшигим биргина Эшбоевнинг ҳовлиси қолувди. Мендан нима кетди, ака-укадай бўп кетган бўлсак, қисиниб ўтирдимми деб райиснинг эшигини тақиллатдим. Кириб нени кўрдинг денг? Чоғроқ қутидай бир нарса. Симини тўкка суқса ичида одами кўринаякан. Тагин денг, бийрон-бийрон қилиб ўзимиздинг тилда гапиришади. Икки кўлим ёқамда!.. Синграйиб қопман... Эшбоев уйда экан. Манзирадли одам-да. Тўрга ўтинг, Довулбой, деди. Ўтмадим. Қисиндим. Хотини ола қараб тургандай кўринди. Уст-бошим ҳам ҳалигидай!.. туври дий-

ирмондан чиқиб келяпман-да. Шунда Эшбоев бир гап айтгудди, ҳеч эсимдан чиқмайди: “Паланчи ака, дунёнинг янгиликлари бизнинг қишлоғимизга ҳам кириб келяпти. Худо хоҳласа, яқин беш-олти йил ичида ҳўжалигимдаги одамларнинг ҳаммасида мана шундақа дилбузар бўлади. Унгача бола-чақангиз минан ҳар замонда бўлсам келиб дилбузар кўриб кетаберинг. Бу матаҳ ейилиб қолармиди!”

Кўнглим бир гупирди, бир гупирди...

Эшбоевдай одам дунёга бир келади-да, лекин айтдим, кўнглимда борини айтдим. Тоza ўлиб турганакан демасин, дедим-да. Кўйинг, раис бова, ҳўжаликда одам кўп бўлса, уларди ҳар бирига дилбузар оббериб, нима... Кўйинг, бизга шу яхши гапингиз ҳам етади. Биз дилбузарсиз ҳам яхши яшаймиз. Бир райислар бор, савлатидан от хуркади. Лекин халқини мирламайди. Бу гапни олдингизда эмас, орқангизда ҳам айтгамиз, не тўлка мен, бутун халқ сиздан рози. Мингдан минг рози, дедим.

Эшбоев онрайиб қолди. Бир қизик қилиб қараб кўйди. Гапларим мойдай ёқди, лекин кўпни кўрган-да, билдиргиси келмади. Мендан нима кетди, дедим-да, мақтайбердим. Дий-ирмонда, ун ичида ўтириб унга зорман-ку, аслида. Ке, кўй, дедим-да. Эшбоев гапларимга чиппа-чин ишонди. Сизга ўхшаган халқнинг ичидан чиққан одамларнинг гап-сўзларидан биламиз-да халқнинг аҳволини, деди димоғи чоғ бўлиб. Ҳа, деб кўйдим-да кўлтиғига сув пуркайбердим, пуркайбердим. Аслида боқса бир гапди айтсам ҳам бўлайди. Қишлоққа иккита, тоza бўлмаса, битта артезан қудуқ керак, демоқчийдим. Тунов кунни десангиз, муздай сув ичгим келиб, қудуққа пақир ташлаб, шундай тортиб олсам, нени кўрдинг денг? Ярим пақир сув... ичи тўла қурбақа! Катталари нақ пиёладай келайди. Майда-чўйдальари ҳам боракан, нукул Эшбоевнинг “вилис”ига ўхшайди. Ҳай, тилим қичиди, лекин айтмадим. Турсунбой малим гапта уста, шу айтсин, дедим. Уни қудуғидан зулук чиққан экан, кўмиб ташлабди. Турсунбой айтсин, дедим. Бу гап мендан чиқса, Эшбоев ўпка-гина қилиши турган гап. Огайин бўлмасак ҳам, огайиндай бўп кетганмиз, ахир! Кейин давленаси борлиги эсимга тушиб қолди. Дикқати ошиб, ўлиб-не-тиб қолса, не бўлади? Раҳбар одам, териси юққа... Тўрт-беш кун қурбақадан қолган сувдан ичсак-ичиббиз-да, дедим...»

Кимдир биров: “Улингизди товдингизми, ишқилиб?” дея луқма ташлагандан кейингина тегирмончи раиснинг уйига нима учун борганлигини эслайди. “Бу энағар Эшбоевникида дилбузар кўриб ўтирганакан. Шу боламиз райисникида дилбузар кўриб катта бўлди ҳисоб. Шунинг учун анча истил бўлиб қолган. Шохмот деган балони дилбузарда кўриб, дуво-на бўлган-да!..”

* * *

Дарҳақиқат, тегирмончининг тўнғичи шахмат ишқибозиди эди. Ундаги қизиқишни оддий ишқибозлик деб бўлмасди. Бу қандайдир бошқача туйғу эди.

Эшбоевнинг юзидан захар томиб турадиган хотини очиқдан очиқ тўсрайса-да (баъзида уришиб ҳайдаб юборарди), болаларча сурбетлик билан куннинг истаган вақтида ҳам яланг оёқ кириб бориб, раиснинг болалари қаторида (гоҳида улар туриб кетишарди) қимир этмай ўтирганча соатлаб телевизор кўрадиган болакай бир кун келиб кўрсатилаётган киною томошалар ичида “Шахмат мактаби” деган қисқагина кўрсатув ўзига маъқул келганини фаҳмлаб қолганидан кейин тупроқ кўчани чангитиб уйига югураркан, эндигина тегирмондан қайтган, уст-бошидан тортиб, қошу-кипригига оппоқ гард кўнган отасининг белбоғига осилиб: “Менгаям шохмот ясаб беринг”, дея жанжал қилган кундан бошлаб унинг ишқибозлиги аён бўлган эса-да, бунга на ота, на она эътибор берди.

Отасидан: “Пишт-е, сендан бошқа дарди-касалим йўқми!” деган силтовни эшитган бола мактабга, арифметика муаллимнинг ҳузурига борган ва ҳаяжондан бир оз довдирлаган кўйи: “Менга шахмат ясаб беринг!..” дея илтмос қилган.

Муаллимнинг ўша вақтда иши тигизмиди ёки кунт қилмади, бирдан болакайнинг ҳафсаласини пир қилиб, рад жавоби берган бўлса-да, кейин кўнгли бўшлиқ қилиб умидбахш ваъдаларни бериб юборган, айтганки, «яқин-ўртада

шаҳарга борсам сенга давлат ишлаб чиқарган шахмат тахта-сидан опкеб бераман. Уни папканга солиб юрсанг ҳам, чўнтагингда олиб юрсанг ҳам бўлади!..”

Хурсанд бўлиб кетган бола нақ уч ой арифметика муаллимнинг оғзини пойлади, дарсга кирганларида қўлларига умидвор тикилди.

Шовқи муаллим ўша ваъдасидан кейин бир эмас, бир неча марта шаҳарга тушган бўлса ҳам кичкина шогирдининг илтмосини унутган эди. Бунга унинг паришонхотирлиги-ю ўз ташвишларининг мўллимга ёки ўша ваъда қилинган матоҳнинг нархи осмонда эканлиги сабаб бўлганмиди, бу ёғи қоронғу. Тагин... ким билади дейсиз?..

Умидлари пучга чиқса-да, ишқибозлиги сўнмаган бола бир кун Эшбоевнинг ҳовлисида тўнтарилиб ётган қоғоз қутилардан бирини олиб муаллимнинг уйига борган:

“Муаллим, мана шу картонга шахмат катакларини чизиб беринг!..”

Мулзам бўлганидан андак қизаринқираган Шовқи муаллим ўша кунёқ картон қутининг бир бўлагига шахмат катакларини чизиб, оқ ва қора рангларга бўяб берганди. Кейин касбига хос фидойилиги тутиб, болага шашка ўйнашни ўргатмоқчи бўлади. Лекин бола кўнмайди. Фақат шахматни ўрганаман, деб туриб олади.

Қалбида ҳавасу қизиқиш кучли бўлган бола муаллим ёрдамида олтимиш тўрттадан иборат оқ-қора катаклар нима, шахмат доналарининг номланиши, уларнинг жойлашувию ҳаракат йўналишларини... жуда зийраклик билан, тезда ўрганиб олади.

У жуда секин, лекин ўжарлик билан ўйнаб муаллимни доғда қолдирарди. Айниқса, унинг шахмат доналарини сеҳрлаб олмоқчидек уларга қатъий билан унсиз тикилиши, сабртоқат билан соатлаб жим ўтириши Шовқи муаллимни ҳайратга соларди. Ахир, унинг ёшидаги болаларга бундай узоқ сукут саклаш умуман ёт нарса-ку!

Буюрилган ишни чала-чулла бажара сола картонини кўлтиғига қисиб, шахмат доналари ҳисобланмиш — оқ ва қорага бўялган турли шаклдаги тошлару ошиқлар солинган халтасини тутамлаганча муаллимникига югурган болакай отасидан тез-тез калтак ёт турарди. Бироқ қизариб кетган юзидagi тарсаки тафти совимасдан туриб у бирор пана-пасткамга ўтиб олиб яна картон-тахта устига мук тушарди.

Олтинчи синфда ўқиб юрган кезлари у ўқувчилараро шахмат мусобақасида қатнашиб, кетма-кет голибликни қўлга киритди.

Биринчи йирик мусобақага у тўққизинчи синфда ўқиб юрганида қатнашиши лозим эди. Аммо Довул тегирмончи розилик бермади. Бу вақтга келиб Тангриберди қўлидан иш келадиган дастёр бўлиб қолгани учун отаси уни ёнидан жилдиргиси келмади.

— Шохмот сенга ош-нон бераймиди?! — деб бақирарди у жазаваси кўзиганидан шахмат тахтаси-ю доналарини дуч келган томонга улоқтириб юбораркан. — Қаёқдаги бекорчиларнинг ўйинига ишқи тушгани-чи! Арτισликка қизиқганингдям майлийди. Бир тўйга борсанг дунёнинг пулини топасан-ку, занғар! Савлатинг ҳам артисларга мос...

Ёшига нисбатан бўйи бир оз новча, бунинг устига жудаям ориқ-озгин бўлган Тангриберди дала ишлари тугул уй юмушларига ҳам уқувсиз эди. Унга бирор ишни ишониб топшира олмаслигидан отасининг хуноби ошарди.

— Ким айтади, сени Довул дийирмончининг ули деб. Кундан-кунга ийна еган итдай бўп боряпсан-ов. Сени шохмот жонингни олиб боряпти. Ҳадемай, сочинг тўкилиб кал бўп қолсан, бола!

Бундай хавфли дақиқаларда Тангриберди ерга қараганча мум тишлаб ўтирар, ич-ичидан эзилса-да, отасига қарши бир сўз демасди. Буни безбетлик деб тушунган ота атай унга алам қиладиган сўзларни қалаштириб ташларди.

— Сен, бола, барибир, гўр ҳам бўлмайсан-ов. Мени давримда-ку гариллаб юрсан. Битта жувдирчоч билан қолганинган кейин... ҳай билмадим. Лекин!.. — мана шу кетидан ундов кўйилган сўзни ота алоҳида таъкид билан айтарди. — Лекин Эркабой!.. Худо хоҳласа, новвосдай жигит бўлади!

Кўз ёшлари юзини юваётган ўсмир овоз чиқармасдан йиеларди... Катта-катта, серкиприк қўй кўзларини бир нуқтага қадаб тек қотганча... юм-юм йиеларди.

— Отанга тик қарама! — деб дўқ уради жаҳли чиқиб кетган ота.

Тангриберди қаттиқ сесканиб кетиб нигоҳларини “нуқта”дан узиб, ерга қарар, кўз ёшлари тийилиб, вазмин тортиб қоларди. Унинг жисмида ақлига нисбатан нуқсон (озгинлиги, нимжонлиги) сезилса-да, қайсидир авлодидан ўтган фавқуллода иқтидори, куч-қуввати ана шу сукутида мужасамлашгандек эди.

* * *

Шундай қилиб, Довул тегирмончи ўғлига мусобақада қатнашиш учун рухсат бермади. “Дам олиш куни Кўзибоннинг маккасини тортиб беришимиз керак”, деб туриб олди. Тангрибердини мактабга ҳам юбормай қўйди.

Мусобақа бошланишига бир кун қолганда...

Тепаликдаги тегирмоннинг эшиги олдида курсича қўйиб ўтирган Довул тегирмончи пастликдан бир-бир босиб юқорилаб келаётган Шовқи муаллимни кўриб энсаси қотди. “Оббо, ана, далолчиликка ҳам келяпти! — деди у ўзига ўзи. — Энди бир соат бошни қотиради”.

Довул тегирмончи ўзини иши тигиз одамдек кўрсатиш учун ичкарига қараб бақирди:

— Тангир! Сийпаланмай бўл тезроқ! Бир тонна маккани қачон тортиб бўламиз?!

Муаллим гўё унинг овозини эшитмагандай, иши тигизлигини сезмагандай хотиржам тутди ўзини. Худди айланиб юриб келиб қолгандай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Нарх-наво, экин-тикин, об-ҳаво, ҳатто ўриқлар довча бўлган пайт бирдан бўрондек бостириб келиб, дарахтларни қарсиллатиб синдириб, довуччаларни тўкиб кетадиган шамол ҳақида ҳам сўзлашиб ўтирди.

Довул тегирмончининг хаёли чалғигандек бўлди.

Бир маҳал эътибор берса... муаллим шахмат ҳақида оғиз кўпиртиряпти!

Тегирмончи қошу-қовоғини уйиб, тиконларини отмоқчи бўлган жайрадек хурпайиб олди.

Муаллим ўзи эшитган буюк шахматчилар ҳақида билганларига озгина кўшиб-чатиб, кўпиртириб гапираркан, усталик билан гап жиловини Тангриберди томон буриб юборди. Айтдики, ажабмас, бир кун келиб мана шу жиккачина бола сабаб бўлиб, мана шу тоғлар орасидаги дўппидек қишлоқнинг номи бутун дунёга таралса, балки кейинчалик...

Шу ерга келганда тегирмончи чидаб туролмади.

— Сен мени бошимди айланторма, — дея муаллимнинг гапини чўрт кесди у. — Қишлоқди дунё таниди нима, танимади нима? Биров келиб қурбақа босган қудумга тоза сув қуйиб бераймиди? Ё улимни мусобақага юборганим учун давлат менга бир сўм бераймиди? Шохмотнинг кетидан ким бойиб кетди ўзи, а, ким?.. Қани, айт, ким бойиди? Бизди анди деб ўйлаётган бўлсанг адашсан!

Арифметика муаллим оғрингандек бўлди.

Ўрнидан қўзғолиб, кетишга чоғланаркан сўнгги чорани қўллашга қарор қилди.

— Мабодо Тангир мусобақада ғолиб бўлиб, ҳаммадан зўр чиқса... пул берилиши ҳам мумкин!

Довул тегирмончи гангиб қолди. Янглиш эшитмадимми, дегандек муаллимга синовчан назар ташлади. Сўнг гир айланаси ёғ сурилгандек ялтираб кетган дўписини қўлига олиб, чангини қоқиш асносида ўзича алланарсаларни ўйлади: “Дарров ҳўп десам ўлиб турган экан дийди. Яна бир оз оёқ тирасам, балки кўпроқ нарса билиб оларман!” Шовқи муаллим ҳам шу қишлоқнинг одами эмасми, тегирмончининг ҳийласини аллақачон пайқаб ултурган, қанча кўп ялтоқланса сўхбатдоши ўзини тарозига солаверишини ўйлаб қовоғини солди, кетишга чоғланди.

Ниҳоят, тегирмончининг ўзи биринчи бўлиб гапиришга мажбур бўлди.

— Биз минг гариллаганимиз билан барибир оми одамимиз. Мен боламини жўнатдим ҳам дейлик, у ёқдагилар тагин...

ҳалигини... ўзлари олиб... — Тегирмончи кўзларини жавдира-тиб муаллимга боқди.

— Ҳақиқат бор, ака, ҳали! — деди лабларида истехзоли табассум жилва қилаётган муаллим.

— Ҳақиқатингни бошимга ураманми? Мен дийирмонди ўйлаяман. Тангир у ёққа кетса дийирмон ишламайди. Халқ бувдойини орқалаб қаерга боради? Менам энди қаридим. Аввалгидек куну-тун ишлашга ярамайман. Эшбоекга ҳўп ялиндим, битга ёрдамчи бер, деб. Бермади. Улингиз бор, сизга ёрдамчи не керак дийди! — Охирги гапни тегирмончи атай ўздан қўшиб айтди. Муаллим эл ичида юрган одам. Бу гапни дарров оёқлатади. Қарабсизки, Довул тегирмончига пинҳона тиш қйраб юрганлар (улар бор, тўртта одамнинг бири албатта тегирмончининг душмани ҳисобланади) чапак чалиб қолаверishaди. Айтишадик (балки ўйлашар), Довул дийирмончи анойи эмас. Аллақачон райис билан ишни пишитиб қўйибди. Энди дийирмондан умидимизни (умидимни) узсак бўлади!

— Тангир ғолиб бўлса албатта пул билан келади! — Муаллимнинг сўзлари тегирмончининг қулоғига булоқ сувининг жилдирашидек ёқимли эшитилди...

Дам олиш куни Тангриберди мусобақага кетди. Довул тегирмончининг бутун хаёли, фикри-зикри мусобақага кетган ўғлида бўлди, илҳақ бўлиб унинг йўлига кўз тикди.

Тегирмончининг мақсади тегирмон талаш-тортиш бўлиб қолмасдан уни ўғлининг қўлига топшириш эди. Вақт-вуқуд либосини эскиртиряпти. Соч-соқоли гард кўнмаса ҳам оппоқ бўлиб боряпти. Бугун бўлмаса эртага “тиш қайраб” юрганлар отилиб чиқиши ё ими-жимиди Эшбоев билан тил бириктириб жиловини қўлидан олиб қўйиши мумкин. Лекин тегирмончи бунгача кутиб турмайди. Ўғли мактабни тамомлаши билан барча расм-русумларни адо этиб, “мерос”ни эгасига топширади-қўяди! Ана шунда, тиш қайраганлар (уларнинг борлигига тегирмончи шубҳа қилмасди, биров келиб ёқасига ёпишмаган бўлса-да кимлардир, қаердадир унга қарши фитнес тайёрлаётгани аниқ) тишларини қайраганча қолаверishaди. Тегирмончилик улғу мартаба. Шунинг ортидан саккиз жон кавшаниб турибди ахир!..

Хуллас, шу куни вақт тушдан оғтач, тегирмончининг ҳафсаласи пир бўла бошлади: “Дийирмончининг боласи-да, гўр бўлармиди?!” деган хаёл кўккам осмонини қоллаган қора булутдай дарди-дунёсини зимистон қилиб юборган бўлса-да, кўнглининг туб-тубида мудраб ётган чалажон умид ҳам орасира бош кўтариб қоларди: “Биламан, Худо бу боланинг куч-қувватини миясига берган. Ҳадемай қўйни-қўнжи тўлиб келиб қолади!”

Довул тегирмончи синиқлик билан илжайиб қўйди. Тасавурида ўғли бир дунё пул ёки... ёки телевизор-мелнивозорга ўхшаш кагтакон совға билан кириб келаётгандек бўлаверди.

Дарвоқе, телевизор...

Худди Эшбоевниқига ўхшаш “дилбузор” олиш истаги тегирмончининг кўнглида айнан ўша Эшбоевнинг уйида қутига ўхшаш нарсани кўрган кунидан кейин туғилганди.

Гарчи Эшбоев “ҳўжалигини телевизор билан таъминлаш”ни бўйнига олган бўлса-да...

Гарчи айтилган муддатдан ўтиб кетилган бўлса-да...

Тегирмончи барибир, телевизор кутиб яшарди. Назарида, Эшбоев бугун бўлмаса эртага, эрта бўлмаса индинга одамларни телевизор билан таъминлаб қоладигандек туюлаверарди. Балки бу гап Эшбоевнинг эсидан чиққандир. Чунки ўшандан кейин у бундан бошқа-бошқа ваъдаларни ҳам бериб юборган. Бир марта икки кун эзиб ёққан ёмғирга дош бера олмай қулаб тушган деворни қайта тиклаш учун пойдеворига тош тераётганида йўлдан ўгаётган “Виллис” тўхтаб, ундан икки юзи хўрознинг тожидай қип-қизил Эшбоев тушиб, кулим-сирганча шу томонга юрди. Тегирмончи ҳали оғзини ҳам очгани йўқ эди.

— Ҳали бу уйларингиз ўрнида пойдевори бир ярим метр келадиган ҳақиқий қошона қуриб берамиз, Довулбой!

Эшбоевнинг дўрдоқ лабларининг бир четидан учаётган сўзларни эшитган тегирмончи ҳушидан кетиб қолай деди.

Ундан сал олдинроқ эса...

Тегирмончи ҳали ўғлининг қўлини ҳалолламаган эди. Эрта, деди... Индин, деди... Чоғим келсин, деди. Бир кун қара-

саки тўнғичи бу ёқда турсин, кенжатоё ўғлининг-да бўйи чўзилиб қолибди. Чамалаб кўрса, чоғи ҳали ҳам келмабди. Шартга юзини сидириб ташлаб, хўжалик идорасига борди. Минғирлаб аҳволини тушунтира бошлаган ҳам эдики Эшбоевнинг гулдирган овози гапини чўрт кесди:

— Қанча керак? Ўн минг!.. Йигирма минг!.. Етадими?

Тегирмончи ўзига келиб олгунча жавобни ҳам раиснинг ўзи қайтарди.

— Сиз тўйни бошлайверинг. Харажати биздан.

Шошилинич тўй куни белгиланди. Тегирмончи раиснинг мурувватидан бахраманд бўлиш учун идорага борганида... Эшбоевни зудлик билан Тошкентга кетиб қолганини эшитди! Ёрдамчилар эса ҳеч қанақанги “харажат” ҳақида гап бўлганлигини эслаша олмади.

Тўйни бир амаллаб ўтказди.

Лекин... кўнглида бир тугун қолгани ёмон бўлди-да.

Тугунки на учи бор, на...

Бироқ кўп ўтмасдан “тугун” ўз-ўзидан ечилиб кетди.

Ўша куни тегирмончи тенг-тўшлари билан кимнингдир худойисидан келаётган эди. “Виллис” да ўтиб кетаётган раис кўчани тўлдириб келаётган халқнинг ёнидан беписанд ўтиб кетолмади чоғи, машинани тўхтатди. У Тошкентдан нақ бир ойдан кейин қайтганди.

Юзидаги қизилик янада тиниқлашган... кўркамлашган...

У ойдай тўлиб, ойдай кулиб, сахийлик билан ўзидан нурафшон шуълалар таратиб... халққа пешвоз юрди.

Умидбахш сўзларини ўнгу-сўлга сахийлик билан улашди.

Нигоҳлари самимиятни “қарз”га улашаётган бўлса-да муомаласи самимий эди. Айниқса, Довул тегирмончига алоҳида лутф кўрсатди.

Тегирмончига шунинг ўзи кифоя қилди.

Боши узра ёрқин шуъла сочаётган ойга тош отишга бо-тинолмади...

Эшбоев ойга ўхшаб одамларга ярқироқ томони билан кўринарди. Қоронгу, ёришмайдиган томонига эса шу пайт-гача ҳеч кимнинг кўзи тушмаган...

Мана, энди, тегирмончига ҳам Худо “ол, кулим” дей-диган кун келиб қолди-ёв.

Довул тегирмончи умрида илк бор ўғлининг иқтидорига ён босди.

Бир маҳал қияликда югургилаб келаётган қизига кўзи тушган тегирмончи ўрнидан туриб кетганини сезмай қолди.

— Ота!.. А-акам келди. Биринчи ўрин опти! Икки кундан кейин яна бораймиш!..

Довул тегирмончи қалтираб кетди.

“Дийирмончининг боласи ҳам юртга танилибди!” деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди. Бир лаҳза... атиги бир дақиқа фахрлиниш туйғуси юрагини қамраб олди. Кейин туйқусдан бир дунё пул... телевизор ҳақидаги орзуси эсига тушди-ю шоша-пиша энгил-бошининг чангини қоқа бошлади.

— Сен дийирмонда ўтира тур. Битта-яримта кеп қолса, айтгин, отам насиёга ун тортмас экан, де. Кўнгли бўшлиқ қилмагин тағин, нақ кунингни кўрсатаман-а! — Тегирмончи муштини дўлайтирди, ҳовлиққанча икки-уч қадам одимлади-ю дарҳол изига қайтди, гард кўнган сийрак киприкларини пирпиратганча қизига юзланди. — Акангди... қўлида у-бу бормиди?..

Қиз елка қисди.

— Билмадим, — дея жавоб берди бир оздан кейин.

* * *

Уйга яқинлаб қолганларида муқовасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган «Ёрлик»ни кўксига босганча кўзлари ёниб келаётган Тангрибердини Шовқи муаллим енгидан тортиб тўхтатди. Бир зум тарадудланиб турди-да, йигитнинг озгинлигидан сузма халтадай осилиб турган шими чўнтагига нимадир солиб қўйди.

— Боргандан кейин отангга бер. Қувониб қолади...

Тангрибердининг нафақат юзидан, ҳатто кўзларининг ичидан иссиқ чиқиб кетди.

— Керакмас!.. Керакмас!.. — дея хитоб қилди у овози қалтираб. Пулни олиб эгасининг чўнтагига солиб қўйди. — Отам ўзи... сал шунақа... Пулни яхши кўради!..

— Ахир, қандай қилиб... Нима дейсан?..

— Ҳозирдан пул олиб боришимга ўрганса, кейин нима бўлади?

Муаллим пулни чўнтагига солди, аммо кўнгли гаш бўлиб қолди...

Кўчага қараган дераза олдида тик турган Тангриберди отасининг ҳовлиқиб ўтиб кетганини кўриб... ичидан зил кетди.

Калтак зарбини ҳис этган вужуди жимирлади...

Аммо отаси рўпарў келганида ростини айтди.

— Биринчиликни олдим, ота. Лекин бир тийин ҳам беришмади. Бунақа мусобақаларда пул тўланмас экан.

— Қанақасида тўланаркан?... — Анқовликка олди ота ўзини.

— Катта-катта халқаро турнирларда...

— Нега ўша катта-каттасига қатнашмадинг?

— Ота, ахир...

Йигитча қўққисидан юзига тушган тарсаки зарбидан девор ёнига учиб тушди. Ҳирсдай тегирмончи бақувват қўллари билан силтаб ўғлини ўрнидан турғазди-да иккинчи юзига ҳам тарсаки туширди.

— Бир сўм бермаса ... ни еб юрибсанми?

Эшик зарб билан ёпилганда уй деворлардан тортиб дераза ромларигача зириллаб кетди.

Шифтдан бир ҳовуч тупроқ тўкилди...

Довул тегирмончи тупроқ кўчани чангитиб, ён-верига ҳам қарамасдан физиллаб тегирмон томон кетаркан ичида ҳадеб ва ҳадеб Шовқи муаллимни бўралатиб сўкарди: “Мени ишонтириб, қаттиқ ишонтириб, барибир аллади!.. Энди мендан кўради кўрадиганини!”

Орадан кўп ўтмасдан, отасининг “иситмаси” тушиб улгурмай Тангриберди яна мусобақага бориш учун рухсат сўради. Тегирмончи миқ этмади. Ўғлининг юзига ўқрайиб қараб қўйди-да, индамай уни қўлидан етаклаб бориб ертўлага киритди. Сўнг отнинг калласидай қулфни ертўла эшигига осиб қулфлаб қўйди...

Ўша мусобақага Тангриберди бора олмади.

Бироқ кейин йўлини топди. Мусобақа бўладиган куни турли баҳоналар билан уйдан чиқишнинг ҳадисини олволди. Ўнинчи синфни тамомлагунча у район, област чемпионлигига кўтарилди. Бир қанча фахрий ёрликлар билан тақдирланди, лекин бирортасини ҳам на отаси, на онасига кўрсатди.

Кейин эса армияга кетиб қолди.

Шундан кейин шахмат деган бало Довул тегирмончининг оромини ўғирлаб, хаёлини банд этмай қўйди.

Оилада хотиржамлик ҳукм сура бошлади...

II

Бўйи ёшига нисбатан анча дароз, озгинлигидан эгнидаги кийимлари мисол йирик мускулларини ўраб турган пуштиранг териси осилиб қолган, қорачиқлари юлдуздай порлаб, зийраклик билан боқса-да, отасининг зулмидан кўрқиб пана-панада дув-дув кўз ёши тўкадиган йигитча икки йилдан сўнг ҳарбий формада қишлоққа кириб келганида уни кўпчилик танимай қолди. Сочлари тепага таралганидан кенг пешонаси ярқ этиб кўзга ташланган, истараси иссиқ, барваста йигитни кўриб Довул тегирмончининг ўзи ҳам бир сесканиб тушди.

Бир ҳафтача келди-кетди бўлиб турди.

Ота-бола ёлғиз қолишдан, бақамти келишдан чўчиёт-гандек туюларди.

Ниҳоят, саккизинчи кунмиди ё тўққизинчими, ота-бола ширчоёли дастурхон атрофида ёлғиз қолишди. Тангриберди ҳафсала билан дазмолланган кийимлари гижим бўлмаслиги учун омонат ўтирарди.

— Военкомгами? — деб сўради тегирмончи чети учган пиёладан чой ҳўпларкан.

— Шаҳарга бориб келишим керак. Бировга телефон...

— Дийирмонди қачон қўлга оласан?

Тангриберди ерга боқди. Бир муддат ўйланиб турди-да, сўнг отасига тик қаради.

— Ота, мен яна кетишим керак!

Тегирмончининг ширчоёли косага узалган қўли тек қотди.

— Нима дейсан? — деб сўради у гарангсиб.

— Ҳарбий бўлсам девдим... Хизмат қилган еримга яна



қайтиб боришим керак. У ёқдагиларга ваъда бериб келганман...

Довул тегирмончи одатига кўра ўзини овсарликка солди:
— У ерда нима қиласан, болам?

— Бормасам бўлмайди... — Чайналди йигит.

— Ҳов, бола, ўйлаб гапиряпсанма? Дийирмон нима бўлади?

— Нима энди... Тегирмончининг боласи тегирмончи бўлиши керак, деб шу тоғлар орасида ўтиб кетаверамизми?!

— Дийирмончи бўлиб бировдан бир бурда нонни кам едингма?

— Қора нонга обдон тўйганмиз!..

— Ношукр бўлма, бола. Тилингни узиб оламан!

— Кетмасам бўлмайди, ота!

— Нима бало, битта-яримта санқи хотинга илакишиб қолдингма?

— Э!..

— Гап шу, ҳеч қаерга кетмайсан. Ота-бовамизнинг касбини қиласан!

— Мен бутунайла кетаман деяганим йўқ... — деди Тангриберди энди зорланиб. — Армияда шахмат билан кўп шуғулландим. Мусобақаларда қатнашдим. Ишимни яна давом эттиришим керак. Тренерим Алмаз аканинг ўзи бирга келмоқчи эди. Мен йўлдан қайтардим...

— А-ҳа, ана энди ичингдагини айтдинг! — Тегирмончининг кўзлари ялтираб кетди. — Кўнглим сезиб турувди. Шу ёқларда ҳам тинч юрмабсан-да!

— Ота...

— Хўш, неччи марта ютдинг-у неччи марта ютқаздинг?

— Ана, қоғозлар дипломатда турибди.

— Қўзибойди боласи армиядан битта мотосеклиди пулини ишлаб кепти. Сен!..

Эски гишава бошланаётганидан безган йигит чидаб тура олмади:

— Пул йўқ! Пул йўқ! Бир сўм ҳам беришмади. Ўзим ёнимдан пул тўлаб қатнашдим шу...

— Ҳай, аттанг!.. — Тегирмончи каппадай калласини чангаллаган қўйи жим қолди. Анчадан кейин бошини кўтариб қараркан, фавқулодда хотиржамлик билан сўради: — Қани ўша қоғозларинг? Кўрсам бўладими?

Тангриберди яп-янги, залворлигина сумкасини ичкари уйдан олиб чиқиб, жимитдай қалит билан уни очди. Бир қанча қалин муқовали ёрликларни отасига узатди. “Отам ўқиган билан тушумайди. Шунчаки кўрмоқчи шекилли”, деб ўйлади йигит.

— Анови нима? — ялтироқ қоғозга ўроғлик нарсага имо қилди ота.

— Буми... — Тангриберди бир оз иккиланган ҳолда ялтироқ қоғозни очди. — Бу шахмат тахтаси. Яп-янги! Бунда бир қўл ўйнаганман, холос.

— Бу ёққа бер!..

Довул тегирмончи керакли нарсаларни йиғиб олди-да, ўрнидан турди. Тўғри ўчоқ бошига борди. Кули олинмаган тандирга қўлидаги нарсаларни тикди-да, устидан керосин куйди...

Қоғозлар гуриллаб бир зумда ёниб битди.

Шахмат тахтаси эса... бир ловуллади-ю, кейин нимагадир тутай бошлади.

Оқ ва қора “Шоҳ”лар ўз сипоҳлари билан ерда сочилиб ётарди.

Тегирмончидан чиққан шахматчи эса ранги бўздай оқарганча ҳайкал бўлиб қолганди...

Тегирмончи ҳеч нарса бўлмагандай жойига келиб ўтирди. Галини тўхтаган еридан давом эттира бошлади:

— Отам отасини боқди, саксондан ошиб қазо қилганида иззат-икром минан кўмди. Вақти келганида менам отамнинг қўлидан ишини олдим, боқдим, ўлганида ўзим кўмдим. Лекин мен ўлсам ўлигим эгасиз қоларкан...

Довул тегирмончи бирдан жимиб қолди. Димоғи ачишиб, милклари намланди. Бу ҳолдан негадир ийманмади. Кўзларидан думалаган икки томчи ёшни атай ўгли кўрсин учун... артиб ташламади.

Тангриберди ўрнидан тура солиб эгнидаги оҳорли қўйла-

гани ечиб уй тўрига улоқтириб юборди. Кейин майкачан ҳолда шахт билан юриб ташқарига чиқиб кетди.

Эшик ёпилган асно тегирмончи ошхона деразасидан мўралаб турган хотинини имлаб қақирди.

— Қариндош уругданми, бегонаданми, тузувроқ қиз топ! Уйлантириб, бу болани оёғига тушов солиб қўймасак қочиб кетишдан ҳам тоймайди. Лекин қиз ҳаддин чиройли бўлсин!..

Турмуш икир-чикирлари тўлиб-тошган миясида бехосдан пайдо бўлган янги сўз, янги фикр тегирмончини ҳайрон қолдирди. Одатда, у аёлларни хуснига қараб фарқламасди. Ош-овқатингни қилса, бола туғиб берса бўлди-да. Бу дунёда ҳамма нарса ўз ҳолича қолмайди. Янги лаган ҳам бир кун келиб эскиради, сирини кўчади, оҳори кетади...

Довул тегирмончи ўйлай-ўйлай охири “истил” бўлиб кетган ўглининг тақдирини Эшбоев билан биргаликда ҳал қилишни кўнглига тугди.

Қолаверса, Тангриберди саркашлик қилгани учун унга атай тегирмонни тикиштиргани билан аслида нияти бир оз ўзгарган эди. Басавлат, башанг ўглини мудом чанг-тўзон аримайдиған тегирмонга раво кўрмай қолганди тегирмончи...

* * *

Раис тегирмончини хушламайроқ кутиб олди. Тегирмончи бунини дарҳол сезди, бир зумда кўнглидан не тусмоллар ўтмади, аммо бирови ҳам думини тутқазмади.

Шунинг учун эски усули мақтовга зўр берди. Мақтаса Эшбоев куруқ қўл билан чиқариб юбормаслигини биларди. Айтмоқчи бўлдики, одамларга бош бўлиш ҳам осонмас, лекин илож қанча, биров тепадан бошқариб турмаса одамзод хом сут эмган бандда, тентак қўйдаи боши оққан тарафга улоқиб кетиши турган гап...шунга ўхшаш бир оз дудмол, бир оз чучмал, бири бошидан, бири кетидан, тумтароқ, аммо бир неча кундан буён содда қалбини ҳаяжонга солган (тумтароқ бўлса-да жумла тузиш осонми) сўзларни батафсил баён қилгандан кейингина асосий мақсадга ўтди.

— Улимиз ҳарбийдан сал бешошроқ бўлиб қайтди-ку, райис бова, — деди у бирдан тўлиқиб кетиб. — У десам, бу дийди, бу десам у... Келганидан бери қитиқ патимга тийиб юрибди-да. Ўзингиз тартибга солиб бермасангиз бўлмайди.

Эшбоевнинг юзи ой баркашидек ялтираб турса-да, ёғдуси хиралашган, хўроз тожидек қип-қизил ёноқларида қорамтир доғчалар кўзга ташланиб турарди. Пешонасида ажинлар ҳалинчаги пайдо бўлганди.

— Дангал гапиринг, нима дийди ўзи?! — Раиснинг авзойидан тегирмончининг минғир-минғирлари асабига текканлиги сезилиб турарди.

— Ҳарбий бўламан дийди. Шоҳмот ўйнайман дийди.

— Ҳарбий бўламан деса жўнатиб юбораверинг!

Тегирмончи бир қалқиб тушди. Оғрингандек эски “ошна” сига ўпкали нигоҳ ташлади. Ўзидан ўзи норозиланди ичидан, бемаврид келганини фаҳулаб. Бемавридки, ой юзини қора булут тўсган бир замон...

Лекин паст тушгиси келмади. “Мен қўли қабарган меҳнаткаш бир одамман. Унинг ҳузури билан не ишим бор!..” Ўйлари далда бўлиб қадини тиклади.

— Мен-ку эркак одамман, не ўтса ичимда. Лекин энасига қийин бўляпти-да. Ҳаммамиз ҳам энадан бино бўлганмиз...

“Эна” сўзини эшитиб раиснинг қарашлари маҳзунлашди. Яқинда тўқсонга кирган онаси қазо қилганди. Раис онаси жон берар чоғида тепасида бўлолмаганидан армонда эканлиги тегирмончига маълум эди.

— Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

Тегирмончига айнан шу жавоб керак эди.

— Идорадан иш товиб берсангиз дебилдим, — деди у бирдан жонланиб. — Ҳисоб-китобга калласи зўр ишлайди!..

— Бўпти. Бир ҳафтадан кейин келсин. Гаплашамиз.

Эшбоев шу билан кутулдим деб ўйлаб олдидаги қоғозларни титкилай бошлади.

Довул тегирмончи эса кетишга шошилмасди. Ниманидир айтишга ботина олмаётгандек Эшбоевга мўлтираб тикилди.

Эшбоев қоғозлардан бош кўтаришга мажбур бўлди.

— Нима гап яна?

— Улимга қанча... ойлик берилади?

Эшбоев ғалати қараш қилди, чоли қурғур ҳеч қандай хужжати бўлмаган боласини ишга олишга рози бўлиб қанчалик мурувват қилганимни ташунмаепти чоғи, дегандай...

Тегирмончи учлари оқара бошлаган киприкларини пир-пиратганча раисга умидвор тикилиб тураверди.

Эшбоев энсаси қотганини сездириш учун илқисроқ жавоб қилди:

— Бораверинг-чи, қолганини улингиз билан гаплашамиз.

Довул тегирмончи идорадан дили хира бўлиб чиқди. Гоҳ тепага ўрлаб, гоҳ пастга эниб кетган йўл четидан қўлларини орқага қилганча ўй суриб бораркан, раиснинг ўзгариб қолганини ич-ичидан ҳис этди. Авваллари бундай эмасди, деб ўйлади тегирмончи. Қишлоқнинг итини ҳам қулиб қарши оларди. Раислик курсисидан узоқ ўтириб қолганига мана шу самимийлиги кўпроқ сабаб бўлгандир. Энди бўлса... Эшбоевнинг ўзгариб қолишига балки “тегирмон даври” ўтгани сабабдир...

Довул тегирмончи юришдан тўхтаб, калиши ичига тўлган тупроқни тўқди. Шу баҳона ортига, хўжалик идораси томонга қаради. Шу пайтгача раисдан бунчалик кўнгли оғримаганди. Ҳатто ўзи айтиб, ўзи қайтиб кетган кунларда ҳам...

Тегирмончи юришда давом этди.

Йўлда бир-бири билан қучоқлашиб, оғиз-бурун ўпишаётган алқашларга кўзи тушиб “тегирмон даври” ҳақидаги ўйлари эсига тушди.

Яқин уч-тўрт йилдан буён хўжаликда бугдой экиладиган ерлар кескин камайтирилган, унинг ўрнига турли навадаги ток кўчатлари ўтказилиб, гектар-гектар ерлар узумзорга айлантирилмоқда эди. Бундан қишлоқ аҳли ишсиз қолгани йўқ албатта. Бугдойзорда ишламаса, узумзорда ишлашади. Лекин узум бугдой эмас-да! Узумзорнинг меҳнати кўп-у, меҳнат кучи кам эди. Майиз қилиб бўлмас экан. Бола-чақанинг бир тўйганини айтмаса. Бугдой ўз оти билан бугдой-да! Бугдой уни одамларни тўйдирса, сомони мол-қолнинг кунига яраб турарди. Ўрим вақтида улдабуронлар тонна-тонналаб бугдой ғамлаб олишарди. Эпсизлар ҳам буткул қуруқ қолишмасди, бошқоқ териб қишлоқнинг ғамларди. Бундан ташқари йиллик даромад эвазига ҳам кўпинча бугдой бериларди.

Узумдан кўнгли тўлмаганлар оғзи ботир деб тегирмончининг эски ошнаси Қўзбойни раис билан гаплашгани юборганида, Эшбоевнинг ранги ўчиб кетибди. “Нафсингни катта қўйсанг, тўйганингни билмайса-да. Ниманга етмайпти ўзи?” деб Қўзбойни анча сиқувга олибди. Қўзбойи дегич ҳам тап тортмабди: “Раис бова, эмасам узумди биз бопидан эктиринг. Бунингиз олчадай тирсиллаб тургани билан мийиз қилиб бўлмаса, ширасининг ҳам мазаси йўқ. Ҳеч нарсага ярамайди!..”

Шунда Эшбоевнинг жаҳли чиқиб кетибди.

“Бу узумларнинг навини Грузиядан опкелтирганман. Грузиядан! Бундан зўр вино ишлаб чиқарса бўлади. План тўлганидан кейин ортган узумлар ириб-чириб ётмасин, силар ҳам бир ўзларингни синаб кўринглар. Бу ёғини сўрасанг, грузинлар вино ишлаб чиқариб бойиб кетган халқ! Ўзларинг дангасасилар, Қўзбойи, дангаса!..”

Қўзбойи ўша кунни ўзини илҳақ кутиб турганларга Эшбоевнинг бу сўзларини айтмади. Ичида олиб қолди. Биринчи бўлиб ўзи мусаллас тайёрлаб, татиб кўриш истаги юрагига кутку солаётганди.

Яширинча тайёрланган мусалласни бир ҳафта давомида ўзи ичиб юрди. Кейин нимагадир зерикди. Бировга сотиш эсига келмади. Ёлғиз ичиш бўлмас экан, деган фикрга келиб невараларидан бировни юбориб Довул тегирмончини чақиртирди. Тегирмончи мусалласдан беҳабар, иши тигизлигини баҳона қилиб бормади. Қўзбойи неварасини бошқа бир ошнасиникига гизиллатди.

Шундай қилиб, сир ошкор бўлди. Энди билган ҳам, билмаган ҳам мусаллас тайёрлаш билан андармон бўлиб қолганди. Энди одамлар кечқурунлари уч-тўртта бўлишиб бир ерда тўпланишар, мусаллас солинган идишнинг тағи кўришиб қолгунча ичишар, кейин... кейин эса... чексиз бахтиёр

кимсалардек ширакайф кўзлари сузилганча... қартабозлик қилишарди. Ютқизган бир шиша вино опкелади.

Қартабозлик қизигани сайин ҳангома ҳам авж оларди: кимнинг виноси зўрлиги-ю кимникига сув аралашгани, кимнинг томорқасидаги картошка қанча ҳосил бергани-ю, кимнинг картошқасига қурт тушгани ва яна... яна кимнинг қизини оёқ олиши чатоқ экани-ю, кимнинг хотини нимага жерик бўлганлиги ҳақида соатлаб оғиз кўпиртиришарди. Баъзида ҳангома тортишувга айланар, тортишув авжига чиқиб жанжал-тўполон бўлиб кетарди.

Фақат Довул тегирмончи бундай давралардан ўзини четга олиб юрарди. Иштиёқ йўқлигидан эмас, асло. Тегирмондан айрилиб қолишдан чўчирди. Ичиб-негиб юргани Эшбоевнинг қулогига етса кўнгли қолади. Жаҳли чиқса... ким билади, Эшбоевга тегирмончи қаҳатми? Нон бўлса нонхўрак топилади.

Довул тегирмончи аллақандай шовқин-суронни эшитиб, ҳушёр тортди. Қараса, қишлоқ дўкончаси олдида турибди. Хаёли қочганлигини пайқайди. Шовқин-сурон сабабини ҳам англади. Дўконга ун келган экан!

Яқингача дўкондаги унни қимматсиниб, қоп орқалаб тегирмонга зир қатнаган одамлар энди бир қоп ун учун дунёни бошига кўтаришарди. “Тўрт кило ун нима бўлади? Касалманд энамнинг овқатига ҳам етмайди-ку!..” деганга ўхшаш жириллашлар анча ергача тегирмончининг қулогига эшитилиб турди.

Довул тегирмончи ичида жиртак чалди. Шунинг баробарида хаёлига ярқ этиб бир фикр келди. “Турсунбой муаллимга айтиб Эшбоевнинг устидан ўхшатиб жалоба ёздирсаммикан? Тангинри ишга олмаса устолига тўқ этказиб қўяман шуни!..”

Фикри ўзига жўяли туюлди.

Йўлни қияликдаги Турсунбой муаллимнинг уйи томон бурди.

Турсунбой муаллим уйда ухлаб ётган экан.

Хотини: “Дийирмончи акам келди, туринг”, деб қанча турткиласа ҳам уйғонмади. Ёнида думалаб ётган мусаллас юқи банкани кўрган тегирмончи сирғалиб уйдан чиқди.

* * *

Кунлар ўта бошлади.

Тегирмончи: “Бир ҳафтадан кейин Эшбоевнинг идорасига борасан”, дея ўғлига тайинлаб қўйганди.

Аммо Тангриберди идорага боришни хаёлига ҳам келтирмади. Бўш қолди дегунча аллақердан топиб келган шахмат тахтаси устига мук тушарди. Соатлаб шахмат доналарига тикилиб ўтирарди. “Қилт” этмасди. Бир ўзи ҳам “оқ”лар тарафда, ҳам “қора”лар томонда туриб ўйнардди. Одати бўйича жуда секин ҳаракат қиларди. Аҳён-аҳёнда от ёки филни суриб қўйиб яна “қилт” этмай ҳаракатсиз қотарди. Ташқи дунёни буткул унутарди гўё. Егулик келтирган онаси Бувзиллол байча ҳайрон бўла-бўла чиқиб кетарди. Тиркичилик ташвиши, ўйин-қулни йиғитни қизиқтирмасди. Гўё ҳамма орзу-ҳаваслари йитиб битган-у, олдидаги шахмат тахтасидан бўлак ҳеч нарса қолмагандай. Авваллари писанд қилмаган бўлса-да, ҳарбийдан келганидан буён ҳаворанг футболқасини кийиб мускуллари тирсиллаб юрган йиғитни кўрган қизлар бу гал ўзлари кўз сузаётган бўлсалар-да, Тангрибердининг хаёлини чалғита олмасдилар.

Тангриберди учун оқ-қора катакларда дунё бор бўй-бас-ти билан намоеён бўлар, ғам-ташвиш, қувонч-шодлик, ҳаяжону эҳтирос — ҳамма-ҳаммаси айнаи ўша олтмиш тўрт катакка жо бўлгандек гўё. Теварагини қуршаган борлиқнинг золимонна бир хиллиги, зерикарли оҳангги бадиға ургандек, барчабарчасига қўл силтаганди.

Фақат... Толиққан кезлари шахмат тахтасинини қўлиғига қисиб аста уйдан сирғалиб чиқиб, Шовқи муаллимникига йўл оларди.

Ҳарбийдан келганидан кейин биринчи марта йўқлаб борганида муаллим хурсанд бўлиб кетганди. Қайта-қайта қучоқлашиб кўришиб, тўрға ўтқазаркан муаллим хижолатли кулимсираб “чой”га чақира олмагани учун уэр сўради. Ва хотини ёзган ғарибона дастурхон устига ўғли келтирган сопол идишдаги мусалласни қўяркан:

— Бугун бир отамлашайлик, — деганди.



Кейин муаллимлиги эсига тушибми, бир оз қизаринқ-ираган ҳолда:

— Бизда ҳозир шунақа... — деб қўйди.

Ўртага ўнғайсиз сукунат тушган...

Қўзибой муаллимнинг ён қўшниси бўлса-да, у бирор марта қўшнисидан мусаллас сўратмаган эди. Бироқ икки йил ўтиб дунёнинг бир четидан келган шогирди ўз оёғи билан қадам ранжида қилганида (аслида муаллим атай бир кунни мўлжаллаб шогирдини “чой”га чақириши керак эди) унинг ҳурмати учун “яримта” қўймаса таъна тошларининг остида қолиб кетиши аниқ...

Сукунатни Тангрибердининг овози бузди:

— Келинг, шуни ҳангомага қўшмайлик, Шовқи ака, — деди у ва сопол идишни четга олиб қўйди.

Шундан кейингина ўртадаги ўнғайсизлик кўтарилиб, гап-гапга қовушди.

Лекин “сопол идиш” муаллимнинг эсидан чиқмаган экан. Кетиш тадоригига тушган Тангрибердига истиҳолача назар ташларкан:

— Ановини бекор олиб қўйдинг. Отанг эшитса хафа бўлади. Улимни одам ўрнида кўрмасан деб!.. — деди.

— Парво қилманг, жуда бўлмаса, отамга Шовқи аканикида ичабериб, бўкиб қопман, дейман, — деди Тангриберди кулиб.

Шундан кейин улар тез-тез учрашиб турдилар. Сухбатлари асосан ҳарбийлик даври ва шахматга оид янгиликлар ҳақида бўларди. Фақат бир марта хангома сал бошқача тус олди. Кўзлари киртайиб, ранги кетиброқ қолган йигит одатдагидан фарқли равишда, анча вақт ерга қараб ўтириб-ўтириб, охири ийманиб қўйлагининг кўкрак чўнтагига қўл солиб, у ердан қандайдир сурат олиб муаллимга кўрсатаркан:

— Музайяна деган қиз... — деди пичирлагудек бўлиб.

Кейин муаллимнинг юзига зимдан назар ташларкан изоҳ берди.

— Алмаз аканинг қизи. Тренерим у киши. Отамнинг олдига келиб ўзи рухсат сўрамоқчи эди. Мен кўнмадим. Қайтиб келаман дегандим...

Муаллим киртайган кўзлар тубига чўккан мунг соғинч эканини пайқаган. Лекин бирор йўриқ беришга истиҳола этган. Эҳтимолки, Довул тегирмончининг ғазабидан кўрққан...

Орадан икки кун ўтгач қишлоқда Довул тегирмончининг ўғли қочиб кетибди, деган миш-миш тарқалди. Кечга бориб миш-миш бошқача тус олди, эмишки Довул тегирмончининг ўғли узоққа кета олмабди. Поездга билет олиш учун навбатда турганида отаси билан яна биров бориб тутиб олишибди. Довул тегирмончининг жаҳли чиқиб ўғлини ертўлага қамаб қўйибди.

Бу гапларни ҳаммадан кейин эшитган Шовқи муаллим юраги така-пука бўлиб, хабар олгани борганида... Тангриберди чиндан ҳам ертўлада эди!..

Муаллимнинг барча уринишлари зое кетди.

Довул тегирмончига гап уқтириб бўлмади.

— Мени оғзим бадрапдан ҳам баттар. Абийирингизни борида жўнаб қолинг! — дерди тегирмончи ғазабдан қалт-қалт титраганча. — Сизди шаропатингиз минан улимдан айрилиб қолишимга сал қолди-ку! Яна ҳовлимга изингизни боссангиз... қаргайман. Ўнғаймайдиган қилиб қаргайман!..

Довул тегирмончи бир вақтлар, қарчиғайдек йигитлик даврида уйланмасдан олдин бир уй, бир даҳлиз солган эди. Ошхона ва яна бошқа бало-баттарлар ҳали йўқ эди унда. Даҳлиз ошхона вазифасини ўтарди. Эрта-индин келин келаман деб турибди-ю, тегирмончи (ўшанда ҳам тегирмончи эди) даҳлиз остидан ертўла қазиган. Ният шундай эди: “Танграм мениям ватанли қилса энг аввал ертўла қазийман. Ичини дондунга, ёғ-мойга тўлдираман. Қачонки, бир кун келиб уруш ё очарчилик бошлангудек бўлса, ҳеч қачон оч қолмайман!..” дея ният қилганди... кимсасиз даштда, туяқорин панасида инига кириб кетган каламушнинг қайтиб чиқишини пойлаб ўтирганида!..

Эҳ-ҳе, у пайтлар уруш даври эди.

Онаси, акаси, иккита синглиси очликдан шишиб ўлди. Довулбек уларнинг қаторига кириб қолмаслик учун қўлига нима илинса оғзига тикди. Бир гал даштда изғиб юриб қилтириққина каламушни кўриб қолиб, роса қувлаб ета олмаган, каламуш қандайдир тешикка кириб кўздан ғойиб бўлганди. Шунда кичкина Довулбек туяқорин панасига ўтиб икки кун каламушнинг нидан чиқишини пойлаган, кутган, оғзининг сўлаги оқиб-оқиб кутган. Каламуш қайтиб чиқмаган. Шунда... қорни оч, силласи қуриб бораётган Довулбек бир этак тош териб олиб, уларни битта-битталаб ғажий бошлаган.

Тошни еб бўлмаслигини била туриб... иштаҳа билан тош ғажирди!

Қовурғаларига ёпишиб, бор-йўқлиги билинмай кетган қорнини сўлак билан алдамоқчи бўларди: ана!.. ана, овқат!.. Ҳозир... Мана ҳозир!.. Сўлак билан қовзанган ошқозон зум ўтмасдан яна буралиб оғирди. Болақай қўллари қалтираганча тагин тош ғажигиша тушарди...

Бу ҳол тош бехосдан қаттиқ тегиб, озиқ тишларидан бири ярмидан синиб тушганидан кейингина барҳам топди. Аммо орадан йиллар ўтган бўлса-да, тегирмончи ҳали ҳамон тушларида тош ғажийди. Тонг саҳардами ё ярим кечасими чўчиб уйғониб кетади. Қалт-қалт қилаётган вужуди ўзига келгач англайдики, уйқусини бузган нараса, ғажиган тошларининг ғижирлаши эмас, синган озиқ тишининг лўқиллиб оғриши экан. Сениб, яримта бўлиб қолган, бунинг устига кўкариб кетган тишининг “умри” узун чоғи, бошқа, қилт этмаган тишлари тўқилиб боряпти-ю синиқ тиш қимир этмайди.

Уйланмасдан олдин ертўла қуришининг сабаби шу эди. Оч қолмаслик! Тегирмончига умр бўйи қўлтиқтаёқ бўлган шиори шу эди.

Унинг миясида очлик йилларидан қолган «ғовак» ҳеч қачон тўлмасди.

Яна қачондир очарчилик бўлади-ю... Яна қачондир...

Бу сафар ҳаёт тегирмончини доғда қолдира олмайди. У аллақачон келажак тадоригини кўриб қўйган. Ертўлада темир бочкаларда камида икки йилга етадиган бугдой, бидонларда эритилган ёғ-мой ғамланган. Рўзгорда ёғ тутаб қолса икки-уч кунлаб овқат қилинмаса қилинмайдик, ертўладаги ёғга ҳеч ким тегинмайди. Бир маҳаллар эмизикли Бувзиллол байча ертўлага тушиб бидондан ёғ олганини билиб қолган тегирмончи кетмондаста билан уриб аёлини беланга қилиб қўйишга сал қолганди. Шу-шу, Бувзиллол байча ертўлага яқин йўламайдиган бўлди.

Ёғни куйдириб, доғ қилиб, бидонларга солиб берарди, холос...

Довул тегирмончи борлиқ тинчиб, одам оёғи тийилгач мойчироқни ёқиб ертўлага тушади. Йиғнаган “ҳазина”ларини бирма бир кўздан кечиради. Бугдойга каламуш тегмадими? Ёғ бидон очилмадими? Ертўланинг бир бурчида, бугдой бочканинг орқасидан қўл узатса етадиган бир ёрик бор. Тегирмончи орттирган тўрт-беш сўмини тамаки дони солинган рўмолчага туғиб, устидан селюфанга ўраб ип билан чирмаб, кейин ўша ёрикқа тикштириб қўярди. Тутаб ёнаётган мойчироқ ёруғида эринмасдан пулларини санарди. Чолворининг липпасига ва ундан ҳам ичкарироқ ерга яширган пулларини олиб, рўмолчадагисига қўшиб бир бошидан қайта ҳисоблайди. Кейин муштдайгина бўлиб қолган тугунни яна аввалги жойига тикиб қўяди...

Ертўлада зах, могор ва яна қандайдир ёқимсиз уфунат уфуриб турарди. Кичикроқ темир эшиги зичлаб ёпилса ичкарига бир тутам нур ҳам тушмасди.

Қалтак зарбидан азъойи-бадани моматалоқ бўлиб кетган Тангриберди шу ертўлада икки кун қимир этмай ҳушли-ҳушсиз ётди. Қолаверса, бу ерда ўрнидан туришга ҳожат ҳам йўқ. Барибир ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Эшик шундай зичлаб ёпилгандики, бир тутам ёруғлик тушмасди. Тундай зим-зиё қоронгулик ютаман дейди... “Ўлсам ўларман, лекин аҳдидан қайтмайман! — дерди у ўзига ўзи ҳушига келган пайтларда. — Ертўлада ириб-чунга кетсам ҳам отамга ялнмайман!..”

Бироқ учинчи кунга бориб ўрнидан турмаслигининг иложи бўлмади. Ошқозони бураб оғрий бошлади. Бу камлик қил-

гандай, ўнг томонда қовурғасининг остида санчиқ пайдо бўлганди. Бир... икки... учига чидади йигит. Лекин кейинги кучли оғриқдан ларзага тушган йигит инқилаб ўрнидан турди. Турди-ю ўша заҳоти кўнгли озиб ўхчиб юборди. Шу пайт ташқаридан Бувзилол байчанинг овози келди.

— Тангрижон... болам...

Тангриберди кафти билан оғзини тўсди. Оҳ-воҳини онаси эшитишини истамасди.

— Калит отангда, бермаяпти ҳеч. Ҳеч еринг оғримаяптими, болам?.. Кулфни бузай десам кучим етмаяпти...

Тангриберди дош бера олмади. Кўнгли озиб, қаттиқ ўхчиб юборди. Кейин мадорсизликдан йиқилгудек бир алфозда эшик олдига келди.

— Оғримаяпти... энажон, оғримаяпти... — деди ихраниб зўрға. Жарангдор овози лат егандек бўғиқ ва жуда паст қикди.

— Қорнинг очмадими, болам-а?.. Икки кундан бери... ошқуяринг оғримаяптими?..

— Қорним очгани йўқ... Хавотир олаверманг... — деди Тангриберди хирқираб. Ва оғзини қаттиқ юмди.

Она изиллаб йиқилганчани нари кетди-ёв, шип-шип этган қадам товуши эшитилди.

Оғриқ кучайиб кетди.

Аъзойи-бадани қалтираб, тишлари такиллаётган Тангриберди гужанак бўлиб ётиб қолди. Совуқ тер босган баданига кийимлари чиппа ёпишди. Азобга чидай олмади у. Бақириб юборди: “Эй, Худо, жонимни ол!.. Бундан кўра ўлиб кетганим яхши...”

Афсуски, оҳ-воҳ, гужанак бўлиб у ёқдан бу ёққа ағанашлар ёрдам бермади. Оғриқ кучайгандан кучаяверди. Хушидан кетди. Туман ичида қолган шуурида: “Ўляпман...” деган ожизона фикр “йилт” этди-ю сўнди.

Аслида ақл-идрокнинг ҳаётга ишқи сўлган, ўрнини ўлим ихтиёрига топшириб қўйган бўлса-да, энди вужуд ва томирларда оқаётган қон ўлим билан олишиб, унга қаршилик кўрсата бошлаганини йигит сезмасди...

Тўртинчи куни пешин чоғи ертўлани бирдан ёқимли ва қадрдас ҳид тутаб кетди. Бу нон ҳиди эди.

“Онам нон ёпяти”, — деб ўйлади сулайиб ётган йигит. Кейин инграниб, инқиллаб ўрнидан турди. Гандираклай-гандираклай, тусмоллаб эшикни топди. Оёқда туришга ҳоли келмади, чўккалаб қолди. Темир эшикка суянаркан, беихтиёр... оғзини очди...

Кейин нима деди? Жазавага тушиб нималар деб бақирди, Тангриберди эслашга-да уялди...

Шу куни кечқурун Тангриберди озод қилинди.

Унинг афтига қараб бўлмасди. Кийимларидан моғор ҳиди анқирди.

Дарвоқе, нон ҳиди...

Янги ёпилган бир жұфт нонни Довул тегирмончи ертўла эшиги ёнига қўйиб кетганди...

III

Туй ўтди.

Келин ўзларидан, Довул тегирмончининг хешларидан бирининг қиза. Юмалоқ юз, икки яноғи туртиб чиққан, дурқунгина келинчак дастлабки кунларданоқ қайнона-қайнота-сига ёқиб қолди.

У... “тоғдан сел келяпти!” деган хабарни эшитса-да аввал қайнона-қайнотасининг иззатини жойига қўйиб, кейин ўз ғамини ейдиган аёллардан эди.

Тўйдан кейин Довул тегирмончи ўглини Эшбоевнинг идорасига бошлаб борган эди. Келишувга биноан раис унга идорадан иш берди. Ҳисоб-китобга усталлиги туфайли бўлим бухгалтерларининг бирнга ёрдамчи этиб тайинлади.

Эшбоев: “Ҳозирча шу ишда айланишиб кўрсин-чи, кейин яна ўйлаб кўрармиз”, деб қўйди.

Бу муруватдан тегирмончининг бешта осмонга етди. Раис билан ўз-ўзидан, сабасиз совуқлашган муносабатлари яна ўз-ўзидан элиқлаша бошлаганидан хурсанд бўлиб кетди.

Ер чизиб ўтирган ўглининг ёноқлари пир-пир учаётганлигини сезмади...

Кейинчалик сўраб-суриштириб ўглининг маоши қанча

эканлигини билиб олди. Ундан олдин Тангриберди айтганида ишонмаганди.

У ўглининг ёнида ортиқча пули бўлишини истамасди. Маошини тийин-тийинигача ҳисоблаб оларди. Токи, ўглининг чўнтагида шамол ўйнаб турса у ҳеч қаерга кета олмайди!..

Шу йили куз беайла серёғин келди.

Кун аро ёмғир томчилайди.

Узум чириб кетишидан ваҳимага тушган Эшбоев ҳар куни идора ходимларини ғазаблайди. “Одамларни ишлатишни билмайсанлар! Халқни тепасида туриб ишлатиш ўрнига идорада тухум босиб ўтирибсанлар!.. Давронқул, буғалтирман деб керилиб идорада ўтирганингни кўрмайин. Ўлсанг, жасадинг дастда қолсин!”

Кун бўйи далада изғиган ходимлар миқ этмайди. “Миқ” этиш ниятлари ҳам йўқ.

Ҳар куни кечқурун раиснинг сўкишлари билан бошланиб, ярим кечаси яна раиснинг болохонадор сўкишлари билан тугайдиган бундай мажлислар ходимларнинг жонига тегиб кетганлиги уларнинг лоқайд ўтиришларидан сезилиб турарди.

Тангриберди Эшбоевнинг сўконғич эканлигин идорага ишга ўтанидан кейин билди. “Унинг оғзи бадралхонадан ҳам сассиқ экан-ку! — дея ҳайратта тушарди Тангриберди. — Бор ахлатини ходимларининг бошига тўкиб, халққа сахийсўз бўлгани қизиқ!..”

Шундай кунларнинг бирида Тангрибердининг номига қайсидир ҳарбий қисмдан мактуб келди. Унда нималар ёзилгани номальум, хатни ўқиб бўла солиб йиртиб ташлади, лекин ўша кундан эътиборан юзи докадек оқариб юрди. Шахмат ўйнашни ҳам йиқитириб қўйди. Ҳатто шахмат тахтасини бекитиб қўйди. Ўзини хумори тутмаслиги учун раиснинг топширигини ўзига ўзи рўқач қилиб, эртадан кечгача далада, узумзорда изғиб юрди. Кўнглидаги иштиёқни ўлдирмоқчи, шу йўл билан ҳамма, ҳаммасига барҳам бермоқчи эди. Ўзини хиёнаткор санарди. Юзига қора суртгандек ўзидан нафратланарди. Орзу-умидлари, иззат-нафси, қалб тўрида асраган эвоғ ҳислари топталди, эшик уларни ўлдирди қолди. Шундай ўлдирди керакки, улар ҳеч қачон қайта бош кўтармасин, дайвонга айланган эгасини қайта безовта қилмасин!..

Озиб кетди йигит. Қорайди. Нитоҳларидоғи маҳзунлик йўқолиб, кўзлари бефарқ боқди... Бир ҳафтанинг нари-берисига у ўзини ҳаддан ташқари толиқтарди. У ҳеч қачон ўзини бунчалик хўрламаганди. Аёлига қарашга-да ўзида рағбат сезмасди. Тунлари тескари ўгарилиб ўзини ухлаганга солиб ётар, хотинини бир маромада нафас ола бошлаганини ҳис этгач аста тўшакдан туриб, ташқарига йўналарди. Ой шубласидан ёришган ҳовлида кўлларини кўксига чалиштирганча айланиб юрарди. Ҳеч нарсани ўйламасликка интиларди. Ҳовлида шарпадек изғиб юришидан мақсад ўзини янада толиқтириш эди. Толиқса, ҳолдан тойса тош қотиб ухлайди. Айланиб юриш асносида оёқлари толиққанини ҳис этар, лекин кўзларига уйқу келмасди.

Борлиқ осмон чироқлари ёғдусидан ёришган, тун зулмати қочиб йигит қалбидан паноҳ топганди.

Зулматнинг кўнглига ингани ёмон...

Тоғдай йигит кўнглига инган зулматни даф этолмай ҳалак эди...

Бедор йигит чорбоғ этагидаги тепалик устига чиқиб, тиззаларини кучоқлаб ўтирган қўйи дўнгликлар оралаб келган, айни чоғда тун ёғдусида оқариб турган илонизи йўлга унсиз тикиларди. Кейин чуқур хўрсиниб қўяркан: “Яхшим осмон битта...” деб пичирларди...

Кундўзги югур-югурлардан толиққан келинчак пишиллаб ухлаб ётар, эрининг тунги шарпадек бедор кезишларини сезмасди. Тонгга яқин намоз вақтидан ўтиб кетмади-микин, деган хавотир туйғусидан чўчиб уйғонар, шундагина эрининг ёнида эмаслигини билиб, мунғайиб қоларди.

Бир оқшом тескари қараб, ўзини ухлаганга солиб ётган эрининг елкасини силаркан, ботинқирамасдан сўз қолди:

— Мендан кўнглингни қолдими, нега терс қарайсиз?..

“Кўнглим бормиди ўзи?” дегиси келди йигитнинг. Шундан дейишга чоғланди ҳам...

Аммо...

Қапишиб ётган аёлнинг қорнида типирчилаётган гўдакнинг “тепкиси”дан йигит хушёр тортди.

— Сенга шундай туюлгандир-да...

Аёл жавобдан қониқмади. Бошқача... жудаям бошқача жавоб кутганди.

— Ота-энангизнинг ўтидан кириб, сувидан чиқсам... — иддао қилди аёл. — Қариндошларингизни бешикдаги боласига сен демасам...

Йигитнинг гапиргиси келмади, энсаси қотди. Аммо ба-рибир нимадир дейиш керак...

— Фазилатларинг учун яхши кўришни истамайман.

Аёлнинг уни ўчди.

* * *

Нонушта вақтида Тангрибердининг тумтайиб ерга қараб ўтирганини кўрган тегирмончи хотинига им қоқди. Демокчи бўлдики, нима бало хотиниминан жиқиллашиб қолди?

Она кимдандир, қаерландир ўғлига мактуб келганидан гира-шира хабардор, юраги безовта, аммо эрига қараб: “Бил-майман”, дегандай елка учирди.

Тегирмончи зимдан қараб, ўғлининг оғзини пойлади. Тангрибердидан ҳадеганда сас-садо чиқавермади. Тегирмончининг тоқати тоқ бўлди.

— Гунқаргага ўхшаб шуйтиб ўтирберасанма?! — деб юборди охири.

— Ота! — илкис бош кўтарди Тангриберди. — Менга пул керак! Келаси ойнинг ўн еттинчисида шахмат бўйича мусобақа бошланаркан. Бораман-у қайтаман, ишонинг, фақат шунинг учун бораман. Турнир тугаши билан қайтаман. Сўз бераман!..

Тегирмончи ўғлининг сўзларини бўлмади охиригача эшитди. Сўнг кўзларини лўқ қилганча:

— Мен бир дийирмончи бўлсам. Ортиқча пул нима қилсин, — деди у.

— Топганимни олиб келяпман-ку, ахир!

— Топганингни берган бўлсанг бир ўзим еганим йўқ. Сенам бир рўзворсан энди. Бола-чақангни боқиб ётибман-ку! Тангрибердининг юзи аламдан бужмайиб кетди.

Довул тегирмончи хотиржамлик билан чой ҳўплади. У ўғли томонга қарамасликка уринарди.

— Бораман, барибир бораман! — деб бақириб юборди Тангриберди жазавага тушиб. — Пул бермасангиз берманг, ўзим топаман! Лекин билиб қўйинг, энди бутунлай кетаман!

Тегирмончи пиёлада қолган чойни ўғлининг юзига се-либ юборди. Кейин ириб ўрнидан туриб Тангрибердининг устига бостириб келиб, ҳўл бўлган сочларидан тортиб уни ўзига қаратаркан:

— Қани, кетиб кўр-чи, қарғайман, бола!.. — деди важо-хат билан. — Ўнгмайдиған қилиб қарғайман!..

— Бораман, барибир, бораман... — деди Тангриберди паст, аммо қатъиятли овозда.

— Ҳэ, энангди!..

Довул тегирмончи ўғлининг дуч келган ерига мушт ту-шира бошлади.

Бувзиллол байча ҳай-ҳайлаб ўртага тушди. Йиғлади, ба-қирди, аммо ўғлини ажратиб ололмади.

Довул тегирмончи қутуриб кетганди.

Бор кучини сарфлаб бўлгандан кейингина тегирмончи ҳолдан тойиб ўтириб қолди. Шундоққина ўғлининг ёнига...

Тангриберди бошини ҳимоя қилмоқчи бўлгандек қўллари билан калласини тўсиб олган, пиқ-пиқ йиғларди...

Бир неча кун ўтди.

Довул тегирмончи раиснинг ҳузурига борди. Уйда бўлган гап-сўзларни оқизмай-томизмай Эшбоевга гапириб берди-да, охирида ўтинч билан деди:

— Кўнглим сезиб турибди, улим олдингизга пул сўраб келади. Битта илтимосим шу, райис бова, улимга пул берманг, илтимос, уришинг, сўкинг, ҳаққингиз бор. Керак бўлса бир-икки шапат урсангиз ҳам майли, болани йўлдан қайтаринг!..

— Мени олдимга келолмайди, — деди Эшбоев ишонч

билан. — Ботиниб келса, ўзим болайми, сиз хавотир олманг, у ҳеч қаерга кетолмайди! Истасам, биз истасак, қочиб борган еридан ҳам қайтариб олиб келамиз!

Довул тегирмончи идорадан кўнгли хотиржам бўлиб чиқди. Эшбоевга бўлган эътиқоди янада ортди. Халқ дарди билан яшайдиган раисга ҳайкал қўйиш керак, деган фикр хаёлини банд этганди.

Бироқ тегирмончининг хотиржамлиги узоққа чўзилмади. Тун ярмида аллақандай шовир-шувур қулоғига чалиниб, ҳовлига чиққан тегирмончи ҳайратдан бир лаҳза қотиб қолди.

Ўтган йили фалон пулга сотиб олган тахталарни Тангриберди билан яна биров кўча эшик томон ташиётган эди!

Шу орада Бувзиллол байча чиқиб қолди-ю шовқин-сурон кўтарилди. Нотаниш киши кузовли машинасига ўтирди-да, жўнаб қолди.

Довул тегирмончи ўғлини тутиб қолди, холос.

Тахтанинг яри машинада кетди.

Тегирмончи шу кунни сездии куч-қувватдан қолганини, чунки ўғли юлқиниб чангалидан чиқиб чорбоғ томон қочиб кетганди.

— Қайт! Орқангга қайт, бола! — деб ҳайқирди тегирмончи. Ҳайқирғи тун зулматини ёриб ўтиб тепаликлар ортида акс-садо берди.

Тангриберди ортига қайрилиб ҳам қарамасди.

Қаҳр-газабдан дир-дир титраётган тегирмончи қўлларини тепага кўтариб, кафтларини очди:

— Қарғайман, бола! Ўнгмайдиған...

Бувзиллол байча ўзини эрининг оёқлари остига ташлади.

— Жон отаси, боламини ерпарчин қилманг... жон отаси, мени уринг... мени тепинг... аламингиз босилади! Боламини қарғаманг, жон отаси...

Тегирмончининг кўзлари филтиллади.

Кўкка чўзилган қўллари бўшашиди...

Оёқларидан мадор кетиб ерга чўк тушди.

Кўз олдидан ўғлининг чақчайган кўзлари нари кетмасди.

Бу кўзлар бир вақтлар юм-юм кўз ёш тўкадиган кўзларга сира-сира ўхшамасди.

Довул тегирмончининг дуоибадга очилган қўллари бо-шини чангаллади...

Тангриберди тунни тепалик ортида ўтказди. Унинг юзи, бўйни, билаклари тирналган, қон сизган эгнидаги кўйлагининг тугмалари узилган, сочлари тўзғиб, “сават” бўлиб қолганди. Жон асари тарк этаётгандек аъзойи-бадани бўшашиб, ҳолсизланиб борарди.

Аммо... орзуси ҳали ҳам сўнмаган, кўнгил қирғоғида илиниб турар, “ана кетдим-мана кетдим” дегандай. Лекин буткул тушиб кетишга ожизлик қилар, чунки... илдизи ба-қувват эди!..

Тонг отиши билан у ҳўжалик идорасига борди. Эшбоев энди келиб турган экан.

— Намунча, гарга озгига ... олмасдан келиб турибсан? Тинчликми? — Эшбоев Тангрибердининг шилинган, гезарган юзидан “тинчлик” эмаслигини пайқаган бўлса-да, атай шундай деди.

— Менга бир оз пул керак, ака. Илтимос, йўқ деманг!..

— Пул керак бўлса отангдан сўрамадингми? — Эшбоев курсисига ястаниб ўтириб, йигитга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Отам... — деди-ю Тангриберди гапиролмай қолди. Шу пайтда ҳам кўнгил бўшайдими?

Раис ундан кўз узмай турарди.

Тангриберди ич-ичидан кўтарилаётган галаённи куч билан босди. Кейин раиснинг кўзларига тик қараб деди:

— Отамда пул йўқ экан. Илтимос, раис ака!.. Кўрқманг, еб кетмайман...

— Энди, ука, бизнинг номимиз улўғ, раис деган отимиз бор, лекин пул масаласида эл қаторимиз, — деди Эшбоев зорлангандай бўлиб. — Раисда пул тиқилиб ётибди деб ўйлайсан-да ҳамманг!.. Аслида аввалги раиснинг шилтасидан ҳамон чиқолмай ётганимни ҳеч ким билмайди. Ҳўжаликни ўтказиб қўйган экан, номард!

— Бу гапларни отамга айтсангиз ишонарди, — дея пичинг қилди Тангриберди.

— Ишонмасанг ўзинг биласан!..
— Пул бермайсизми?.. — Кўзлари чақчайди Тангрибердининг. — Бермайсизми?..
— Бермайман десам урасанми?!
— Йўқ, урмайман, — Тангриберди хотиржам сўзлашга уринса-да овози, нафақат овози, балки бутун вужуди титрай бошлади. Қарашлари ҳам ғалати эди. — Лекин!.. Ер сотганингизни, йўллар тўлиқ асфальтланди, деб бир миллион сўмлик акт тузиб, пулни уч-тўрт киши бўлишиб олганларингизни ёзиб райкомга, керак бўлса обкомга бораман. Фермадаги қўйларни сел оқизиб кетди деб акт туздирганингизни ҳам биламан. Ўн беш йилдан буён хўжаликни еб ётибсиз-ку, сизда пул бўлмайдими?!
— Ҳов бола, ўйлаб гапир!.. Тилим бор деб...
— Мана, манави қоғозда, — Тангриберди қўйлагининг кўкрак чўнтагидан тўрт буклоглиқ қоғоз олиб, ҳавода сил-китди, — барча кирдикорларингиз ёзилган. Ипидан игнаси-гача! Мен бир йилдан буён идорада бекор юрганим йўқ!..
Эшбоев бақа бўлиб қолди.
Аммо тезда ўзини ўнглаб олди.
— Э, билганингни қилмайсанми! Менга деса райкомдан ҳам каттасига бор!
— Мана шу гапингизни ёзиб қўяман. Кўрқмайсизми, ахир?!
— Нега кўрқаман, ҳақ бўлгандан кейин. Опке, ёзганингга қўл қўйиб бераман!
Кутилмаганда Тангриберди ҳиринглаб қулди.
— Аҳмоингиз йўқ, — деди ортига тисланаркан. — Сиз билан энди тегишли жойда гаплашамиз!
Эшик тарақлаб ёпилди.
«Ана энди, Эшбоев оёғи куйган товукдек типирчилаб қолади! — дея ичиди тантана қилди йигит. — Типирчиламай кўрсин-чи, ур-руғини қуритаман ҳали!..»
Тангриберди хўжалик идорасидан узоқлашгани сайин тез-тез ўтирилиб ортига қараб қўярди. Ўйлардики, типирчилаб қолган раис орқасидан югурдакларини югуртиради. Шунда... Шунда... Ана шунда!..
Тангриберди уйига яқин келди ҳамки, идора томондан бировнинг қораси кўринмади.
Кўча сокин, кимсасиз эди.
Хўжалик идораси ҳеч нарса бўлмагандек кўққайиб турарди.
Йигитнинг асаблари заифлашди. Юзидаги шодиёна инфода йўқолди. Ҳалигина ғалаба наъшасини тантана қилаётган юраги ториқа бошлади. Бирдан унинг миясига: «Нега Эшбоевга ёпишиб қолдим? — деган фикр ярқ этиб урилди. — Бировга ўтқазиб қўйган жойим борми? Биров-биров-да, чўнтаги тўла пул бўлсаям истаса беради, истамаса йўқ!» Ўзига ўзи шундай дейиши билан Тангрибердининг туйқусдан жазаваси кўзиб кетди. Ўзини босолмай қолди. «Эшбоевни ер билан яксон қилишим керак!» Ушбу тахдидона фикр йигитга фавкуллода куч-қувват бағишлади. Орзулардан озурда бўлган юраги ғазаб ва нафрат исканжасида дир-дир титраса-да... гайришуурий равишда руҳан энгил торган эди. Афсуски, бу кайфиятнинг умри узоққа чўзилмади. Қия очиқ эшикдан уйга кириши билан хотинига кўзи тушиб асаби бузилди. Барча кўргилигу-шўришларига хотини айбдордек кўзига бало-қазодек кўринди. Шунда ҳам ўзини босишга уринди. Эшбоевнинг «урруғини қуритиш» фикридан ҳали ҳам қайтмаган эди. Шунинг учун хаёлини чалғитмасликка тиришди. Қоронғу хонага кириб олиб, Эшбоевнинг устидан ўхшатиб ёзмоқчи, шу йўл билан юрагидаги заҳар-заққумларни мадда боғламасдан чиқариб ташламоқчи эди. Раисга дағдаға билан кўрсатган қоғозда аслида ҳеч вақо ёзилмаганди. «Мана энди кўради менадан!..» Тангриберди қоғозга алланималарни ёзишга киришди. Аммо ҳадеганда фикрини жамлай олмади. Чунки хотини у ёқ-бу ёққа ўтиш баҳонасида эрининг елкаси оша кўз ташлаб «пойлоқчилик» қилаётганди. Тангриберди бунга сезиб қолди.
— Нимага бунча атрофимда хира пашшадек ўралашсан?! — деб бақирди у, аззойи-бадани яна дир-дир титрашга тушди. — Бор, йўқол, кўзимга кўринма!
Келин тахта бўлиб қолди.

— Эй, йўқол дегандан кейин йўқолмайсанми! Ҳайлаб чиқармагунимча тураверасанми қаққайиб!..
Доғ босган олма ёноқлар аввал қизарди, кейин оқариб кетди. Сўнг хўнграб йиғлаганча гоз юриш қилиб қайнонасининг уйига қараб кетди.
Бу ёғи энди маълум...
Келин ҳиқиллаб йиғлайди аввал...
Юраги ёрилган қайнона шошиб қолади. Нима бўлди ўзи, деган зардали сўров базур оғзига келади.
Келин пиқ-пиқ йиғлайди.
Йиғлаб туриб сўзланади, айтадики, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, жонимга тегиб кетди, мени ким деб ўйлаяпти улингиз, ҳайлаб чиқармасан кетмайсанми, деб бақиради?! Мен ўз оёғим билан келмаганман йўлдан кўшилиб, иззатимни қилиб олиб келибмидингизлар, энди беиззат бўп қолдимми? Бировга хат ёзаётганини кўриб қолганимдан кўрқиб кетди, кўрқоқ!..
Бошига гурзи тушгандек довдираб қолган она (қайнона бўлиш ҳам осонмас) бу вақтга келиб хушини йиғиб олади, қарши хужумга ўтади, айтадики, ҳа, эси йўқ хотин! Эринг кет деса кетаберасанми? Қачондан бери у хотин ҳайдайдиган бўлиб қолти? Бу уйдинг катталари ўлганми? Қайната-қайинна пишагингни пишт демаса, эринг аччуви чиқиб турганда айтса-айтибди-да. Кундуз урушса, оқшом суяди, эр-хотинчилик шу-да!
Келиннинг қарашларида зигирдек идлаоми, саркашликми бордай, аммо уялганидан қайта оғзини очмайди. Лаблари қимтилганча ҳовлига чиқади, тенгсалиб, бир нимасини йўқотгандек гарангсиз у ёққа ўтади, бу ёққа ўтади, иш унмайди. Қайтиб ботинқирамасдан ўз уйига киради. Ўргамчикка ўхшаб ўз тўрига ўралиб олган анови «тўрсўхта» аёл томонга қараб ҳам қўймайди...
Келинга алам қилиб кетаверди... кетаверди...
Охири чидай олмади, апил-тапил кийимларини йиғиб тугунга тугди-да, индамай чиқиб кетди.
На бир товуш берди, на бир сўз деди.
Андак зарда билан ёпилган эшикдан «қарс» этган овоз чиқди холос.
Келиннинг кетиб қолганидан хабар топган ота-она кечга яқин Тангрибердини ўртага олишди. Бири бақириб, сўкиб, боши устида муштани дўлайтурса, иккинчиси йиғлаб-сиқтаб, эмраниб... йўлга солишди уни. Аммо меҳрибонларнинг бирови ҳам нима бўлди ўзи деб сўрашмасди.
Хуллас, хотинини олиб келиш учун Тангрибердининг ўзи борадиган бўлди.

* * *

Келин кутмаган экан.
Эшик олдида турган эрини кўриб кўзлари чақнаб кетди. Кейин бирдан аразли экани эсига тушиб, дарров қовонгани солиб олди.
— Бўл, нарсаларингни йиғиштир, опкетгани келдим, — деди Тангриберди куруққина қилиб.
— Бормайман! — Келин терс бурлиди.
— Нега?
— Айттайинма, айтсам айттайин, кўнглингиз бошқала сизнинг! Ҳар дойим бировни ўйлаб юрасиз!
— Осмондан олдингми бу гапни?..
— Осмондан олганим йўқ, Шовқи муаллимнинг хотинидан эшитибидим!..
— Қачон?!
— Тўйдан олдин!..
— Одамлар нималар демайди. Бир вақтлар кимдир билиб-билмай гапирган гапни байроқ қилиб кўтариб юриш шартми?
— Ўзингиз айтдингиз-ку!..
— Қачон айтдим? Нима дедим?..
— Айтдингиз... Ўзингиз айтдингиз... — Келин ҳиқиллаб йиғлашга тушди. Овози аянчли эди. Йиғлаганида, энтикканида атлас қўйлаги остида дўлпайиб турган қорни кўтарилиб-тушарди.
— Бўлди, энди... — Тангрибердининг кўнгли бир хил

бўлди. Шаштидан тушгани овозидан билинди. — Бўла қол, уйдагилар кутиб қолишди.

Келин оёқ тиради.

— Аввал ваъда беринг, ҳеч кимни ўйламайман деб! Борларини ҳам кўнглимдан чиқариб ташладим денг!

Тангрибердининг эти сесканди. Жунжикаёттандек қунишиб олди.

Кўнглидаги сир-асрорини билиб олмоқчидек синчиковлик билан тикилиб турган ёстиқдошидан нигоҳларини олиб қочаркан... ночорлик билан кулимсиради:

— Сен нима десанг шу...

Аёл-аёл-да... эрининг бир лаҳзалик сукутдан кейин янграган лутфидан хурсанд бўлиб кетди.

— Сиз бораберинг, мен пичак ёпиб, кейин бораман.

Отам билан энам бир мазза қилиб ейди.

— Кеч бўлиб қолди-ку.

— Укам қўйиб келади.

Келин шовилганча ичкарига кириб кетди.

Ҳақиқий азоб кейин бошланди.

Кайнотасининг дарвозасидан беш-олти қадам узоқлашар-узоқлашмас Тангриберди ўзини уриб ташлагудек ёмон кўриб кетди.

Ўзини оғир тоғ кўчкиси остида қолгандек ҳис этди.

Юраги сим-сим оғриди.

Уйга богиси келмади.

Кейинги кунларда тилга тушиб, анча танилиб қолган, пастак пештоқига “Ҳасан вино” деб тумтароқли ёзув осилган уй томон бурилди. Уйга яқинлашган сари ачиган-чириган мевачеваларнинг қўланса ҳиди димоғига урилиб, афти бужмайган бўлса-да ортига қайтмади...

Йигит ҳамма-ҳаммасини унутишни истарди...

Алламаҳалда винофурушнинг хотини ҳайдаб солганидан кейин ўрнидан турган Тангриберди кайф зўридан бир неча марта йиқилиб тушди. Бир амаллаб ўрнидан турди, зум ўтмай яна йиқилади. Гандираклай-гандираклай кўчага чиқиб олди. Тунги саррин шабада мисдай қизиётган лоҳас вужудга хуш ёқиб, бир неча дақиқа йўл ўртасида туриб қолди. Оғзини катта-катта очиб кўксини тўлдириб нафас олди. Муздай ҳаво гумираётган юрагининг тафтини босгандай бўлди. Кейин уйини мўлжал олиб йўлга тушди. Ўзича нималардир деб гудранар, йиқилиб-суринар, йўлнинг гоҳ у томонига гоҳ бу томонига ўтиб гандираклай бораркан орқасидан изма-из келаётган иккита барзангидай йигитни пайқамасди.

Бир оз юргач сойлик бошланди.

Сойлик хилват эди.

Навбатдаги уй нариги тепалик бағрида эди.

Тангриберди сойликка энаётганда йигитлардан бири етиб келиб уни туртиб юборди. Зўр-базўр оёқда келаётган йигит “гуп” этиб йиқилди.

Сойлик қоронғубо эди. Сарғимтир ойнанинг сарғиш шуъласи бу ерни гира-шира ёритарди.

— Кўзингга қараб юрсанг ўласанми! — Бирдан дағдага қилди ўша йигит. — Нега туртасан мени?.. Сенга осилдимми?!

Тангриберди инқиллаб ўрнидан тураркан:

— М-мен т-ту-туртмадим. Ўз...зинг-ку... — дея гўлдиради.

— Ие, ҳам фарлик, ҳам пешгирлик де. Ҳов бола!.. Йигит Тангрибердининг ёқасидан олди: — Тухмат қилсанг каттароғидан қил, билдингми?!

— Ўзинг... — дейишга улгурди Тангриберди, барзанги асабийроқ эканми, уни ёқасидан тутиб, бир-икки сиқди-да кейин итариб юборди.

Тангриберди орқаси билан ерга ўтириб қолди.

Тангриберди сўкинганча ўрнидан турганида барзанги муштини ишга солди. Тангриберди чап бермоқчи бўлди, лекин эплай олмади, кайфининг зўридан боши ҳамон гаранг эди. Мушт Тангрибердининг қўйи жағини шишириб юборди.

Жаҳди чиқиб кетган Тангриберди қаттиқ теккан зарбдан ва газабдан афти бужмайганча қарши хужумга ўтаркан, нега бу одам менга тўппа тўсиндан ташланиб қолди, деб таажжубланарди. Гира-ширада у барзангининг кенг, япаски юзи-ю қаҳр-газабдан ёниб турган кўзларинигина кўрарди. Бундай башара-

ни у қишлоқ ичида учратмаганидан уни таний олмади.

— Энангди!.. Пишагингни пишт демасам, нега мени итарасан?! — Тангриберди қорувли эди, йигитнинг елкаси-га, бақинига бир-икки мушт туширди. Барзангининг лаби ёрилди шекилли, Тангрибердининг қўли шилимшиқ нарсасига тегди. Бундан руҳланиб кетиб муштга зўр берди у. Бақинига, кўкрагига тушаётган зарбалардан бадани зирқираб оғриётганини ҳис этса-да у бор кучини тўплаб уришарди.

Барзанги қалқиб кетиб, йиқилишига сал қолди. Шунда иккинчи барзанги шеригига ёрдамга келди. Тангрибердининг муштли зарби заифлаша бошлади. У иккала томондан тўхтовсиз урилаётган мушларга чап бера олмай қолди. Унинг биқинлари, бели, елкалари зирқираб оғриди. Иккинчи барзангининг қақшатқич тепкисидан кейин боши худди кўрғошин қуйилгандай оғир бўлиб қолди. Ҳолдан тойган йигит йиқилиб қолганда ҳам барзангилар аяб ўтиришмади. Энди улар Тангрибердининг дуч келган ерига тепишарди.

— Теп! Теп! — дейишарди улар ҳансираб. — Ўнгмайди-ган қилиб теп!

Не кўргулик юз бераётганига ақли бовар қилмаётган Тангриберди жон аччиғида бақира бошлаган эди, йигитлардан бири қафти билан оғзини тўсди-ю елкаси аралаш бўйинига зарб билан тепди. Иккинчиси мўлжаллаб туриб белига тепди...

Тангрибердининг кўзлари даҳшат ичра “ярқ” этиб очилди, гавдаси бир кўтарилиб тушди-ю юзтубан йиқилди...

Барзанги йигитлар шундан кейин баттар қутуриб кетишди.

Улар Тангрибердининг боши-кўзи демай тепаверишди, тепаверишди...

Касалхона.

Жой танқислиги сабаб олти кишилик палатанинг кираверишида, эшикка яқин ерга қўйилган каравотда Тангриберди юзтубан ётарди. Унинг умуртқа поғонаси уч еридан синган, синганда ҳам унча-мунча эмас, суяклари майда-майда бўлиб кетганди. Тўрт ойдан буён жароҳати битмас, дўхтирларнинг ўзаро эътирофича, ҳали-вери битадиганга ўхшамасди. Бундан ташқари бош мияда ҳам андак ўзгариш юз берган чоғи, йигит тез-тез иситмаси кўтарилиб, хушдан кетиб қоларди. Ҳушига келгандан кейин ҳам кўз олди қоронғулашиб, қулоқлари шанғиллар, юзи докадек оқариб, оёқ-қўллари музлаб қоларди. Кўп терлаганидан кийимлари хўл бўлиб кетар, томир уриши сустлашиб, қисқа-қисқа нафас олиб ётарди.

Тўрт ойдан буён аҳвол шу...

Тўрт ойдан буён у тахтакаравотда ётарди...

Озиб, чўп бўлиб қолганди.

Тўр ойдан буён ўглининг ёнида ўтирган она ҳам адоий-тамом бўлганди. Қовоқлари чуқурлашиб, кўзлари ўйилган гўрдай бўлиб қолганди.

Ўғлини ҳар гал операция хонасига олиб кириб кетишаётганида: бу довургисига чидай олмайди, нима жони қолди ўзи, деган ўйдан жинни бўлиб қолай дерди. Икки... уч... баъзида тўрт соатлаб чўзилган операциядан кейин ўғлини яна тирик ҳолда кўриш насиб қилганида она дунёга қайта келгандек бўларди...

Бирдан елкаси гудрайиб, алпдай қомати дол бўлиб қолган Довул тегирмончи кун ора касалхонага қатнайди. Ўғлининг ўнганмаётганидан хавотирга тушиб, кўнглига бир шумлик келди: “дўхтирлар бир нарсга мудигар бўлаётган бўлмасин, тагин!..”

“Қора кун”га деб асраб қўйганидан қисиб-қимтиб бир қисмини олиб бориб катта дўхтирнинг шахсан ўз қўлига тутди. Тўғри, орага одам қўйса ҳам бўларди, лекин ўрталаги одам қаллоблик қилиб, пулни катта дўхтирга бермасачи! Берсаям аввал ўзини улушини олиб, ортганини оборса-чи. Қўлма-қўл бўлгандан кўра ўз қўли билан бергани маъқул. Катта дўхтир у-бу дейдиган бўлса, “биз бир оми одаммиз”, деб тураверади. Ҳозир пул олмайдиган дўхтир борми, ҳаммаси ҳам шу сариқ шайтонни кўрса шайтонлаб қолади.

Афсус...

Тегирмончи хом ўйлаган экан.

Катта дўхтир ранглари ўчиб, титилиб кетган, захнингми, моғорнингми ҳиди анқиб турган, жамиси майда пул-

лардан иборат боғламни тегирмончининг қўлига қайтариб бераркан:

— Ўғлингиз тузалаверсин, бундан каттароғига эрийсиз, ҳали, — деди.

— Кам бўлса яна опкеламан...

— Кам деяётганим йўқ, ум-муман керак эмас, деяпман. Очигини айтсам, раисингиз бизга шундай топшириқ берган!..

— Йўғ-е, Эшбоев келдима?.. — Ишонқирамасдан дўхтирнинг кўзларига тикилди тегирмончи.

— Ҳа, келди, ўғлингизни кўрди, айтадиганини айтди бизга. Хуллас, “золотой” раисингиз бор экан!..

— Эшбоевни икки-уч марта кўрдим... — деди тегирмончи ўзига ўзи гапиргандай ўйчанлик билан. Аммо... Эшбоев бу ерда нима қилиб юрибди, деб ўйлаш ҳаёлига келмади.

— Эшбоевга ўхшаган одамлар яхшилиқни билдирмасдан қилишади, — деди катта дўхтир.

У самимий сўзладими ёки кесатиб гапирдими, тегирмончи ажрата олмади, дўхтирнинг гап оҳанги тушуниксиз эди.

Барибир, нима бўлганда ҳам дўхтирдан эшитган янгилик тегирмончига хуш ёқди. Эгилган қақди кўтарилди. Эшбоев аралашдими, демак улим тузалади, деган ишонч билан қайтди касалхонадан.

Хўжалик идораси қаршисидан ўтаётиб ичкарига киргиси келди. Аммо ботинолмади, тўғриси оёғи тортмади. Кирди ҳам дейлик, нима дейди? Яхшиси, ўғли тузалиб кетганидан кейин уни етаклаб идорага боради, икковлашиб миннатдорчилик билдиришади.

Фикри ўзига жўяли туюлди.

Кампири бўшаган идишларни солиб берган сеткани саланглаганча йўлида давом этди. Икки қадам ташламасдан ортига ўтирилди. Назариди, идора деразаларининг биридан кимдир қараб тургандек, тегирмончи ўтирилиши билан ўзини панана тортгандек туюлди...

Уйга келиб биринчи қилган иши, оғзидан боласи чиқиб кетгудай бўлиб юрган келинини отасиникига олиб бориб қўйди. Бувзилол байча шунга қаттиқ тайинлаганди.

Келин... камзулининг ёқасини кўзига босганча йиғлаб қолди.

Довул тегирмончи қудасининг уйдан чиқиб тегирмонга борди. Бироқ кундалик машғулотига қўл ургиси келмади. Илк бор ишдан кўнгли совутганини ҳис этди.

Эшик олдидаги курсидада узоқ ўтирди.

Кўёш пушти ранг уфқ устида осилиб турарди.

Кўёш нурларидан тегирмончининг кўзлари қамашди, у худди кўзи оғриган одамдай ёруғликка тик боқолмай қолди.

Бошини куйи солиб, кўзларини чирт юмди. Шундай қилса унга осондай туюлди.

Бирор соат ўтиб кўёш кўринмай қолди.

Уфқда пушти ранг излар жилоланди.

Тегирмончи бошини кўтарди, кўзларини баралла очди. Ухлади, деб ўйлади. Лекин у ухламаганди. Курсидада қимир этмай ўтирганча, ҳеч нарса ҳақида ўйламаган, мушоҳада қилмаган эди.

Қалби ҳам, мияси ҳам бўм-бўш, хувиллаб қолганди.

Бир маҳал у бирдан сесканиб кетди, аланг-жалаң қилиб ён-верига қаради. Атрофда ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кейин билдики, безовта қилган нарса синиқ тишининг зиркираши экан. Тегирмончи тишини ушлаб кўрди. Сал қимирлаб қопти. Тушиб кетганида кутилардим, деб ўйлади у.

Уфқдаги пушти ранг излар йўқолган, қош қорая бошлаганди.

Тегирмончининг хувиллаб қолган қалбига аста-секин изтироб ина бошлади. Оқшом борлиқни айланиб ўтиб, унинг қалбига оқиб кираётганди...

Ўмровини кўтара олмай, ўсал ётган ўғлини кўз олдига келтираркан ўзини босиб тура олмади: “Занғар!.. Ичишга бало бормиди?! Мен энди кимнинг ёқасига ёпишаман, боламини нега майиб қилдинг деб!..”

Кейин шахт билан ўрнидан турди-ю, Кўзибой ошнасининг ҳовлиси томон юрди.

Ошнасининг бир уйига қамалиб олиб, ярим кечагача бўкиб ичди. Аввалига чарчоғи чиққандай тетикланди, фикрлари тиниқлашди. Хотирасида олис ўтмишдаги узуқ-юлуқ хотиралар жонланар, аммо зум ўтиб, бу манзаралар айқаш-уйқаш бўлиб кетар, кўз олдидан ўғли билан боғлиқ воқеалар бир-бирига эргашиб ўта бошларди. Нимагадир камзулининг ёқасини кўзига босганча йиғлаб қолган келини ҳадеб кўзига кўринаверарди.

Нимадир алам қилиб кетаверди. Нималитини ўзи ҳам билмасди. Яна ва яна куйиб ичиб бир неча сопол идишни бўшатди. Кейин ўзини бошқара олмай қолди. Лоҳас бўлганидан уй ичига сиймай кетаётгандек ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёнга ташлар, тинимсиз “ух” тортар, бўғзига нимадир тикилиб қолгандай иягини тепага кўтариб, ҳадеб томоғини силарди.

Бир маҳал хабар олгани ошнаси Кўзибой кириб қолганди, сенам ич, дея унга ёпиши-қолди. Кўзибой ошнаси: “Ичмайман, ичишни ташладим, сотган одам ичмайди, галварс”, дея ўзини четга тортса ҳам кўнмади. “Ичасан, мен минан ичасан”, дея тирғалаверди. Ўртага Кўзибойнинг хотини тушди. Эр-хотин бир амаллаб тегирмончини уйдан чиқариб юборишга зўр бериб уринишарди.

Аммо...

Довул тегирмончи кетишни ҳаёлига ҳам келтирмас, ҳадеб бошмолдоқдай нарса туртиб чиққан томоғини силаганча:

— Мана шу еримда нимадир турибди-да, ошна. Не ичга тушади, не сиртга чиқади... — дея йиғламсиради.

Орадан икки ҳафта ўтиб келиннинг кўзи ёриди, ўғил кўрди.

Довул тегирмончи қудасиникига бориб неварасининг қулоғига азон айтиб, исм кўйиб келди.

Отасига йўлдош бўлиб юрсин деб неварасининг исмини Йўлдош деб атади.

Тангриберди эса ҳеч нарсдан беҳабар, ҳамон қимир этмай дустаман ётар, яқинда бўлиб ўтган бош мия операциясининг оқибати шекилли, кун-узукун пиш-пиш ухларди. Охири операцияга олиб кетишаётганда Бувзилол байча... очиги, умидини узганди. Озиб кетганидан қуриган чўпдай бўлиб ётган, дока билан ўраб ташланган юзи бир бурда бўлиб қолган ўғли операциядан тирик чиққанини кўриб кампир изиллаб йиғлаб юборди. “Чибиндай жонинг тошдан қаттиқ экан, болам...” дерди у ҳиқиллаб.

Куну-тун пишиллаб ухлаётган Тангриберди аста-секин ўзига кела бошлади. У онда-сонда уйғониб кетгандек бўлар, изтироб ифодаси қотиб қолган, ёстиққа босиб ётаверганидан эгри-бутри чизикчалар пайдо бўлган юзи бир турликкандек, қотиб қолган қорачиқлари ҳаракатлангандек бўларди-ю илҳақ ўтирган она “ҳа”, дегунча бўлмай яна ухлаб қоларди.

Бир оқшом унинг тагин иситмаси кўтарилиб кетди. Аъзойи-бадани темирдек қизиб, алаҳлади, алланималар деб қичқирди. Ҳатто ўрнидан турмоқчи бўлиб бошини кўтарди, аммо жароҳати оғриб кетди чоғи, бошини кўтарган заҳоти азобдан афти бужмайиб кетди.

Шу охиригиси бўлди.

Шундан кейин Тангрибердини жазавага солувчи ғайритабиий иситма безовта қилмади.

Кундан кунга юзи сокин тортиб, ўнглана бошлади. Гапирмаса-да ётган еридан ён-верини кузатарди, қорачиқлари у ёқдан бу ёққа бориб-келарди.

Бошида парвона бўлаётган аёлга қизиқсиниб қараб қўярди. Ниҳоят кунларнинг бирида Тангриберди тилга кирди:

— Қорним оч... — Қуруқшаб, ёрилиб кетган лабларидан учган дастлабки сўз шу бўлди.

Бувзилол байчанинг юраги ёриләзди.

Топган-тутганини ўғлининг оғзига тутди.

Бирор соат ўтиб яна Тангрибердининг шикаста овози эшитилди:

— Овқат... борми?..

— Болам бечора... — Онанинг кўнгли вайрон бўлди. — Индиги қуриб кетган-да.

Бироқ...

Кўп ўтмасдан ўғил тагин овқат сўради.



Бу сафар она хиёл ажабланди. “Шунча овқат қаерга кетяпти?” деди ичига ўзига ўзи. Кейин кўзи тегиб қолишидан кўрқиб кетди. Шоши-пиша ўнг оёғи билан чап оёғининг изини “кесиб” қўйди.

Тангриберди эса тагин овқат талаб қила бошлади.

Кечга бориб она хавотирга тушди.

— Улим эрта-мертандан бери тинмай овқат еб ётибди. Ошқуяри овриб қолмайми? — деб сўради “обход”га кирган хаворанг қалпоқли, баланд бўйли дўхтирдан.

— Ҳозир нима сўраса бераверинг, — деб жавоб берди хаворанг қалпоқли врач. — Лекин кейин тўхтатиш керак. Буни ўзим айтаман ҳали.

Чамаси бир ҳафтадан кейин бошини кўтариб, бемалол у ёқ-бу ёққа ҳаракатлантира оладиган бўлиб қолган Тангриберди овқатлангандан кейин қаршисида мунғайиб турган аёлга миннатдорчилик билдира бошлади:

— Раҳмат, хола, овқатингиз мазали бўпти.

Бувзилол байча чала эшитдимми, деган хаёлда ўғлининг юзига ҳайрон бўлиб тикилди.

Тангриберди аёлни эшитмади хаёл қилиб яна сўзини такрорлади.

— Раҳмат, холажон.

— Нимага хола дейсан?! — Кўрқиб кетган она бақириб юборганини сезмай қолди.

Тангриберди сесканиб кетди. Кўзларида хавотир аломати пайдо бўлди. Қаршисида гезариб, йиғламоқдан бери бўлиб турган кампирнинг айюҳаннос солишидан чўчиб юзини деворга бурди.

Дастлабки кунларга қараганда енгил шиппақда юришга ўрганиб қолган она палатадан чиқа солиб, дўхтирнинг хонаси томон югуриб кетди.

— Улим... Болам... мени хола деб ётибди... — деди у врач хузурига ҳансираб кириб бориб.

Қандайдир қоғозларни деразадан тушаётган ёруғга тутиб кўздан кечириётган қалпоқли дўхтир эшитмадим, дегандек онага юзланди.

— Улим мени хола деб ётибди...

— Амнезия! Ўзим ҳам ўйловдим. — Врачнинг юзида ўйчан ифода пайдо бўлди. Кейин анқайиб турган аёлга тушунтирди: — Ўғлингиз хотирасини йўқотган. Лекин сиз ваҳимага тушманг, бу вақтинча, албатта...

— У энди ҳеч кимни танимайми? Боласиниямми?..

— Афсуски, шундай. Лекин бу вақтинча бўлиши мумкин. Мен ҳозир ҳамшираларга айтаман...

— Яна апараста қиласизларми?

— Оббо! Онахон, жуда бесабр экансиз-да. Энди операция қилмаймиз. Намунча, ҳаммаларинг операциядан кўрқасизлар?!

— Апарастадан кейин шўйтиб қолди-ку!..

Дўхтирнинг юзи сезиларли даражада ўзгариб кетди.

— Агар биз операция қилмаганимизда, биласизми, ҳозир ўғлингиз қаерда бўларди?!

— ...

— Жиннихонада! Боринг палатага, ўғлингиз қалтис ҳаракат қилиб қўймасин!

... Бир ойдан кейин Тангрибердига уйга қайтишга рухсат беришди. Ўша кунни бош врач Довул тегирмончини хузурига чақириб ётиги билан тушунтирди:

— Биз қўлимиздан келганча қарадик, даволадик. Лекин... Умуртқа погонасидан атиги битта суюги синган одам қулаган дарахтдай гап. Тангрибердининг бир эмас учта суюги синган. Бош мия... озгина шикастланган... Эҳ!.. Қараб туриб... шуларнинг ҳаммаси ичкиликнинг касри, деб ўйласанг, бир қултум ҳам ичкилик оғзинга олгинг келмай қолади. Хуллас, бу ёғини энди вақт даволайди. Бир ой, бир йил, балки ундан кўпроқ муддат керакдир. Лекин аниқ кафолат бера олмайман. Балки умуман... Аммо очигини айтишим керак, Москвага олиб борганингизда ҳам бундан ортиги қўлларидан келмайди...

Тегирмончи лом-мим демади.

Нигоҳларини ерга тикканча нафасини ичига ютиб ўтирди.

— Лекин овқатни вақти-вақти билан бериш керак. Семириб кетса ўзига қийин бўлади.

Врач яна нималардир деди.

Тегирмончи бирини англади, бирини англамади.

Хонадан чиқаётиб эшик олдида бир зум каловлиниб туриб қолди. Сўнг шими чўнтагидан қоғозга ўралган нарсани олиб стол устига қўйди-да, ёв қувлагандек чиқиб кетишга шошилган эди, дўхтир йўлини тўсди.

Пулни қайтариб эгасининг чўнтагига солиб қўйди.

— Қизиқсилар, сўралмаган пайтда ҳам пул берасизлар-а? — дея ҳазилга бурмоқчи бўлди гапни дўхтир. Тегирмончининг қарашларидаги тошдай оғир ифода ҳазилнинг ўрни эмаслигини таъкидлаб тургандек туюлди. Дўхтир бирдан жиддийлашди: — Яхшиси ўғлингизга аравача олиб беринг!..

Вазни анча оғирлашиб қолган Тангрибердини тўрт киши кўтариб касалхонадан олиб чиқишди. Машинанинг орқа ўриндигига қорни билан ётқизишди. Шалвираб қолган оёқларини орқага букиб қўйишди...

— Бечора одам... — дея пичирлади эшик олдида турган ҳамширалардан бири.

— У одам эмас, урод! — деди хаворанг қалпоқли дўхтир ва тобора узоқлашаётган машина ортидан унсиз қараб қолди.

* * *

— Бу сени улинг!

Бувзилол байчанинг қўлида кўзлари чақнаб турган етти ойлик болакайга Тангриберди кулиб қаради, аммо болага қўл узатмади.

— Қўлингга олсанг-чи болангни... — деди Бувзилол байча ва болакайни Тангрибердининг қорни устига ўтқазиб қўйди. — Ота-бола бир искашиб олинглар, зора...

Она кўзларини олиб қочди.

Тангриберди қаршисидаги аёлнинг кўнгли учун болакайнинг пешонасидан ўпиб, эркалади. Кейин уни қўлларида тутган қўйи гоҳ ўзидан узоқлаштириб, гоҳ кўзига яқин келтириб юз-кўзига тикилди. Синчиклаб тикилди. Аммо... зулмат ортида муз қотган хотирасида “йилт” этган тафт, учкун сезилмади.

Балки шу боис болага нисбатан юрагида ҳеч қандай туйғу уйғонмади...

— Мени хола демагин, тагин. Эна де, энанг бўламан, — деди Бувзилол байча.

Бир муддат тараддуланиб турди-да, дўхтирларнинг: “Таниш нарсаларни кўпроқ кўрсатинг. Эслаш қобилиятини тиклашда ёрдам беради”, деган сўзларини эслади ва ёшига ярашмаган бир енгиллик билан “лип” этиб бориб қаердан-дир шахмат тахтасини топиб келди.

— Манави эсингдами, манави... — Бувзилол байча чанг босган шахмат тахтасини ени билан артиб ўғлининг кўзларига яқин келтирди. — Шуни деб балого йўлиқиб қолдингма дейман-да, шўрли болам!..

Тангриберди “эна”сининг қўлидаги матоҳга парвосиз назар ташлади. Индамади.

— Манави ерга қўйдим шахматингни, керак бўлса қўлингни чўзиб олаверасан, — деди ва шахмат тахтасини ўғлининг бош тарафига тикка қилиб қўйди.

Тангриберди тагин индамади.

У қўқирлаб кулаётган болакайга андармон бўлиб қолганди.

Бир кун...

Тегирмончини Эшбоев йўқлатди.

Саҳар эди.

Эшбоев айтганидай “...фарға овзига ... олмаган” бир пайт эди.

Эшбоев гапни аввал тегирмондан бошлади. Кимдир Довулбой кундан кун қўл ҳаққини ошириб боряпти, деган эмиш.

Эшбоев шу гапларни айтиб киприк қоқмасдан тегирмончига тикилиб тураверди.

Терговга чақирилибман, деб ўйлади тегирмончи. Энди бу кўргулик ҳам бормиди?.. Аввалига оёқлари қалтиради, кейин териси буришиб қолган вужуди титрашга тушди. Лекин барибир жавоб бериши керак! Энг осони, бошига тушган кулфатни рўкач қилиш... Шунда балки Эшбоев кўкайини кенг

қилар. Довул тегирмончи кўзларини пирпиратди, елкасини қисди. Бечораҳол кўрингиси келди янада.

Айтдики:

— Болаамиз... Болаамизнинг бошига ташвиш тушиб... Энди унинг бола-чақасини боқиш мени гардимда... Тан оламан, бир-иккитасидан ошиқча ҳақ олдим. Лекин ҳаммаданмас!..

— Ўша “бир-иккиталар” кимлигини яхши биламиз. Мана, ўзининг оти, отасининг отига довур аниқ-таниқ қилиб ёзиб кетишган. Ҳай, майли, мен ҳўжақўрсинга сизни идорага чақиртирдим. Ановиларни кўзига бўла... мен сизга айтсам, ошиқча пулни кимдан олишни билиш керак. Айтганча, улингиз қандай?..

— Шу... кўтарам бўлиб қолди-да.

— Хотираси ҳам яхшимас, деб эшитдим.

— Шундай.

— Бўлмаса бундай қиламиз. Мен улингизга ҳўжалик ҳисобидан пенсия тайинлайман. Ҳар ойда пешма-пеш олиб турсиз. Кейин... битта дилбузар билан битта аравача биздан!..

Тегирмончининг юраги ҳаприқди. Қаршисида ойдай ярқираб, тўлишган раиснинг пойига тиз чўкишдан ўзини базўр тийди.

— Раис бова... Оробани ўзимиз обберамиз... — деди у ҳаяжондан тугилиб. — Сиз аробани Қодирқулди отасига бера қолинг. Шўрли ўн уч йилдан бери тўшақда миҳланиб ётибди.

— Қодирқулди отасигаям арава топамиз. Ҳам еманг. Аравачанинг таги мўл! Айтгандай, невара қандай? Уям шохмот ишқибози эмасми, ишқилиб?..

— Ким билади, лекин калласи каттагина отасига ўхшаб. Аммо-лекин... Раҳмат, райис бова!.. — Довул тегирмончи кўлини кўксига урди.

Ойнинг юзиде табассум жилва қилди.

“Ороба керакмас дедим, дилбузар керак эмас демедим, — деб ўйлади тегирмончи уйига қайтар экан. — Шуни фаҳмига етдимикан?..”

Тангриберди эса кундан кун семириб бораётганди. У энди тўлишиш фаслидан ўтиб росмана семираётган эди. Онаси ёки хотинига кўзи тушса бас, қорним очди, деб кўярди. Улар атай эшитмасликка олиб ўтиб кетишда Тангриберди ўзини боса олмай қоларди:

— Қорним оч, овқат борми ўзи бу уйда! - деб айюҳаннос соларди.

Кўни-қўшнилари хижолат тортган аёллар дарров унинг айтганини муҳайё қилишарди.

Тангриберди фақат овқат ейиш учун яшаётгандек эди. Унинг фақат ногирон вужуди ва ошқозони қолганди.

Кўп ўтмасдан у бир қоп гўштга айланди.

Идора ходимларидан икки киши келиб, тантанали равишда Тангрибердига ногиронлик аравачаси билан телевизор топшириш маросимини ўтказишди. Машина ҳайдаб келган йигит суратга туширди...

Икки ҳафтадан кейин Тангрибердининг ногиронлар аравачаси ўтирганча телевизорни қабул қилиб олаётган ҳолдаги сурати газетда босилиб чиқди...

Эшбоев эса... Кўп ўтмасдан район катталари ҳузурига чақиртирилди.

Айтишларича, ё ўринбосар, ё «катта» бўлаймиш...

IV

Ҳаёт давом этарди.

Бирин-кетин бўй етиб қолган қизлар жойи чиқиб узатилиб кетишди. Эркабой уйланди. Ёр-ёр садолари янграб, янгалар қуршовида келинчақ кириб келганида нима учундир йиғлаб юборган катта келин “юз очди” бўлган куннинг эртасига боласини етаклаб қаёққадир отланди. Хавотир аралаш ҳайрат билан ҳаракатларини кузатаётган Бувзиллол байчадан на изн сўради, на рағбат кутди. Боласини етаклади-ю чиқиб кетди.

Ўша куни, ундан кейинги кунлар ҳам келиндан дарак бўлмади.

Мункиллаб қолган тегирмончи қудасиникига зир қатнади. Кимларни ўртага қўймади.

Афсуски, келини қайтиб келмади.

Тегирмончининг аввалги шахти йўқ эди. Қудаси-ю-келини олдида тили қисикдай эди. Аммо буткул ноумид қай-

тишни ҳам истамасди.

— Йўлдошбой бизники! — деб туриб олди неварасини кучоқлаб.

Қуда ер сузди.

Лекин қудағай тилини тийиб тура олмади, жовуллади:

— Болангиз минан уй қилиб орттиргани шу болайди. Энди шугинани ҳам тортиб олмоқчимисиз?!

Довул тегирмончи “миқ” этолмай қолди. Ичида неварасидан айрилганини тан олиб ҳам қўйганди. Энди бош кўтармай чиқиб кетиш қолганди.

Шу пайт эшик оҳиста очилиб, остонада келин бўлмиш — Йўлдошбойнинг онаси пайдо бўлди.

— Майли, бола уники... — деди у йиғламсираб, камзули ёқасини кўзига босиб. Кейин йиғи аралаш сўзланди: — Фақат кейинроқ...

Довул тегирмончи келиннинг муддаосини фаҳмлади.

Тангрибердига хотинининг кетиб қолганини айтишмаганди. Ўзига ўрганиб қолган экан, ҳадеб: “Йўлдошбой қани? Нега келмапти?” деб сўрайвериб онасини безор қилиб юборди. Бувзиллол байча чидаб тура олмади, охири айтди. Йиғлаб туриб айтди.

Тангриберди “миқ” этмади.

Онасининг кўз ёшлари юваётган юзидан кўзларини олиб қочди. Шифтга тикилди. Киприк қоқмай ётди.

Шу куни у бирор марта ҳам: “Қорним очди!..” деб бақирмади.

Эртаси куни ҳам...

Ундан кейин ҳам...

Кейинги куни у тун ярмидан оққанда онасини уйғотиб ташқарига олиб чиқишини илтимос қилди.

— Ярим оқшомда нима бор, болам. Тонг отсин...

— Олиб чиқмасангиз, ҳозирок ўлиб қоламан!.. — юзи кўқариб кетган Тангриберди қўйлаги ёқасини тутамлади.

Бувзиллол байча кўрқиб кетди.

Ҳайҳайлаб Эркабойни уйғотди.

Биргалашиб Тангрибердини аравачага ўтқазиб ҳовлига олиб чиқишди.

— Энди бориб ухлайверинг, — деди Тангриберди онасига. — Мен ўзим ўтиравераман!

Бувзиллол байча аста юриб уйга кирди. Аммо ўринга чўзилмади. Ҳовлига қараган дераза олдида чўк тушиб, ўглидан кўз узмай ўтирди.

Тангрибердининг нигоҳлари ҳовлини кўздан кечириб, ой шуласига чўлганиб ётган тепаликка тушди. Бироқ нигоҳлари бу ерда ҳам бир дақиқа “тўхтамади”, тепалик оша узоқ-узоқларга тикилди. Бир қорайиб, яна бировининг учи ялтираб турган тепаликлару-тоғлар билан юлдузлари жилва қилаётган осмоннинг туташган ерига унсиз тикилиб қолди.

Лекин афсуски, музлаб қолган шуури ҳеч нарсани ҳис этмади.

Бедарак кетган хотираси ҳеч нарсани эслай олмади.

Юраги қаттиқ санчди, холос.

Эртаси куни Довул тегирмончи эрталабданоқ тирговуч ясашга киришди. Тунда дераза олдида тиз чўккан кампирининг ёнида туриб шу фикрга келганди. Бирор соат ўтиб тайёр бўлган тирговучга шахмат тахтасини осиб, ўглининг каравоти ёнига қўйди.

Қаршисида телевизор, ёнида шахмат доскаси, биров тегирмонга бор, деб зугум қилмайди. Неки истагини айтса бас, ёнида мўлтираб турган онаси муҳайё қилади.

Энди шохмат билан шуғулланиш учун барча шароит муҳайё эди!

Аммо...

Тангрибердини шохмот деган балои-азим энди умуман безовта қилмасди. У фақат телевизор кўрарди. Толиққан пайтлари деразадан кўчани, ўтган-кетганни кузатиб ўтирарди.

Истаса, шундоқ қўлини узатса бас, шахмат билан шуғулланиши мумкин эди.

Айнан, ўша истак йўқ эди йигитнинг кўнглида.

У фақат бир нарсани, онаси “сени ўлинг”, деб қўлига тутган ўша болакайни кўришни, уни яна қўлига олишни орзу қиларди.

Довул тегирмончи эса... тез-тез ўглининг хонасига кирадиган, у билан соатлаб гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолганди. У ўғли билан суҳбатлашиш асносида шу нарсага амин бўлдики, Тангрибердининг тили равон, ҳамма нарса ҳақида бийрон-бийрон гапирарди. Фақат нимагадир ёнгинасида турган шахмат доскасига қайрилиб ҳам қарамасди.

Шунда тегирмончининг миҳжаларига беихтиёр ёш қалқди. Буни ўзи ҳам сезмай қолди. Ўғлининг ярми тирик, ярми жонсиз, абгор танасига зимдан боқаркан юраги ўртаниб кетди: “Балки ҳарбийга қайтиб кетганида бу фалокатга йўлиқмасмиди?”. деган армонли ўй миясидаги ўша говакни тирнаб ўтгандай бўлди...

Ўша кунни кечга бориб тегирмончи сирқовланиб ётиб қолди. Эртасига ҳам, индинига ҳам ўрнидан турмади. Туз тотмай кўйди.

Бешинчи кунни тонгга яқин бошмалдоқдай нарса туртиб чиққан томоғини икки-уч бора силади, кейин қўлларини қимирлатишга ҳам ҳоли келмади...

Бувзилол байча оғзига томизиш учун сув олиб келганида тегирмончи жон таслим қилиш арафасида хириллаб ётарди. Оёқ-қўллари музлаган... Кўзлари чирт юмилган, худди қайта очилиб кетмасин, дегандай... Аммо ҳамон хирқираётган бўғиздан отилаётган кўкмигир кўпик сира адо бўлмайди-гандек оқаверди, оқаверди... Бувзилол байча кўрқиб кетди: Бунча кўпик қаердан чиқяпти?!

Орадан олти ой ўтиб Бувзилол байча ҳам касал бўлиб ётиб қолди. Ўрнидан туролмай қолгунча ўғлининг хизматини қилди. Охирги дақиқаларда ҳам у боласига илҳақ бўлди. Ўлгиси келмагандек жон талашди; жон тери чиқиб, қат-қат ажин босган пешонасидан реза-реза тер оққанида ҳам... кампир ўрнидан турмоқчи бўлар, устига ёпилган энгил кўрпани силтаб-силтаб юборар, аллақачон карахт бўлиб қолган лаблари нимадир демоқчи бўлгандай аҳён-аҳёнда сесканиб кетарди.

Бир бурда бўлиб қолган вужуд сўнгги куч-қувватини шу йўсин сарфлади...

Бақрайиб қолган кўзларни қишлоқ муллеси дуо ўқиб ҳам ёпа олмади...

Катта келин бошқа турмуш қилгачгина Йўлдошбойни отасининг ихтиёрига юборди. Бирданига икки ўғилчали бўлиб қолган кичик келин рўзгор юмушларига ўралашиб қолган, Тангрибердига қараш баъзи кунлари эсидан чиқиб кетарди. Эркабой кун бўйи тегирмондан бери келмасди.

Довул тегирмончи оламдан ўтиб кетган бўлса-да, у умр бўйи кутган, кўрққан “талаш-тортиш” юз бермаган, Эркабой тегирмонни ёпиш хаёлида юрарди.

Беморга қаровнинг мазаси қочди.

Хонадан ёқимсиз ҳид уфуриб қолганди.

Тинимсиз қашинаверганидан Тангрибердининг баданида учуққа ўхшаш бир нарсалар пайдо бўлди. Учуклар аста-секин катталашиб, йирингли ярага айланди. Бир кун келиб яралар ёрилганидан, йиринг аралаш қон сачраб кийимлари доғ бўлиб қолгандан кейингина Эркабой бундан хабар топди. Тўғрироғи, бу “хабар”ни ота-онаси ўлганидан кейин Тангрибердининг олдида тез-тез кириб турадиган Шовқи муаллим айтди. Эркабойга бир-икки аччиқ-тизиқ гапларни ҳам гапирди. Эркабой жиззакироқ эди. Жаҳли чиқиб кетди унинг.

— Сиз! — деди у отасиникига ўхшаш чағир кўзларини чақчайтириб. — Акам минан ишингиз бўлмасин! Отамдан бир эшитгандим, аслида акамнинг бошига сиз етгансиз! Сиз!

Шовқи муаллимнинг кўзларидан тирқираб ёш отилди. Аммо бир сўз демади. Сенга гап ҳайф, дегандай Эркабойга нафрат билан тикилди-да уйдан чиқиб кетди.

Шу кетганча бадар кетди. Қайтиб бу остонага қадам қўймади. Тангриберди эса ташқарида бўлаётган гап-сўзлардан беҳабар, эшикка термулиб ётарди. Шовқи муаллим келишини кутарди. Муаллимнинг суҳбатлари унга номаълумлик чегарасини бузиб ўтиш учун куч-қувват бағишлаётгандай эди.

Нимадир юз бериб, ҳаммаси тамом бўлганига бир ойлардан кейин ишонди Тангриберди. Чунки ўтган вақт мобайнида Шовқи муаллим умуман қорасини кўрсатмаганди. Танг-

рибердининг: “Балки кўчадан ўтганда кўзи тушиб қолар...” деган ожизона илнжи ҳам пучга чиқди.

У энди кун уззукун миқ этмасди. Ўғли ўйин боласи эмасми, кўчадан бери келмасди. Телевизор ҳам жонига текканида баъзида кун бўйи бирор марта ёқилмасди.

Тангриберди энди “овқат!” деб бақирмасди. Келини патнис кўтариб келгунча бир парча бўлиб қолган юзини ярмини эгаллаган кўзларини бақрайтирганча деразадан ташқарига тикилар, аҳён-аҳёнда ёнгинасида қаққайиб турган “икки оёқли” шахмат тахтасига қараб-қараб кўярди.

У озиб, чўп бўлиб қолганди. Худди мўмиёланган жасаддек кундан кун кичрайиб, емирилиб бораётгандек эди.

Қалбида ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетган... Вужудидан муҳаббат ва самимият сиқиб чиқарилган... Шуури... аёвсиз жондан кейин хувиллаб қолган кўрғонни эслатарди. Совуқ шамол, елвизак ҳукм сурарди у ерда... У жисмонан енгилган эди.

У нақ мурданинг ўзи бўлиб ётарди.

Кунларнинг бирида...

Саҳар пайти эди.

Осмон ёришган, кушлар чаҳ-чаҳлаб тонгни хушлаётган сокин бир палла эди.

Тангриберди уйқудан чўчиб уйғонди.

Уйғона солиб, ирғиб ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ жонсиз оёқлари қимир этмади. Ажабланди. Тарашадек қотган оёқларига ҳайрон бўлгандек бир неча сония тикилиб қолди. Кейин олазарак бўлиб атрофга аланглади. “Эна-а!” деб бақиргиси келди. Аммо бақирмади, бақира олмади. Чунки каравотдан сал нарига солинган ўрида ўзига қуйиб қўйгандай ўхшаш бир бола пишиллаб ухлаб ётарди. Кўксини ажиб туйғу қамраб олди. У болани қўлига олгиси, бағрига босиб, эркалатгиси келди. Аммо болақайнинг ширин уйқусини бузгиси келмади.

Сўнг нигоҳлари беихтиёр шахмат тахтасига қадалди. Қарашларида фавқулодда бир зийраклик ва теран маъно акс этарди.

Узалиб тирговучли шахмат тахтасини ўзига яқин сурди. Кутилмаган жўшқинлик билан шоша-пиша оқ ва қора доналарни тахтага териб чиқди.

Кейин... қандайдир хаёлий куч исканжасига тушиб қолгандек қалтираб кетди. Қалтираш асносида... елкасидаги йирингли ярадан нимжонгина бир нарсалар учиб пастга — кўрпа устига тушди. Бу курт эди.

Баданидаги яралар қўртлай бошлаганди.

Тангриберди бундан беҳабар...

Юраги ҳеч ерга сиғмайдигандек гурсиллаб урар, олов ёлқилланаётган кўзлари тахтага қадалганча тек қотганди.

Бир маҳал...

Музлаб қолган тафаккурида “йилт” этиб учкун пайдо бўлди. Учкун аста-секин аланга олиб, зулматда қақшаб ётган тасаввур кўзгусини ёритиб, кумушдай ярақлатиб юборди.

Шундан кейингина йигитнинг кўз олдидан таниш лавҳалар бир-бирини қувлашиб ўта бошлади. Ва... Ва Тангриберди аста қўлини узатиб “оқ”ларнинг “пиёда”сини бир катак олға сурди.

V

Телевизорда шахмат мусобақасига оид кўрсатув бериланган пайт.

Жаҳон чемпиони билан жаҳон чемпионлигига даъвогар ўртасида кескин жанг бошланган. Иккаласи ҳам чуқур ўйга толиб, шахмат тахтасига тикилган қўйи ўтиришарди.

Тангриберди жаҳон чемпионининг ҳар бир ҳаракатини, ҳатто кўз қарашларини ҳам эътибордан қочирмасдан ўйинни кузатарди. Унинг бутун вужуди кўзга айланган, экран ичига кириб кетгудек бўлиб ўтирарди.

Бир маҳал тош қотиб ўтирган жаҳон чемпионининг қўли ҳаракатга келди. Бармоқлари «от»нинг бошидан тутди. Шунда... шунда Тангриберди ўтирган ерида бир қалқиб тушди.

— Йўқ! Йўқ! - дея пичирлади у ҳаяжонланиб. - «От»ни кўя тур! «Рух»ни с 8 дан с 4 га юр! Шунда... Ана шунда!..



Ориф ҲОЖИ

ГҶЗАЛЛИК БОҚИЙДИР ШАБНАМ БЎЛИБ ҲАМ



МАХТУМҚУЛИ ЯҶЛИДА

Қардошлиғи астар учи, бўз учи,
Молинг бўлса хешлик даъво қилгувчи,
Қаттиқ қунда безонадай бўлгувчи,
Қариндошдан дўсту дугона яхши.

Оғанг бўлса, лек ҳақингга чанг солса,
Ишинг юриб қувонсанг, малол олса,
Ота юртдан ҳайдаса, ўзи қолса,
Оғайнидан беш бет безона яхши.

Оқилман деб тинмай томоқ ургувчи,
Сув илтсанг тамағ қилиб тургувчи,
Фақатгина ўз нафсини кўргувчи,
Кайвонидан холис девона яхши.

Зўр бўлса-ю зинҳор ақли бўлмаса,
Бармоғида душман бурга ўлмаса,
Она юртин ориятин олмаса,
Полвонингдан бешоҳ жувона яхши.

Тузингни еб тузлигингга тўпурса,
Душманингни кўчасини сунурса,
Эр номингни ёмонлаб ерга урса,
Ҳалолингдан сотқин жонона яхши.

Ҳар йигитнинг баланд бўлсин ҳиммати,
Ҳиммат эмиш эр йигитнинг зийнати,
Қасринг бўлса, бўлса лекин миннати,
Кошонангдан бузу-вайрона яхши.

Дарвозаси гарчи тилло зар бўлур,
Кўчаларин гулзорлар безар бўлур,
Одамлари гайри магар бўлур,
Жинонингдан ватан ягона яхши.

* * *

Сенки одам душманисан садқайи одам санга,
Ҳаиф эрур ҳайвонлар ичра бўлса гар жо ҳам санга.

Бахтингу шодликларингни эл билан кўргил баҳам,
Мени ҳам ёлғиз кечир деб келмагай то гам санга.

Феъли кенгликни одат қил, кенгга кенгдур бу жаҳон,
Ҳимматинг бўлса баланд бошин эрур тоғ ҳам санга.

Сенга элдан фойда етмас, ширк эт агар йўқдир зарар,
Бир кичик бургангча кўрма берса кўй Хотам санга.

Бас, Ориф даврон элдан яхшилик кўз тутмаким,
Шунча йил келган ёмонлиг бўлдимۇ ё кам санга.

* * *

Қошлари мушк, сочлари анбар нигор,
Тишлари дур юзлари анвар нигор.

Ҳар неча таъриф қилсам шунча соз,
Парварши қилмиш сени парвардигор.

Рух – латиф, жисминг – ҳафиф, лутфинг – зариф,
Сенга нурдан ўзгасмас жавҳар нигор.

Васл умидин манъ қилма, бизга ҳам –
Файз етсин, эй, пари пайкар нигор.

Барча ошиқ айланурлар чарх уриб,
Аҳли дилга сиз магар меҳвар нигор.

Гар зилолинг иш этиши бўлса насиб,
Истамасман ўзга бир Кавсар нигор.

Орифо ёр мадҳини битган замон,
Хатларини айлагайсан заргинор.

* * *

Тилинг болу лабинг шаҳд,
Тишинг дуру танинг наҳд.

Ҳусн султонларига,
Магар сенсан валиаҳд.

Етишмоқ хизматингга,
Манга нечоғ буюк бахт.

Висолингга етай деб,
Қилур кимлар жиду-жаҳд.

Юзинг гадоларига,
Изинг бамисли пойтахт.



ШҶРҶЛИКЛАР

Дейдилар: «Ит ҳура, ўтади карвон».
Итга сўнгак ташлаб ўтсанг-чи, нодон.
Сендан бирор туъма-таъмаси бордир,
Бехуда ҳурмайди ит ҳам ҳеч қачон.

* * *

Не топсанг эл билан айлағил баҳам,
Олги-берги билан собит дунё ҳам.
Кимдан нима олсанг, албатта сўрар,
Жонингни сўроқлар ҳатто худо ҳам.

* * *

Гўзаллик боқийдир шабнам бўлиб ҳам,
Дунё ортиб қолар бир кам бўлиб ҳам.
Мени – парвонангни кўйдирган билан,
Тонгга етолмайсан сен шам бўлиб ҳам.

ОШИҚ ИЛОНЧА

БҮЙДОҚНИНГ ФАЛСАФАСИ

Овқатда таъм бўлмайдиган туз бўлмаса,
Тилнинг қадри бўлмас сўз бўлмаса.
Бу дунёда яшашга ҳеч ҳожат йўқ,
Кўкракларини тўлишган қиз бўлмаса.

ЧОЛ БИЛАН КАМПИР

Кампир чолин койиб қолди,
Сузган чойи совиб қолди.
Чол қовоғин уюб олган,
Билмам нега овуб қолди?!

Бир-бирини суяр улар,
Бири-бири деб куяр улар.
Кампир кўймас капкирини,
Чол кўймайдиган кампирини.
Канда қилмас туртишини,
Кампир истар куттишини.
Айтар гапи: тошин терсин,
Бобо қистар: мучча берсин!

Кампир чолин койиб қолди,
Сузган чойи совиб қолди.
Чол қовоғин уюб олган,
Билмам нега овиб қолди?!

ОҚИБАТ

Сигир кўзин сузди зимдан,
Хўкиз билан шохлашгани.
Етса кучи етмаса гар,
Бир балони бошлашгани.

Ем еганди четга бориб,
Ўзганинг бир охуридан.
Айрилиб-ай қолди сигир,
Наввос деган тоҳуридан.

Шунда бери тўрт бўп кўзи,
Сигир ишқдан бунда маст-да.
Кўтарилган роса бурни,
Хўкиз асли одаммас-да!

Кўнгил қаттиқ озор чеккач,
Сигир бир оз тийилди-ку.
Четдан роса бўкиб келгач,
Хўкиз тўтиб сўйилди-ку!

Сигир кўзин сузди зимдан,
Хўкиз билан шохлашгани.
Етса кучи етмаса гар,
Бир балони бошлашгани.

ОШИҚ ИЛОНЧА

Аста-секин кунлар ўтиб,
Бўйдоқ бўлди илонча.
Бақабойнинг қизин кўриб,
Кўп доғ бўлди илонча.
Учрашувга таклиф этар,
Чертиб деразасини.
Сезиб қолса отаси гар
Чиқармайдиган сасини.
Онасига гап йўқ асло,
Кўриқлайди мулоим.
Қизини ҳам эркалатиб
Дейди: Менинг Гулоим!
Қайси кунини руҳсат берди,
Чиқишига ботқоққа.
Бу-чи жуда ёқиб тушди,
Илончамиз бўйдоққа.
Бориш учун манзилига
Заказ қилди таксига.
Куттиш асли даҳшат нарсаси,
Вақт имиллар аксига.
Ва ниҳоят такси келди,
Ҳайдовчиси Тошбақа.
Иддао ҳам қилиб кўйди,
Берасан деб чойчақа.
Шунда билмам қаердан дир
Келиб қолди Бақабой.
Қизи йўлга отланмоқда,
Билиб қолди Бақабой.
Хотинини сўкиб кетди:
- Эсингни еб кўйибсан,
Мендан биров сўрамаси,
Майли бор деб кўйибсан.
Илон эса ҳаяжонда,
Тулар гулин кўтариб.
Қиздан эса дарак йўқдир,
Чақирди хўп йўталиб.
Бунини кўриб Бақабой дер:
-- Қаранг ётиб олибди!
-- Кўзинг борми, хотин? -- дер эр,
-- Роса отиб олибди!

ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI

MUASSISLAR:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

O'rozboy ABDURAHMONOV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Yo'ldosh SULAYMON

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Vafo FAYZULLO

Yo'ldosh ESHBEK

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali, 1982 yil-
dan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 3 (195) 2004 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**MUHARRIR MINBARI***Bir majlis bahona...* 1**NASR***Luqmon BO'RIXON**Chorbog' qo'riqchisi. Qissa.* 6*Zulfiya QUROLBOY qizi**Tafakkur. Hikoya.* 31**NAZM***Muhammad ALI**Yangi she'rlar*..... 2*Matnazar ABDULHAKIM**Vazmin va ulug'vor oqadi daryo*..... 16*O'roz HAYDAR**Yulduzlarning kumush tovushi*..... 29*Orif HOJI**Go'zallik boqiydir shabnam bo'lib ham* 46**NUQTAI NAZAR***Umarali NORMATOV**Kitobxonlik davri o'tdimi?*..... 4**YELPUG'ICH***Abdurazzoq OBRO'Y.**Oshiq iloncha* 47**CANAT***Hosila RAHIMOVA* 5**Muqovalarimizda fotojurnalist No'monjon
MUHAMMADJONOV suratlaridan foydalanildi.**Manzillimiz: 700000, Toshkent, Javoharlal Neru, 1-uy,
Telefon: 133-40-83
Bosishga 18.06.2004 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.
Indeks 822 ISSN 0207-9137
Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb
izohlanishi shart.Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi
bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 192

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.